Учёные первых десятилетий XX века также отмечали, что несмотря на огромное значение административного акта, как правовой формы управленческих действий, в публично-правовой сфере существуют договоры, которые выполняют функции управления (например, координации, подчинения, организации, распределения) в целях взаимного удовлетворения публичных интересов. Известный немецкий учёный В.Еллинек указывал на существование таких договоров (соглашений), устанавливающих права и обязанности сторон и определяющих их правовой статус. В то же время, публично-правовые договоры, характеризующиеся наличием волеизъявления нескольких участников, чаще рассматривались как один из видов административных актов, издаваемых государственными и территориальными органами и устанавливающих, изменяющих или прекращающих правовые отношения. [4]

В отличие от административного акта (правового акта управления), который к концу XIX века, благодаря известному ученому О.Майеру, приобрёл чёткий образ правовой модели и занял в административно-правовой системе господствующее положение, административный договор долгое время игнорировался научной общественностью. О.Майер считал договоры между государством и гражданином в области публичного права невозможными, так как отношения государства и гражданина являются субординационными, а договор заключается между субъектами, имеющими одинаковый правовой статус и не подчинёнными друг другу. [5]

Административное право, осуществляя регулятивную функцию, использует ряд правовых средств (способов) воздействия на управленческие отношения, на поведение их участников. Эти средства называются методами правового регулирования административно-правовых отношений.

Административное право бывшего СССР, в основном регулировавшее административно-правовые отношения по исполнительной вертикали, утвердило среди учёных мнение, что доминирующим в нём является метод односторонних властных предписаний. Отмечалось, что участники управленческих отношений не равноправны, так как один даёт обязательные для исполнения предписания, а другой должен их точно и вовремя исполнить (например, предоставление и изъятие земли для целей обороны страны, прокладки коммуникаций, охраны природы и т.д.). Этот принцип сохранился и по настоящее время.

Однако, в современных условиях, по мере возрастания роли административно-правовых отношений по горизонтали, вопрос о методах требует большего внимания. Например, появляется необходимость в государственном планировании, расчётах экономических нормативов, обосновывающих принятие тех или иных решений и пр. В общих чертах суть методов админи-

стративно-правового регулирования раскрывается перечнем следующих правовых средств:

1) Установление определённого порядка действий – предписание к действию в соответствующих условиях, надлежащим образом оформленное в административно-правовой форме. Например, государственные служащие должны соблюдать положения соответствующей должностной инструкции, а также законодательства, в которых перечисляются их обязанности. Должностные лица обязаны осуществлять установленный в различных правовых документах порядок конкретных действий: например, осуществление деятельности по контролю и надзору, лицензированию, стандартизации и сертификации товаров и услуг и т.д.; государственные служащие в пределах своих обязанностей должны своевременно рассматривать обращения граждан и общественных объединений, а также, предприятий, учреждений и организаций, государственных органов и органов территориального управления и принимать по ним решения в порядке, установленном законодательством Республики Узбекистан;

2) Запрещения (ограничение) определённых действий под угрозой применения соответствующих санкций. Например, если государственные служащие не соблюдают этого положения, то законодатель устанавливает возможность применения к ним мер государственного принуждения: дисциплинарного, административного, уголовного. Так, запрещено направление жалоб граждан на рассмотрение тем должностным лицам, действие которых являются предметом жалобы. Виновные должностные лица несут за нарушение данного запрета дисциплинарную ответственность. Государственным служащим запрещено получать от физических лиц вознаграждения, выгоды или подарки за выполнение, или невыполнение своих служебных полномочий в их интересах;

3) Предоставление возможности выбора одного из вариантов должного поведения, предусмотренных в административно-правовой норме. В данном случае, государственный служащий может выбрать, по своему усмотрению, но строго в соответствии с законом один из нескольких методов и форм деятельности;

4) Предоставление возможности действовать (или не действовать) по своему усмотрению, т.е. совершать или не совершать, предусмотренные административно-правовой нормой действия при наличии определённых условий (например, право на внесение жалобы). Как правило, это имеет место не только в процессе реализации субъективных прав, но и при осуществлении правового статуса государственных служащих, использовании предоставленных им прав и полномочий. Дозволение – это предоставление государственным служащим права на свои, собственные активные действия. Этот способ деятельности может использоваться государственным служащим в рамках осуществляемой им управленческой деятельности, когда выбор того или иного варианта управленческого поведения будет определять эффективность всей административной работы.

Таковы отличительные черты методов административно-правового регулирования управленческих отношений, нередко называемых властными отношениями. Хотя административное право властно проявляет себя во всех указанных случаях, оно предусматривает и мягкие варианты воздействия на общественные отношения и соответствующих субъектов

права, что особенно важно для административно-правовых отношений по горизонтали.

Заключение

Одной из современных тенденций в развитии законодательства Республики Узбекистан вообще, а административного – в частности, является некоторое усиление роли диспозитивного метода правового регулирования, т.е. переход от императивности в управлении к таким формам регламентации, которые позволяют широко использовать и в управленческой практике договорные начала, максимально обеспечивать права и свободы граждан, гарантировать условия для проявления инициативы, творчества, предприимчивости.

Список литературы:

1. Алексеев С.С. Государство и право: начальный курс. // М.: «Юристъ», 1993. – С.83.
2. Loeser R. System des Verwaltungsrecht. Bd.1, 2 // Baden-Baden, 1994.-S.379.
3. Аннерс Э. История европейского права. // М.: «Наука», 1994. – С.326.
4. Jellinek W. Verwaltungsrecht. // Berlin, 3 Aufl, 1931.- S.147.
5. Mayer O. Zur Lehre vom öffentlich – rechtlichen Verträge // Aor Band 3. Freiburg, 1888. – S. 3-86.

М.Абдуллаева

Тошкент давлат юридик университети докторанти, PhD

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ШАРХЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

Аннотация: Роман-герман ҳуқуқ тизимида судларнинг қарорлари одатда ҳуқуқ манбалари сифатида қаралмайди, аммо Конституциявий судга юкланган функцияларни, шунингдек, унинг қарорларига ички қонунчиликда берилган юридик кучини ҳисобга олган ҳолда амалиётда Конституциявий суд қарорларини ҳуқуқ манбалари сифатида қўллаш муаммоси вужудга келади. Шу муносабат билан, мазкур масала чуқур изланишларни талаб қилади. Айтиш жоизки, мазкур муаммо ҳуқуқ фанида мунозарали масалалардан биридир. Ўзбекистонда суд конституциявий назорати органлари нисбатан яқинда яратилганлигини ҳисобга олсак, ушбу конституциявий-ҳуқуқий институтнинг мазмуни, Конституциявий суди фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича ягона нуқтаи назар ҳали шаклланмаган. Муаллиф мазкур мақолада конституциявий суднинг шарҳлаш бўйича қарорларининг ҳуқуқ тизимидаги ролини кўрсатиб беришга ҳаракат илган.

Таянч сўзлар: Конституциявий суд, конституциявий судлов, Конституцияви суд қарорлари, шарҳлаш, шарҳлаш чегаралари, прецедентлик, нормативлик, умуммажбурийлик, ҳуқуқ манбаси.

Аннотация: В континентальной системе права решения судов в основном не рассматриваются в качестве источников права, однако с учетом функций, которые возложены на Конституционный Суд, а также юридической силы, которая придана его решениям в отечественном законодательстве, на практике приходится сталкиваться с проблемой применения решений Конституционного Суда в качестве источников права. В связи с этим, подход нуждается в определенной корректировке. Необходимо констатировать, что названная проблема относится к числу дискуссионных в юридической науке. Учитывая, что органы судебного конституционного контроля созданы в Узбекистане сравнительно недавно, единой точки зрения относительно содержания этого конституционно-правового института, решения проблем, связанных с деятельностью Конституционного Суда, в науке и практике ещё не сложилось. В данной статье автор пытается показать роль решений конституционного суда в правовой системе.

Ключевые слова: Конституционный суд, конституционный суд, решения Конституционного суда, толкование, пределы толкования, прецедент, норматив, универсальное обязательство, источник права.

Abstract: In the continental system of law, decisions of the courts are generally not considered as sources of law, however, taking into account the functions assigned to the Constitutional Court, as well as the legal force that is given to its decisions in national legislation, in practice one has to face the problem of applying the decisions of the Constitutional Court in as sources of law. In this regard, the approach needs some adjustment. It must be stated that the named problem is one of the debatable

ones in legal science. Taking into account that the bodies of judicial constitutional control have been established in Uzbekistan relatively recently, a unified point of view regarding the content of this constitutional and legal institution, solving problems related to the activities of the Constitutional Court, has not yet been developed in science and practice. In this article, the author tries to show the role of the decisions of the constitutional court in the legal system.

Keywords: Constitutional court, constitutional trial, Constitutional court decisions, interpretation, limits of interpretation, precedent, normative, universal obligation, source of law.

Конституциявий ва ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш ҳужжатларининг ҳуқуқий табиати муаммоси бўйича иккита асосий нуқтаи назар мавжуд. Улардан бири, шарҳлаш ҳужжати ўз моҳиятига кўра ҳуқуқ нормасининг ҳақиқий маъноси ва мазмунини белгилаши, тушунтирилаётган қоидага ҳеч қандай янгилик киритмаслиги керак. Унинг асосий вазифаси мавжуд нормаларнинг мазмунини тушунтириш ва аниқлаштиришдир. Бошқа нуқтаи назарга кўра шарҳлаш ҳужжатларининг норматив хусусиятини тан олишдан иборат.

Айрим олимлар ваколатли норматив шарҳлаш, шу жумладан Конституциявий суднинг ҳужжатларига нисбатан ҳам, уларнинг умуммажбурийлигини белгилаш, уларнинг норматив эканлигини тан олишга олиб келмаслиги керак деган мазмундаги фикрларни илгари суришади.

Хусусан, П.Э.Недбайло шарҳлаш ҳужжатлари муайян ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармайди ва янги ҳуқуқий нормаларни ўзида акс эттирмайди, деб қайд этади [1]. Мазкур фикрларни аниқлаштириб, Т.Н.Евгеньевна Конституциявий ва ҳуқуқий нормаларнинг норматив шарҳлаш ҳужжати норматив ҳужжат ҳисобланмайди. У, албатта, норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан ўхшашликларга эга: у чекланмаган миқдордаги ишларга тааллуқлидир, аниқ шахсга қаратилмаган, мажбурий хусусиятга эга, лекин қонун нормаларини ярата олмайди, ўзгартира олмайди ёки бекор қила олмайди. У ушбу қоидаларни ўз ичига олган норматив ҳужжатдан фарқли ўлароқ, фақат қонун-қоидаларини шарҳлайди. Мавжуд қоидаларни аниқлаштириш ва янги ҳуқуқий қоидаларни яратиш ўртасида аниқ чегарани белгилаш муҳимдир [2, 30-b.].

Э.В.Лукшин эса аксинча, тушунтиришлар шарҳланадиган ҳуқуқ нормаларининг бир қисмидир ва улар қонун ижодкорлиги ҳужжатлари сифатида қаралиши керак, деб ҳисоблайди [3, 30-b.]. И.С.Самощенконинг фикрига кўра, шарҳловчи ҳужжатлар, гарчи улар янги ҳуқуқий қоидаларни ўз ичига олмаса-да, шунга қарамай, улардаги қонунларни шарҳлаш умумий (норматив) ва махсус (индивидуал) бўлиши мумкин, чунки тушунтиришлар бошқа ҳужжатлар билан бир хил шаклда бўлади [4, 30-b.]. С.С.Алексеев мазмуни жиҳатидан шарҳловчи ҳужжатларни ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида тури деб ҳисоблайди [5, 30-b.].

Айрим олимлар эса шарҳлаш ҳужжатини прецедентлик хусусиятини келтириб, нормативлигини исботлашга ҳаркат қиладилар. Г.А.Прокопович шарҳлаш ҳужжатларини суд прецедентининг намоён бўлиш шакллари билан боғлайди [6, 30-b.]. Ю.С.Черепенникова шарҳлаш ҳужжатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлмасада, шунга қарамай

мажбурият элементини (ҳеч бўлмаганда ҳуқуқни қўллаш субъектларининг аниқ белгиланган доираси учун) ўз ичига олишини қайд этади [7]. шунингдек унинг фикрига қўра, талиш қилиш ҳужжатлари ваколатли ва нуфузли органлар томонидан чиқарилади, талқин қилинаётган норманинг пухта тайёрланган илмий асоси бўлиб, ҳуқуқий мураккабликлар, шу жумладан бўшлиқлар (жумладан, жиноят қонунчилигида) юзага келганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга фойдаланиш учун тавсия этилиши керак.

Юқоридаги биринчи ёндашувни таҳлил этиб қайд этиш жоизки, Конституциявий суд томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шархлаш жараёнида уларга нормаларни аниқлаштиришга қаратилган тузатишлар, ўзгартишлар, қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди. Конституциявий суд талқин қилинаётган норманинг мазмунини аниқлаштириб ёритиб беради. Бироқ, таъкидлаш жоизки, конституциявий принциплар ва нормаларнинг, уларнинг маъносини очиб берадиган талқини Конституциявий суд фаолиятининг моҳиятидир, чунки у ўз ваколатларини аксариятини амалга оширишда унга асосланади. Конституциявий суд барча ваколатларини амалга ошириш жараёни конституциявий қоидаларни талқин қилишни ўз ичига олади. Конституциявий суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилганлиги устидан шикоятлар бўйича муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишларни юритишда ҳамда судларнинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган муножаатини кўриб чиқиш натижасида нафақат муайян шахсларнинг ҳуқуқлари балки, қонун татбиқ этиладиган барча ҳуқуқ субъектларига мажбурий бўлган қарор қабул қилади. Бу орқали Конституциявий суд ҳуқуқий прецедент яратади. Конституциявий суд томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий позиция бошқа давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар томонидан муайян масалаларни ҳал қилишда мажбурий равишда амал қилиши керак бўлган намунага айланади.

Конституциявий суд муайян доирада ҳуқуқ ижодкори ҳисобланади, қонунчиликнинг ривожланиш йўналишларини белгилайди, Конституция ва қонунларни шархлаш учун прецедентлар яратади, шу билан бирга Конституциянинг ўзида бўшлиқларни бартараф этади [8]. Бугунги кунда Европа Конституциявий судларининг қарорлари энди Ҳанс Кельзен таърифлагандек салбий қонун чиқарувчи тушунчаси доирасига кирмайди. Бунинг сабаби шундаки, замонавий Конституциявий судлар фақат қонунларнинг конституцияга мувофиқлигини текшириш ва конституцияга зид деб топилганларни бекор қилиш билан чекланмайди, балки шархлаш орқали тегишли қарор асосида қонун матнларини тўғирлайди, тўлдирди ва такомиллаштиради. Бундан ташқари, улар парламентларга қонунни ўзгартириш, шу орқали уни тузатиш, тўлдириш ва ривожлантириш бўйича кейинги жараёнларни бошлаш зарурлигини билдиради [9].

Таъкидлаш жоизки, бир томондан, Конституциявий суднинг шархлаш ҳужжати мазмунан, шарҳланаётган норманинг таркибий қисми, чунки қонун ўз кучини йўқотганда ёки янги таҳрирда қабул қилинганда шархлаш ҳужжати ҳам ўз-ўзидан аҳамиятни йўқотади.

Шу билан бирга, Конституциявий суд қонун чиқарувчининг ўрнини боса олмайди, бироқ қонунчиликни такомиллаштириш учун муҳим йўналишларни белгилайди.

Юқоридаги фикрлар асосида таҳлил қилиб қайд этиш жоизки, Конституциявий судлар томонидан амалга ошириладиган шархлаш, одатда, ҳуқуқ ва сиёсат ўртасидаги шаклланган муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олади. Шу боис, Конституциявий суд қарорлари нормативлик хусусиятларга эгадир. Ўзбекистон қонунчилиги асосида Конституциявий суднинг шархлаш бўйича ҳужжатларининг нормативлиги хусусиятлари қуйидагилардан иборат: биринчидан, барча давлат органлари, нодавлат ношижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий ҳамда прецедентлик хусусиятига эга, Конституциявий суднинг қарорлари, хулосалари ва бошқа тўхтамлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, Конституциявий суднинг ҳужжати қатъий ва унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

Конституциявий суднинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини белгилаш ҳамда қарорларини тўла ва бир хилда ижро этилишини таъминлашда, Конституциявий суд ҳужжатларининг ҳуқуқ манбалари тизимидаги ролини аниқлаш муҳимдир. К.В.Демченков ҳақли равишда қайд этганидек, “Замонавий шароитда Конституциявий суднинг Конституцияни шархлаш билан боғлиқ қарорларини, биринчи навбатда, давлат органлари томонидан мажбурий ижро этилишини таъминлаш зарур. Бунинг учун, биринчи навбатда, улар учун ҳуқуқ манбаси сифатидаги мақомини қонун билан мустаҳкамлаш, шу орқали талқин қилинадиган нормаларнинг юридик кучини бериш зарур [10]”. Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратсак, Германияда Федерал Конституциявий суднинг шархлаш амалиётига қўра, қонун ҳужжатларининг мазмунини фақат Германия Федератив Республикасининг Асосий қонун нуктаи назаридан очиб берилади. Шу билан бирга, суд томонидан берилган изоҳ бошқа органлар учун ҳам мажбурийдир ва қонун кучига эга [11]. Бельгия Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, “Қонунларни расмий шархлаш фақат қонун билан амалга оширилади” деб белгиланган. Профессор В.Д.Зорькин Конституциявий суд ҳужжатларининг юридик табиатини қуйидагича изоҳлайди:

Конституциявий суднинг якуний қарорларининг кучи ҳар қандай қонуннинг ҳуқуқий кучидан ошиб кетади ва шунга мос равишда Конституциянинг юридик кучига деярли тенг бўлиб, уни Конституциявий суднинг тегишли нормалар билан боғлиқ якуний қарорларидан ажратилган ҳолда ва ушбу қарорларга зид равишда” қўллаш мумкин эмас ва бундан ташқари, “Конституциявий суд томонидан берилган мамлакатнинг энг олий қонунининг ҳар қандай талқини ҳуқуқий позициясига, конституциявий кучга эга [12]”.

Шу боис Ўзбекистон қонунчилигида ҳам Конституциявий суднинг шархлаш бўйича қабул қилган қарорларининг юридик кучини белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, Конституциявий суд қонун чиқарувчининг ўрнини боса олмайди, бироқ суднинг фаолиятида қонунийликни ҳамда ҳуқуқ нормаларини талқин қилишда қонун чиқарувчининг ваколатларига “дахл қилинмаслиги”ни таъминлаш

учун, шархлаш чегарларини белгилаш муҳимдир. В.А.Кряжков бундай чекловчи қоидалар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтади [13]

– шархлаш сўрови предмети бўйича суд томонидан қонуний кучга эга суд қарори қабул қилинган бўлса;

– шархлаш натижасида конституциявий нормалар ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда;

– айти бир вақтда бир предметга эга бўлмаган конституциянинг турли қоидаларини шархлаш бўйича сўров бўлса;

– мурожаат қилувчининг фикрига мувофиқ, масаланинг ечими қонун қабул қилишни талаб қилса;

– шархлаш орқали Федерал Мажлис палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасининг дастлабки назорати амалга оширилса;

– тегишли муносабат аллақачон қонун билан тартибга солинган бўлса (бошқа ҳолларда бу қонунни тегишли тартиб таомилда конституциявийлигини текширишни аниқлаш бўлар эди).

Бизнингча бундай чегараларни белгилаш, Конституциявий суд фаолиятини тўлиқроқ тушунишга имкон беради. Конституциявий суд фаолиятини тартибга солиш қонунда шархлаш билан боғлиқ қуйидаги масалалар акс эттирилиши лозим: расмий шархлаш тушунчаси, расмий шархлашни амалга ошириш учун асослар (масалан, Конституция ва қонун ҳужжатларини расмийлаштиришдаги ҳаттоликлар, зиддиятлар, ноаниқликлар бўлган ҳолларда, конституциявий-ҳуқуқий нормаларда умумий мазмун қасб этувчи нормалар бўлган ҳолларда, ҳуқуқдаги бўшлиқлар бўлган ҳолларда, “ва, ва бошқалар, шунингдек каби жумлалар ҳамда бошқа атамаларни тушунишда ноаниқликлар бўлганда), расмий талқин қилиш чегаралари [14]. (масалан, Словения Конституциявий суди Конституцияни, умумий судлар эса қонунларни шарҳлайди, Конституция бузилган ҳоллар бундан мустасно, Агар шархлаш ҳужжатларидан бири Конституцияга зид бўлса, ва Конституциявий суднинг шарҳи, шубҳасиз, мажбурий бўлган ҳолларда Конституциявий суд қонунларни шархлаш ҳуқуқига эга), шархлаш принциплари, расмий шархлашга оид мурожаатни рад этишга асослар, шархлаш ҳужжатининг шакли ҳамда юридик кучи.

Хулоса қилб айтганда, Конституциявий суднинг конституциявий нормаларнинг мазмунини очиб берувчи ва уларни шархлаш ҳужжатлари бутун қонунчилик тизимини ривожлантириш йўналишини, шунингдек, қонунни талқин қилиш ва қўллаш жараёнини белгилайди. Ана шундай позиция Конституциянинг устунлиги принципининг амалда амалга оширилишини таъминлайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Недбайло П.Е. Применение советских правовых норм. М.: Госюриздат, 1960. С. 488 4 5 Алексеев С.С. Теория права. М., 1995. С. 260.

2. Евгеньевна Т.Н. Толкование конституционно-правовых норм в российской федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2005.

3. Лукшин Е.В. Официальное толкование права. <http://www.allpravo.ru/diploma/doc43p/instrum5938/item5943.html>

4. Теоретические вопросы систематизации советского законодательства/ Под редакцией С.Н. Братуся, И.С. Самощенко. С. 82-83.

5. Алексеев С.С. Теория права. М., 1995. С. 260

6. Прокопович Г.А. Судебное правотворчество в современном понимании: реалии и перспективы// Российский судья. 2015. № 5// СПС «Консультант Плюс»

7. Черепенникова Ю.С. Толкование уголовного закона как способ преодоления его пробелов// СПС «Консультант Плюс»

8. Демченков К.В. Юридическая природа актов Конституционного суда Российской Федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. М.2001

9. Judicial Law-Making in European Constitutional Courts. Edited by Monika Florczak-W tor. First published 2020 by Routledge 2 Park Square, Milton Park, Abingdon, Oxon OX14 4RN. P. 273.

10. Демченков К.В. Юридическая природа актов Конституционного суда Российской Федерации: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.02 : Москва, 2001 190 с.

11. Rainer A. The Decisions of the German Federal Constitutional Court and Their Binding Force for Ordinary Courts. URL: [www.constcourt.gov.az/en/download/.../9.../10.Rainer_Arnold_\(eng\).doc](http://www.constcourt.gov.az/en/download/.../9.../10.Rainer_Arnold_(eng).doc) (дата обращения: 04.11.2013). То же можно сказать и о Конституционном Суде РФ и об органах, осуществляющих конституционное правосудие во многих других государствах.

12. Зорькин В. Д. Прецедентный характер решений Конституционного суда Российской Федерации// Журнал российского права. 2004. № 12.

13. Федеральный конституционный закон «О Конституционном Суде Российской Федерации»: комментарий. С. 320—322; Комментарий к Федеральному конституционному закону «О Конституционном Суде Российской Федерации» / под ред. Г. Л. Гаджиева. С. 252, 253; Кряжков В. Л. Толкование Конституции Российской Федерации Конституционным Судом Российской Федерации// Вестник Конституционного Суда. 1997. № 3. С. 3—7; Мазуров А. В. Указ. соч. С. 453, 454.

14. The Relations between the Constitutional Courts and the Other National Courts, Including the Interference in this Area of the Action of the European Courts// Report of the Constitutional Court of the Republic of Slovenia prepared for the XIIth Congress of the Conference of European Constitutional Courts. URL: <http://www.confcoconsteu.org/reports/Slovenia-EN>

А.Йўлдошев

Тошкент давлат юридик университети Конституциявий ҳуқуқ кафедраси доценти,
юридик фанлари номзоди

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТЧИЛИК ТАШАББУСНИ ҲУҚУҚИЙ РАСМИЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Ўзбекистон амалиётида жамоатчилик ташаббуслари илгари сурилса ҳам у қонунчиликда ва мулоқотда бошқача номланиши аниқланди. Тадқиқот доирасида муаллиф жамоатчилик ташаббусига таъриф берди ва унинг электрон жамоавий мурожаатдан фарқини кўрсатди. Муаллиф “Mening fikrim” портали орқали Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари Кенгашларига электрон жамоавий мурожаатлар ҳамда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида билдирилдиган ташаббуслар жамоатчилик ташаббуслари эканлиги асослаб берди, уларини жамоатчилик назоратининг шакли сифатида ҳуқуқий расмийлаштириш таклифини илгари сурди.

Таянч сўзлар: фуқаро, жамоатчилик, фуқаровий, ташаббус, назорат, фикр, ҳуқуқ, тасниф, онлайн, жавобгарлик.

Аннотация: Выявлено выдвижение на практике Узбекистана общественных инициатив, которые в законодательстве именуется по-разному. В рамках исследования автор дал определение общественной инициативе, показал ее отличие от электронного коллективного обращения. Автор обосновал, что электронные коллективные обращения в Палаты Олий Мажлиса, Кенгаши народных депутатов через портал «Mening fikrim», инициативы, выдвигаемые в проекте «Инициативный бюджет» являются общественными инициативами, предложил правовое оформление общественной инициативы как формы общественного контроля.

Таянч сўзлар: фуқаро, жамоатчилик, фуқаровий, ташаббус, назорат, фикр, ҳуқуқ, тасниф, онлайн, жавобгарлик.

Abstract: The promotion of public initiatives in the practice of Uzbekistan, which are called differently in the legislation, is revealed. As part of the study, the author gave a definition of a public initiative, showed its difference from an electronic collective appeal. The author substantiated that electronic collective appeals to the Chambers of the Oliy Majlis, Kengashi of People's Deputies through the Mening fikrim portal, the initiatives put forward in the Initiative Budget project are public initiatives, proposed the legalization of a public initiative as a form of public control.

Keywords: citizen, public, civil, initiative, control, opinion, right, classification, online, responsibility.

Ўзбекистонда жамоатчилик ташаббуси тушунчаси илмий мулоқот ва амалда тобора кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бораётганлигини айтиб, ... жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозимлигини таъкидлади [1].

Кўзланган мақсадга эришиш Ўзбекистонда жамоатчилик ташаббуси амалиётини ўрганиш ва

хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда ҳуқуқий расмийлаштириш вазифасини қўяди. Чунки Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига электрон жамоавий мурожаат қилиш “Mening fikrim” жамоавий мурожаатлар портали жамоатчилик ташаббуслари ягона платформаси [2] дейилса ҳам расмий манбаларда ушбу тушунча бошқа учрамайди.

Шунингдек, Ўзбекистон қонун ҳужжатларида “тадбиркорлик, ёшлар, хотин-қизлар [3] ва фуқаролик [4] ташаббуслари” тушунчалари қўлланилган бўлиб, уларни ифода этиш ва амалга ошириш тартиби белгиланмаган. Ушбу ташаббусларни амалга оширишни таъминлаш ва жамоатчилик ташаббусларини ҳуқуқий расмийлаштириш ташаббус сўзининг мазмунини аниқлаш вазифасини қўяди.

Ташаббус сўзи “(1) бирор ишга бошловчи, даъват этувчи саъй-ҳаракат, ғайрат, (2) уddaбуронлик билан мустақил иш олиб бориш хислати, (3) бирор ишда бошчилик, етакчилик ролини” [5] англатади. Ушбу сўз маъносидан фуқаролар ташаббуслари улар фаоллиги ва кўнгилли фаолиятнинг асосини ташкил қилади [6, 3]. Уларнинг ташаббуслари нафақат мурожаат қилиш, балки бошқа шаклларда ҳам амалга оширилади.

Фуқароларнинг барча ҳаракатлари уларнинг ташаббусидан бошланади. Шу туфайли хорижий давлатларда жамият манфаатларига тааллуқли масалалар бўйича фуқаролар ташаббуслари жамоатчилик ёки фуқаровий дейилади [7, 68]. У “инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек долзарб ва ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мақсадидаги жамоавий ҳаракатларнинг шакли” [8, 50], “жамият аҳамиятига эга қарорларни қабул қилишда иштирок этиш билан боғлиқ фуқароларнинг (фуқаролар гуруҳлари, фуқаролик жамияти институтлари) ҳар қандай ташаббусидир” [9, 120].

Юқорида келтирилган жамоатчилик ташаббуси таърифлари у жамият манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишга қаратилган мурожаатлар ва бошқа оммавий иштирок шаклларини қамраб олишини англатади. Шу жиҳатдан уни ўзини ўзи бошқариш органлари, референдум, жамоатчилик муҳокамаси [10, 451-452], назорати, экспертизаси, оммавий тадбирлар, фуқаролар форумлари, қонунчилик ташаббуси орқали ва бошқа оммавий иштирок этиш шакллари ва институтлари [11, 203-206] орқали ҳам амалга оширилиши қайд этилади.

Тўғри, фуқароларнинг ҳар бир ҳаракати ташаббусдан бошланади ва турли шаклларда амалга оширилади. Айниқса, фуқароларнинг жамоавий мурожаатлари жамоатчилик ташаббуси таърифига тўлиқ мос келади. Шу туфайли жамоатчилик ташаббусини хорижий давлатлар каби жамоатчилик назоратининг шакли [12, 117] сифатида ҳуқуқий расмийлаштириш унинг хусусиятларини аниқ кўрсатишни талаб қилади.

Хорижий ва миллий амалиёт таҳлилидан ижтимоий аҳамиятга эга масалани ҳал қилиш юзасидан фуқаролар илгари сурган фикрларини аҳоли томонидан қўллаб-қувватланиши жамоатчилик ташаббусини ўзига хос хусусияти сифатида қайд қилиш мумкин. Амалда кўпчилик давлатларда жамоатчилик ташаббуслари давлат органлари томонидан ижтимоий аҳамиятга эга масалалани ҳал қилиш юзасидан, кўпроқ ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида илгари сурилади [13, 8-9].

Айрим давлатларда фуқароларнинг ҳуқуқий (қонунчилик) ташаббуслари халқ ташаббуслари [14, 312], баъзиларида петиция дейилади [15, 122]. Халқ ташаббуси фуқаролар гуруҳи томонидан қўллаб-қувватланганидан қонун лойиҳаси ёки конституцияга тузатишлар дейилса ҳам, баъзи мамлакатларда у "плебисцитлар" ва "референдумлар" каби тушунчалар билан синоним сифатида ишлатилади [16, 6-9].

Референдум ва плебисцитга нисбатан жамоатчилик ташаббусларини илгари суришга қўйилган талабларнинг энгиллиги, уни қўллаб-қувватлаш учун овоз берувчилар сонининг камлиги ва тавсиявий характерга эга бўлиши туфайли унга мустақил институт сифатида қараш тўғри бўлади. Шунингдек, халқ ташаббусини бутун мамлакат ҳудудида илгари суриладиган жамоатчилик ташаббуси, халқ ҳуқуқий (қонунчилик) ташаббусини эса соҳа бўйича унинг тури дейиш мантиқий бўлади.

Ўз навбатида, жамоатчилик ташаббусларида ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал қилиш таклифи нафақат давлат ва маҳаллий ҳокимият органларига, балки аҳолига ҳам қаратилади. Чунки ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бошқа масалалардаги жамоатчилик ташаббусларини фуқаролар томонидан давлат органларидан мустақил равишда зарур маблағ ажратиш ёки бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш амалиёти мавжуд.

Ижтимоий аҳамиятга эга масалалар юзасидан фикрлар турар жой ва меҳнат жамоалари йиғилишларида, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари орқали ҳам илгари сурилади [10, 451-452]. Алоҳида фуқаро ва уларнинг гуруҳлари халқни ёки жамоатчиликнинг бир қисmini ташкил қилгани туфайли ҳар бир илгари сурилган фикр мамлакат ёки у тааллуқли бўлган ҳудуд аҳолиси имзо тўплаш йўли ёки онлайн қўллаб-қувватлаганда жамоатчилик ташаббусига айланади.

Демак, жамоатчилик ташаббуси деганда фуқароларнинг (фуқаролар гуруҳлари, фуқаролик жамияти институтлари) жамият манфаатларига тааллуқли масалаларни давлат органлари ёки фуқаролар томонидан ҳал қилиш юзасидан аҳоли томонидан қўллаб-қувватланган фикри ҳисобланади. Шу жиҳатдан "Mening fikrim" портали орқали Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари Кенгашларига электрон жамоавий мурожаатларни жамоатчилик ташаббуслари дейиш мумкин.

Ўз навбатида, Ўзбекистон қонунчилигига кўра "Mening fikrim" порталидаги жамоатчилик ташаббусларини электрон жамоавий мурожаатлар деб бўлмади. Ушбу портал низоми [17] ва "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидаги электрон жамоавий мурожаатларга қўйилган талаблар, уларни юбориш ва кўриб чиқиш тартиби тубдан фарқ қилади.

"Mening fikrim" порталида яратилган мурожаат 5 нафар фуқаро қўллаб-қувватлаганидан кейин умумий овоз бериш учун қўйилади. Олий Мажлисининг палаталарига юборилган мурожаат фуқароларнинг камида 10 000 та овозини, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига юборилган мурожаат камида 5 000 та овозни, туман ва шаҳар Кенгашларига юборилган мурожаат 1 000 та овозни тўплаганидан кейин учун 60 кундан ошмаган муддатда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон янги тахрирдаги Қонунига кўра электрон жамоавий мурожаат икки ёки ундан ортиқ фуқароларнинг электрон шаклдаги аризалари, таклифлари ва шикоятларини англатади [18]. Ушбу ва "Mening fikrim" порталига юборилган жамоавий мурожаатларни кўриб чиқиш субъектлари ҳам қилади, тегишинча биринчисини ушбу органлар аъзоларидан бири, иккинчисини эса камида масъул кўмида кўриб чиқади.

Юқоридагилардан Ўзбекистон қонунчилигида электрон жамоавий мурожаатларни юбориш ва кўриб чиқишнинг икки хил тартиби белгилангани аён бўлади. Турли хил жараёнларни битта тушунча билан номлаб бўлмаслиги туфайли "Mening fikrim" порталига юбориладиган электрон жамоавий мурожаатларни расман жамоатчилик ташаббуслари дейиш тўғри бўлади.

Ўзбекистонда <https://openbudget.uz/> манзилида "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида ҳам жамоатчилик ташаббусларини илгари суриш йўлга қўйилди [19]. Масалан, 2021 йилнинг 30 декабрь ҳолатига кўра сайтда фуқаролар томонидан 41 125 та ташаббус билдирилди. Энг кўп қўллаб-қувватланган ташаббусларни молиялаштириш учун 530.50 млрд. сўм ажратилди [20]. 2022 йилнинг иккинчи ярмида «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида 9 201 та маҳалла иштирок этиб, 38 мингта лойиҳага 8 миллион аҳоли овоз берди [21].

Шу билан бирга, Ўзбекистонда имзо тўплаш, турар жойларида, меҳнат жамоаларида йиғилишлар ўтказиш, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари орқали жамоатчилик ташаббусини илгари суриш тартиби белгиланмаган бўлиб, бу борадаги амалиёт тўғрисида маълумот мавжуд эмас [22, 142].

Шунингдек, 2022 йил 16 октябрь ҳолатига "Mening fikrim" порталига 5805 та жамоавий мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 15 таси кўриб чиқилган [23]. Улардан 98 таси қўллаб-қувватлаш, 122 таси экспертиза, 5 таси овоз бериш жараёнида бўлса, 5805 тасининг тақдири номаълум. Ушбу ҳолат жамоатчилик ташаббусларини кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик ташаббусларини илгари суришдаги мавжуд камчиликларнинг тахлили уларни бартараф қилиш юзасидан қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни илгари суриш имконини берди:

– жамоатчилик ташаббусини фаол илгари суриш ва самарали рўёбга чиқариш уни жамоатчилик назоратининг алоҳида шакли сифатида расмийлаштириш, ушбу жараён умумий қоидаларини белгилашни талаб қилади;

– жамоатчилик ташаббуслари мазмунини очиб бериш учун уларни қуйидаги асосларда таснифлаш мақсадга мувофиқ бўлади:

1) ташаббус тааллуқли ҳудудга кўра: умумдавлат ва маҳаллий;

2) соҳаларга кўра: ҳуқуқ ижодкорлиги (халқ ҳуқуқий ташаббуси), бюджет ва бошқа соҳалар;

3) илгари суриш шаклига кўра: онлайн ва оффлайн;

4) ташаббусни рўёбга чиқариш субъектига кўра: оммавий органлар ва аҳоли (фуқаролар).

Ўзбекистон Республикаси маъмурий ва жиноят қонунчилигида жамоатчилик ташаббусларини кўриб чиқмаслик ва бу борадаги бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини белгилаш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил // <https://www.gazeta.uz/uz/2020/01/24/islohot-tashabbuskori/>
2. “Mening fikrim” жамоавий мурожаатлар портали // <https://meningfikrim.uz/uz>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2021 йил 27 мартдаги ПҚ-5041-сон қарори // <https://lex.uz/docs/5345627>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2021 йил 3 мартдаги ПҚ-5012-сон қарорининг 5-банди // <https://lex.uz/docs/5317637>.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида (2006-2008) - Б. 20 // https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20T.pdf
6. Эрназаров Д. Европада фуқаролар фаоллигининг моделлари ва волонтерлик // Архив научных исследований, т. 2, вып. 1, январь 2020.
7. Rozbicka P. et al. Achieving Democracy Through Interest Representation: Interest Groups in Central and Eastern Europe in a Comparative Perspective. – Palgrave Macmillan, Cham, 2021. – P. 68;
8. Ягодка Н.Н. Гражданская инициатива как фактор повышения эффективности государственного и муниципального управления в Российской Федерации // Вестник РУДН. Серия: Политология. 2014. №3. – С. 50.
9. Едкова Т.А., Чертков А. Н., Зырянов С. М. Государственные и общественные институты. Гражданские инициативы // Журнал российского права. 2013. №11 (203). – С. 120.
10. Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. Масъул муҳаррир ва муаллифлар жамоасининг раҳбари Б. Мустафоев - Тошкент: «Ўзбекистон нашриёти», 2006. – Б. 451-452.
11. Авдалян А. В. Гражданские инициативы в современной России // Государственное управление. Электронный вестник. 2016. №57. – С. 203-206.
12. Роганов С. А. Теоретические аспекты общественного контроля в зарубежных странах // Вестник Санкт-Петербургского военного института войск национальной гвардии. – 2020. – №. 1. – С. 117.
13. Законодательный процесс в зарубежных странах: учеб. пособие / Ю.И. Лейбо [и др.]; под ред. Ю.И. Лейбо. – М.: МГИМО-Университет, 2012. – С. 8-9.
14. Jacobssohn G., Schor M. (ed.). Comparative Constitutional Theory. – Edward Elgar Publishing, 2018. – P. 312.
15. Редько А.А., Яловенко Т. В. Петиция как современная форма выражения правовой инициативы // Труды Академии управления МВД России. 2020. №3 (55). – С. 122.

16. Altman David. Citizenship and Contemporary Direct Democracy. – Cambridge: Cambridge University Press, 2019. – P. 6-9.

17. «Mening fikrim» веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаатлар бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 2 февралда қабул қилинган 2310-III/КҚ-503–III-сонли Қўшма қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий архиви.

18. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-378-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-445-сонли Қонуни таҳририда // <https://lex.uz/docs/3336169>.

19. Ташаббусли бюджет бўйича қўлланма // <https://openbudget.uz/instructions>.

20. <https://openbudget.uz/boards>.

21. <http://m.xabar.uz/post/prezident-tashabbusli-byudjetda-golib-bolmagan-364-ta-loy>.

22. Маҳаллий давлат ҳокимиятида жамоатчилик назорати: ўқув-амалий қўлланма / А.Йўлдошев, Ш.Асадов, Х. Хайитов, Д. Бекчанов. – Тошкент, 2022.

23. Статистика // <https://meningfikrim.uz/uz/pages/about>.

Н.Туланбаев
Мустақил изланувчи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада миллий хавфсизлигининг таркибий қисми сифатида иқтисодий хавфсизлиқни таъминлашдаги конституциявий ҳуқуқий нормаларнинг ўрни таҳлил қилинган. Конституция муҳим концептуал қарашларни жамлаган олий юридик кучга эга ҳужжат эканлиги, у бир қатор функцияларни, жумладан иқтисодий функцияни ҳам бажариши, шу орқали, иқтисодий тизимнинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттириши ва иқтисодий тараққиётда муҳим ўринга эга эканлиги борасидаги муаллифнинг фикрлари келтирилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг миллий иқтисодий манфаатларимизни рўёбга чиқаришдаги ҳамда юртимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти ёритилган. Шу билан биргаллик, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини такомиллаштириш билан боғлиқ қўйилаётган ислохотларнинг иқтисодий жиҳатлари баён этилган.

Таянч сўзлар: Конституция, концептуал ҳужжат, иқтисодий функция, манфаатлар, миллий манфаатлар, иқтисодий хавфсизлик, конституциявий кафолатлар.

Аннотация: В данной статье анализируется роль конституционно-правовых норм в обеспечении экономической безопасности как составляющей национальной безопасности. Приводится мнение автора о том, что конституция является документом, имеющим высшую юридическую силу, в котором содержатся важнейшие концептуальные взгляды, она выполняет ряд функций, в том числе и экономическую, тем самым отражая сущность экономической системы и имея важное место в развитии экономики. Подчеркивается важность Конституции Республики Узбекистан в реализации наших национальных экономических интересов и обеспечении экономической безопасности нашей страны. При этом описываются экономические аспекты ожидаемых реформ, связанных с совершенствованием Конституции Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Конституция, концептуальный документ, экономическая функция, интересы, национальные интересы, экономическая безопасность, конституционные гарантии.

Abstract: This article analyzes the role of constitutional norms in ensuring economic security as a component of national security. The author's opinion is given that the constitution is a document with the highest legal force, which contains the most important conceptual views, it performs a number of functions, including economic ones, thereby reflecting the essence of the economic system and having an important place in the development of the economy. The importance of the Constitution of the Republic of Uzbekistan in the implementation of our national economic interests and ensuring the economic security of our country is emphasized. At the same time, the economic aspects of

the expected reforms related to the improvement of the Constitution of the Republic of Uzbekistan are described.

Key words: Constitution, conceptual document, economic function, interests, national interests, economic security, constitutional guarantees.

Ҳозирги даврда дунёнинг аксарият давлатларида асосий қонун сифатида конституциялар мавжуд бўлиб, улар мазкур давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда жаҳонда 200га яқин конституциялар бор ва улар бошқа қонунчилик ҳужжатларидан ўзининг қабул қилиниш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби, нисбатан барқарорлиги, юридик кучи нуктаи-назаридан устунлиги билан ажралиб туради [1].

Айтиш мумкинки, конституциялар ўзида давлатчиликнинг барча йўналишига оид концептуал қарашларни жамлаб, давлатнинг бутун ҳуқуқий тизими асосини ташкил этади, миллий қонунчилик тизимини шакллантиришда бирламчи манба бўлиб хизмат қилади ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини белгилайди.

Конституция давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлашдаги асосий ҳуқуқий манбалардан бири ҳам ҳисобланади. Хусусан, бошқа ҳар қандай соҳа каби миллий хавфсизлик ҳамда унинг таркибий қисмларини ҳуқуқий тартибга солишда ҳам конституциядаги асосий тамойиллар, устувор нормалардан келиб чиқилади. Ўз навбатида миллий хавфсизлиқнинг таркибий қисми сифатида иқтисодий хавфсизлиқнинг таъминотида ҳам конституция фундаментал, концептуал ҳужжат сифатида асосий рол ўйнайди.

Миллий хавфсизлиқнинг объектлари шахс ва унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва унинг моддий, маънавий қадриятлари, давлат ва унинг конституциявий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигидан иборат ва улар биринчи навбатда конституция билан тартибга солинади ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилинади.

Айтиш керакки, ҳар қандай соҳадаги хавфсизлик, ўзида бу борадаги манфаатларнинг тизимини жамлайди. Хусусан давлатнинг миллий хавфсизлик борасидаги концепцияси, унинг миллий манфаатлар борасидаги концепциясининг ҳосиласи ҳисобланади [2]. Миллий манфаатлар ва давлатнинг ҳуқуқ тизими ўртасидаги ўзаро муносабатда миллий манфаатлар бирламчи бўлиб, улар ҳуқуқий тизимнинг мазмун-моҳиятини белгилайди. Шунга кўра, давлатнинг миллий қонунчилиги, хусусан конституциялар мазкур давлатнинг миллий манфаатлари шу жумладан иқтисодиёт соҳасидаги миллий манфаатлари асосига қурилади ҳамда уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади. Шу билан биргаллик, конституция жамиятнинг барча ижтимоий гуруҳлари манфаатларининг ҳамда ҳокимият ва эркинликнинг мувозанати ҳисобланиб, миллий манфаатлар ҳам ҳам айнан шу мувозанатда ўз аксини топади.

Бу борада иқтисодий хавфсизлиқни таъминлаш масалаларини тадқиқ этган олим А.Денисович иқтисодий соҳадаги миллий манфаатлар асосий ҳисобланиб, миллий манфаатларнинг бутун мажмуасини рўёбга чиқариш билан боғлиқ муаммоларни фақатгина самарали, рақобатбардош, жадал ривожланаётган иқтисодиётни яратиш асосидагина комплекс ҳал этиш мумкинлигини таъкидлайди [3]. Юқоридаги келтирилганидек самарали, рақобатбардош, жадал ривожланаётган

миллий иқтисодиётни яратилишнинг ҳам асоси ҳам конституцияда ётади. Хусусан, давлатларнинг конституциялари бошқа бир қатор функциялар билан биргаликда, иқтисодий функцияни амалга оширишга йўналтирилган алоҳида нормалар ҳам мавжуд бўлиб, улар мамлакат иқтисодий тизимининг хусусиятини белгиловчи устуворликларни аниқлаш имконини беради. Жумладан, конституцияларда жамиятдаги мавжуд иқтисодий тизимнинг хусусиятини акс эттирувчи энг муҳим институционал масалалар – иқтисодий фаолият билан шуғулланиш эркинлиги, мулк шакллари, мулкдор ва давлат, мулкдор ва жамият ўртасидаги муносабатлар тартибга солинади ва бу борада тартибга солишнинг қанчалик мукамаллиги иқтисодий ривожланишда, иқтисодий хавфсизликнинг таъминланишида ўз аксини топади.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритган илк йилларда мамлакатимиз Конституциясининг қабул қилиниши орқали миллий давлатчилигимиз ривожининг мустақам ҳуқуқий пойдевори яратилди. Ҳозирги кунда конституциямиз миллий манфаатларимиз, хусусан иқтисодиёт соҳасидаги манфаатларимизнинг асосий ҳуқуқий ҳимоячиси сифатида ўз вазифаларини самарали адо этмоқда.

Тўғри иқтисодий хавфсизлик атамаси мамлакатимиз бош қомусида алоҳида кўринишда келтирилмаган бўлса-да, бу борада умумий маънода хавфсизлик атамаси қўлланилиб, у ўз таркибда хавфсизликнинг бошқа хусусий кўринишлари қаторида иқтисодий хавфсизликни ҳам назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XII боби Жамиятнинг иқтисодий негизлари деб номланиб, унда миллий иқтисодий тизимимизнинг энг муҳим ҳамда умумий жиҳатлари тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин.

Конституциямизнинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқчилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, Конституциямизнинг IX бобида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар келтириб ўтилган бўлиб, унда шахснинг иқтисодий хавфсизлиги таъминланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи каби бир қатор ҳуқуқлар келтириб ўтилган.

Шахснинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим ҳуқуқий элементларидан бири бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳимоя қилиниши ва уларнинг кафолатлари бўлиб, мазкур масала Конституциямизнинг X бобида ўз аксини топган. Жумладан асосий қонунимизнинг 43-моддасида давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши қайд этиб ўтилган. Бундан ташқари, 44-моддада ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши кўрсатиб ўтилган.

Иқтисодий хавфсизликка нисбатан таҳдидларнинг аксарияти хавфсизликнинг мазкур кўриниши субъектларининг бу борадаги манфаатлари тўқнашувда юз беради. Бу борада Конституциямизнинг 48-моддасида фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур эканликлари кўрсатиб ўтилган [4].

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг миллий иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш юртимизнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизми таркибдаги ташкилий элементлар яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, мансабдор шахсларнинг фаолияти билан боғлиқ. Бу борадаги давлат ҳокимиятини ташкил этиш, ундаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, суд тизими ва бошқа органлар ва мансабдор шахслар фаолиятига оид энг муҳим масалалар, жумладан, миллий иқтисодий манфаатларимизни рўёбга чиқариш билан боғлиқ фаолиятга алоқадор масалалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида тартибга солинганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирда ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини янада такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2022 йил 20 май кунги қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституцияга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия таркиби ва вазифалари белгиланди [5]. Мазкур комиссиянинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда тайёрланган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2022 йил 24 июндаги 2260-IV-сон қарори асосида умумхалқ муҳокамасига қўйилди [6].

Мазкур Конституциявий қонун лойиҳасида бозор иқтисодиёти ҳамда соғлом иқтисодий муносабатларнинг янада ривожланишига имкон берувчи, пировардида миллий иқтисодий манфаатларимизнинг рўёбга чиқиши ва иқтисодий хавфсизликнинг таъминланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор ўзгартиришлар ҳам назарда тутилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, лойиҳага кўра, бош қомусимизнинг Жамиятнинг иқтисодий негизлари деб номланган XII боби янги таҳрирда баён этилиши назарда тутилган бўлиб, Конституциянинг 53-моддасида давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқчилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши билан биргаликда, ҳалол эркин рақобатни кафолатлаши ҳам белгиланмоқда.

Шу билан биргаликда, миллий иқтисодий манфаатларимиз билан боғлиқ бўлган давлат томонидан иқтисодиёт тармоқларининг ва ҳудудларнинг уйғун ҳолда ривожлантирилиши учун шарт-шароитлар яратилиши, шунингдек иқтисодий

ресурсларнинг адолатли равишда тақсимланиши, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини ва инвестициявий муҳит, шарт-шароитлар таъминланиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада тадбиркорлик фаолиятининг конституциявий ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиши кўзда тутилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида товарларнинг, хизматларнинг, ишчи кучининг ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши рақобатланиши, иқтисодий фаолиятда инсофсиз рақобатга, монополлаштиришга йўл қўйилмаслиги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмаслиги ҳамда бекор қилинмаслиги билан боғлиқ нормалар жорий этилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, лойиҳада бош қомусимизнинг 25-моддасини ҳеч ким шартномавий мажбуриятларни бажара олмаганлигига асосланиб жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги норма билан тўлдириш ҳам ўрин олган.

Шунингдек, лойиҳада иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар Давлат бюджетини ва давлат қарзини шакллантириш ҳамда ижро этиш тартиби очиқлик ва ошқоралик принциплари асосида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилмоқда ва бу орқали бу жараёнда жамоатчилик назоратининг янада кучайишига имконият яратилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳимояси борасидаги энг муҳим масала Конституциямизнинг олий юридик кучга эга эканлиги, тўғридан-тўғри амал қилиши ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилиши билан боғлиқ норма ҳам лойиҳада ўз аксини топган.

Хорижий давлатларда ҳам иқтисодий хавфсизликнинг ҳуқуқий таъминотида конституциявий-ҳуқуқий нормалар муҳим аҳамият касб этишини кўриш мумкин. Ҳар бир давлатнинг конституциясида мазкур давлатнинг ўзига хос иқтисодиёт соҳасидаги миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган нормалар мавжуд.

Айрим хорижий давлатларнинг конституцияларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан фарқли тарзда давлат қарзи билан боғлиқ масаларнинг конституциявий-ҳуқуқий нормалар билан ҳам тартибга солинганлигини, давлат қарзи масаласида давлатнинг олий вакиллик органи бўлган парламентнинг ваколатли орган сифатида белгиланганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, Швециянинг Конституциясига мувофиқ мамлакат парламенти Риксдагнинг ваколатсиз мамлакат ҳукумати қарз шартномаларини тузиши ёки давлатга бошқача кўринишдаги иқтисодий мажбуриятлар олиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Бу борада Риксдаг бўйсунувида Риксдагдан олинган ваколатлар асосида давлат учун қарз шартномаларини тузиш ва уларни тасарруф этиш билан боғлиқ функцияларни амалга оширувчи орган бўлиши назарда тутилган [7].

Канаданинг 1982 йилда патриация қилинган Конституциявий актининг 91-бандида ҳам давлат қарзлари билан боғлиқ масалалар мамлакат парламентининг мутлақ ваколатларига кириши кўрсатиб ўтилган [8].

Япониянинг Конституциясининг 85-моддасида ҳам ҳеч қандай давлат пул мажбуриятларини олиш

мамлакат парламенти қароридан ташқари амалга оширилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган [9].

Германия Федератив Республикасининг Конституциясининг 115* (125)-моддасида кредитларнинг очилиши, шунингдек келгуси ҳисоб-китоб йилларида харажатларга олиб келиши мумкин бўлган мажбуриятлар, кафолатлар ва бошқа таъминот турлари учун молиявий жавобгарликни қабул қилиш, уларнинг ҳажмини кўрсатган ҳолда ёки уни белгилаш рухсати билан қонунчилик рухсатини олишни талаб қилиши қайд этилган. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларига бағишланган мазкур иш доирасида қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

Конституциялар ўзлари мавжуд бўлган ҳар бир давлатда жумладан Ўзбекистонда ҳам ўзининг хусусиятларига кўра, миллий иқтисодий манфаатлар ҳимоясини ҳамда иқтисодий хавфсизликни таъминлашда олий юридик кучга эга бўлган концептуал манба сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Конституциямизга кўра, миллий иқтисодий манфаатларимизнинг асосини бозор иқтисодиёти ташкил этиб, унда мулкнинг турли шаклларда мавжуд бўлиши, уларнинг ҳимоя қилиниши, иқтисодий фаолият эркинлиги, рақобат ва тадбиркорлик фаолиятининг қўллаб-қувватланиши каби бир қатор жиҳатлар назарда тутилади.

Шу билан бирга Конституциявий жиҳатдан давлат иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича асосий субъект ҳисобланади ҳамда бу борадаги фаолият демократия ва қонунийлик, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги каби асосий принципларга асосланади.

Ҳозирги кунда юртимизда режалаштирилаётган конституциявий ислохотларнинг амалга ошиши бошқа соҳалар қатори миллий иқтисодий манфаатларимизнинг самарали рўёбга чиқиши, юртимиз ва халқимизнинг барча йўналишлар қатори иқтисодий фаровонлиги яхшиланишига ҳам хизмат қилишини таъкидлаган ҳолда, иқтисодий хавфсизлик билан бевосита боғлиқ бўлган давлат қарзлари масаласини конституциявий ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солинишини янада кенгайтириш ҳамда бунда бош қомусимиз орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатларини кенгайтириш тақлиф этилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Цамаев Р. Роль и функции конституции в современном мире “Евразийский Научный Журнал №1 2017” (январь, 2017).
2. Rosenau, J. The Scientific Study of Foreign Policy/ J. Rosenau. – N.Y., 1971. – 472 p.
3. Денисович А.В. Теоритико-прикладные основы правового регулирования обеспечения экономической безопасности Республики Беларусь. Монография Минск ИНБ 2014. Ст 32.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси — www.lex.uz
5. Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди (2022 йил 20 июнь) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси расмий веб сайти – <https://parliament.gov.uz/>

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2022 йил 24 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйиш ҳақида”ги 2260-ИВ-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси — www.lex.uz

7. 1974 йилги Швеция қироллигининг Конституцияси/ URL: <https://legalns.com/download/books/cons/sweden.pdf>

8. 1982 йилда патриация қилинган Канада Конституциявий акти/ URL: **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки.**

9. 1946 йилги Япония Конституцияси/ URL: <https://legalns.com/download/books/cons/japan.pdf>

10. 1949 йилги Германия Федератив Республикасининг Конституцияси /URL: <https://legalns.com/download/books/cons/germany.pdf>

Р. Рўзиёв

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети "Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар"кафедраси профессори, юридик фанлари доктори

А.Мухаммадиев

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети "Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар"кафедраси профессори, юридик фанлари доктори

НОТИПИК ШАРТНОМАЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ ВА НИСБАТИ ҲАҚИДА ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: Ушбу мақолада фуқаролик ҳуқуқи, фуқаролик қонунчилиги ва амалиётда ўз ўрнига эга бўлган нотипик (аралаш ва янги ва (ёхуд) номланмаган) шартномалар кўриб чиқилган, уларнинг нисбати ва номланишининг таҳлили асосида субъектив фикрлар илгари сурилган. Шунингдек, тузилиши ва мазмунига кўра аралаш ҳамда номланмаган шартномаларнинг умумий ҳамда ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 354-моддаси 3-қисмининг нормасини такомиллаштириш бўйича таклиф берилган.

Таянч сўзлар: Фуқаролик ҳуқуқи; фуқаролик қонунчилиги; фуқаролик ҳуқуқий шартнома; нотипик шартнома; аралаш шартнома; янги ёхуд номланмаган шартнома; малакаланмаган шартнома; маълум типга хос бўлмаган шартнома; номсиз шартнома; шартнома эркинлиги; шартнома шартлари.

Аннотация: В данной статье рассмотрены нетипичные (смешанные и новые и (или) непоименованные) договоры, имеющие своё место в гражданском праве, гражданском законодательстве и практике, на основе анализа их наименований и соотношения выдвинуты субъективные мнения. Также, анализированы общие и свойственные черты смешанных и непоименованных договоров с учетом их структуры и содержания, дано предложение по совершенствованию нормы части 3 статьи 353 действующего Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

Ключевые слова: гражданские права; гражданский закон; гражданско-правовой договор; нестандартный контракт; смешанный контракт; новый или безымянный контракт; неквалифицированный контракт; договор, не относящийся к определенному типу; анонимный контракт; свобода договора; Условия договора.

Abstract: This article discusses atypical (mixed and new unnamed) contracts that take own place in civil law, civil legislation and practice, subjective opinions are put forward based on the analysis of their names and correlations. Also, the general and inherent features of mixed and unnamed contracts, taking into account their structure and content, a proposal was made to improve the norm of part 3 of article 353 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: Civil rights; civil law; civil legal contract; atypical contract; mixed contract; new or untitled contract; unqualified contract; a contract that is not specific to a certain type; anonymous contract; freedom of contract; contract terms.

Цивилистика соҳасида нотипик (аралаш, янги ва (ёки) номланмаган) шартномалар турлича номлар билан аталиб келинади. Маълумки, нотипик деганда, миллий қонунчилигимизда туркумлаштирилган фуқаролик ҳуқуқий шартномалар тизимида бирор бир гуруҳга киритилмаган (кўзда тутилмаган), мустақил тарзда шаклланмаган шартнома тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинчалик матнда “ЎР ФК” қисқартмаси ишлатилади) 354-моддаси 3-4-қисмларида мустақамланган “тарофлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган (ва) ёки турли шартномалар элементларини ўз ичига оладиган шартнома (аралаш) тузишлари мумкин”лиги тўғрисидаги норма айнан ана шундай шартномаларни назарда тутилади. Ҳуқуқий адабиётларда [1] куйидагича, масалан, “одатдан ташқари мазмунга эга”, “нотипик (бирор тур ёки туркумга хос бўлмаган)”, “меъёрлар таъсирида бўлмаган” ёки “меъёрдан ташқарига чиққан”, “номсиз”, “номланмаган”, “малакаланмаган” каби сўзлар қўшилган ҳолда талқин қилинади. Ваҳоланки, турли номлар билан аталаётган ушбу шартномалар, аслида, фуқаролик қонунчилигимизда белгиланган ҳар хил шартномалар элементларини бирлаштирган аралаш (дурагай) ёки миллий қонунчилигимизда кўзда тутилмаган янги шартномалар бўлиб, гап ана шулар ҳақида боради.

1. Илмий муомалада ишлатилган “малакаланмаган” атамаси моҳиятан “тоифаланмаган”, “қолигга солинмаган” сўзларининг маъноси билан бевосита боғлиқ. Унинг бирор туркум ёки тоифадаги шартномалар билан умумий аломатлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли маълум бир тип (туркум), гуруҳ ёки турга тааллуқли эмаслигини ва мос равишда қонунчиликда аниқ кўрсатилган шартномалар доирасида тартибга солиш зарурлигини англатади. Кўриб чиқиладиган таҳрирдаги номланишда шартномани таърифлаш ва таснифлашдан кўра кўпроқ уни у ёки бу турга, гуруҳга тегишлилигига эътибор қаратилади. Фикримизча, “малакаланмаган” сўзининг ўрнига “нотипик” сўзини қўллаш унинг бирор бир туркумга хос эмаслигини акс эттиради. Бунда шартномага нисбатан “нотипик” сўзининг ишлатилиши тўғри бўлиб, маълум бир тип, тур ёхуд хилга тааллуқли эмаслигини, балки тўғридан-тўғри мазкур шартнома моделининг малакаланмаганлигини билдиради.

2. Шартноманинг қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинмаганлигини ифодалаш учун уни “маълум типга хос бўлмаган” деб аташ ҳам баҳсли.

“Маълум типга хос бўлмаганлик”ни икки маънода талқин қилиш мумкин. Биринчидан, ушбу атамани шартнома бирор туркумдаги шартномаларга “ўхшамайдиган”, “бошқалардан фарқ қиладиган”, “умумқабул қилинганлардан фарқланадиган”, “одатдан ташқари” сифатида тушуниш мумкин. Лекин, бу “маълум типга хос бўлмаган” шартномани шарҳлаганда бир хил тушунчани бермайди. Маълум типга хос бўлмаган шартномани талқин этишининг исталган варианты тушунарсиз бўлиб қолади. Масалан, ўхшаш бўлмаган шартнома (олди-сотди шартномаси ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига ўхшамаслиги мумкин, бу эса шартномаларнинг ҳеч бирини бирор типга ўхшамайди дейишга асос бўлмайди), бошқалардан фарқ қиладиган шартнома (исталган шартнома типлари, хиллари, турлари ўзларининг алоҳида белгиларига

эга, улар бир шартномани иккинчисидан фарқлашга имкон беради) ва ҳоказо.

Шартноманинг маълум типга хос бўлмаганлигини фуқаролик ҳуқуқи таълимоти нуқтаи-назаридан қабул қилиш кўриб чиқиладиган сўз бирикмасини куйидаги тарзда тушуниш имконини беради. Назаримизда, “маълум типга хос бўлмаган шартнома” деганда маълум бўлган биронта бир шартнома белгисини ўзида ифодаламайдиган шартнома тушунилади. Масалан, мол-мулкни топшириш бўйича шартномалар, ишларни бажариш бўйича шартномалар, хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар, турли тузилмаларни таъсис этишга йўналтирилган шартномалар таркибига кирмайдиган шартнома.

В.А.Ойгензихт маълум типга хос бўлмаган шартнома муносабатлари остида аралаш ва номланмаган шартномалар билан бир қаторда, юридик кучга эга бўлмаган ҳақиқий шартнома муносабатларини - квази-шартномаларни ҳам тушунган [2].

Маълум типга хос бўлмаган шартнома (шартнома муносабати)ни идрок этишда нафақат кундалик ҳаётда, балки фуқаролик ҳуқуқи таълимотида ҳам унинг кўп қирралилигини ҳисобга олиб, тадқиқ этиладиган шартноманинг моҳиятини тўғри идрок этиш нуқтаи-назаридан ушбу атамани номланмаган шартномага нисбатан қўллаш мақсадга унчалик ҳам мувофиқ бўлмайди.

3. “Одатдан ташқари мазмундаги” шартнома деганда, номланмаган шартномадан ташқари қонуннинг диспозитив меъёрлари билан ўрнатилгандан фарқланувчи шартларга эга шартномани, ўзида муқобил мажбуриятни мужассам этган шартномани ва кўпгина бошқа нарсаларни тушуниш мумкин. И.А.Покровский [3] томонидан киритилган “одатдан ташқари мазмундаги” шартнома атамасининг таркибиде ҳуқуқий маъно йўқлиги сабабли нотипик шартномани асосий ҳам, қўшимча ҳам таърифи сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз.

4. “Номсиз шартнома” атамасига келсак, VI асрда Византиялик ҳуқуқ профессори Стефаний томонидан киритилган номланмаган шартноманинг энг қадимий тушунчаси деб қараш мумкин. Шартномада қандай бўлмасин расмий, қонуний номларнинг мавжуд эмаслиги - номсиз шартноманинг мазмунини ташкил қилган. М.Гредингер ёзганидек, бу “бизни қизиқтирган шартномаларнинг пандект, яъни хусусий ҳуқуқ таърифининг тавсифий усули” [4]. “Номсиз шартномалар” атамасини шундай маънода тушуниш керак: оғзаки ёки ёзма шаклда тузиладиган, ҳақиқий, консенсуал - асосий фуқаролик шартномалари каби янги тоифадаги шартномаларнинг ўзи бундай номланмаган. “Номсиз” тушунчасидан, кўпинча кўриб чиқиладиган шартномани таърифлаш пайтида рим хусусий ҳуқуқининг тараққий этган даврида фойдаланилган бўлишига қарамасдан (гарчи, рим ҳуқуқининг ўзида учрамайдиган), “нотипик шартнома” атамасини қўллаш ЎР ФК 354-моддаси 3-бандига уни замонавий тушуниш нуқтаи-назаридан тўлиқ мос келади, деб ўйлаймиз.

Фуқаролик ҳуқуқий институтлар сифатида нотипик шартномалар (аралаш ва номланмаган шартномалар)нинг ўзаро нисбати тўғрисидаги масала мунозарали бўлиб қолмоқда.

Маълумки, ЎР ФК 354-моддаси 4-банди аралаш шартнома таърифини ўз ичига олади. Унга мувофиқ

тарафлар, қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан кўзда тутилган турли шартномалар элементлари мавжуд бўлган шартномани тузишлари мумкин. Бундай шартномалар аралаш ҳисобланади. Бундан ташқари, номланмаган шартномадан фарқли, аралаш шартномага мос равишда қонун меъёрларини қўллаш тартиби белгиланган. Агар тарафларнинг битимдан ёки аралаш шартнома моҳиятидан бошқа нарса келиб чиқмаса ва уларнинг элементлари аралаш шартномада мавжуд бўлса, тегишли қисмларда аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига тааллуқли бўлган шартнома тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Аралаш шартнома тузилмаси, биринчи навбатда, шуниси билан қизиқарлики, таърифи бўйича у бир хил маънога эга эмас. Бундай шартнома бир нечта шартномалар элементларини ўз ичига олиши мумкин. Улар бир хил ва (ёки) турли таснифлаш мезонларига кўра жуда кўп мажбуриятларнинг вариантларини ҳосил қилади. Қонунда битта аралаш шартнома нечта шартномаларни ўз ичига олиши белгиланмаган. Бу эса, ушбу ҳуқуқий меъёрнинг мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Қонунчиликда шартномаларнинг сони ёки турлари бўйича қўшилишини чеклаш нотўғри бўлар эди.

ЎР ФК 354-моддаси 3-бандида аралаш шартнома турли шартномаларнинг алоҳида элементларидан ташкил топган деб кўрсатилган. Шу билан бирга таркибий қисмлар деганда, у ёки бу шартнома мазмунига киритилган алоҳида ажралиб қолган мажбуриятлар эмас, балки тегишли шартномага хос бўлган уларнинг маълум бир мажмуини кўзда тутиш лозим.

Тегишли шартнома таркибий қисмларининг мажмуи деганда барча ўзгармас қоидаларни эътироф этиш лозим бўлади. Жумладан, муҳим шартлар тўғрисидаги қоидалар ва шартноманинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи шартлар.

Битта шартномага бирлаштирилган шартномалар ўз-ўзидан қонунчиликка зид бўлиши мумкин эмаслигини тушуниб олиш муҳим. Яъни, бунда ўзининг ҳуқуқий моҳияти бўйича бир-бирига зид бўлмаслиги лозим.

Шартнома эркинлиги тамойили шартноманинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, нотипик (аралаш ва номланмаган) шартномалар қуйидаги тарзда бирга қўшилиши мумкин. Бир нечта шартномалар таркибий қисмини ўз ичига олган шартнома ўзининг қонуний ифодасига эга бўлиши, яъни қонунда ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатда номланган бўлиши ва ўзининг туғилиши деб фақатгина назария ва (ёки) амалиётни ҳисоблаши, яъни номланмаган бўлиши ҳам мумкин.

Таърифнинг асосига номланмаган шартномани кўя туриб, унинг иккига бўлинганлиги, яъни дихотомия натижаси деб шартноманинг аралаш ёки бир хил (яъни, унитар) деб тан олиш лозим. Қайси вариантни устун деб тан олиш тўғри - номланиш белгилари мавжуд ёки мавжуд бўлмаган аралаш шартноманими? Ёхуд бир хиллик ёки аралашганлик белгилари мавжуд бўлган номланмаган шартноманими? Эҳтимол, шартноманинг қайсидир бир маъноси бўйича ажратиш, шартнома эркинлиги тамойилининг турли тартибдаги таркибий қисмларини бундай усулда қиёслаш нуқтаи назаридан нотўғри бўлар эди. Аниқроқ айтганда, пайдо бўлишининг турли асосларига эга тушунчалар (номланмаган шартнома учун - қонунчиликдаги

бўшлиқларнинг табиий шакли; аралаш учун - шартномавий уйғунлик, хилма-хил нарсаларнинг тартибсиз, тасодифий йиғиндиси) барча учун бир хил мақсаднинг мантиқий амалиётига - ҳақиқатга эришишга олиб келмайди.

Шунинг учун қайд этилган нотипик (номланмаган ва аралаш) шартномалар уйғунлигидан фойдаланишни назарий жиҳатдан чеклаш керак эмас. Аралаш шаклга эга кўпчилик тузилган шартномалар, фақат номланган моделга эга. Аммо, модомики, номланмаган шартномалар ҳозирги вақтгача тузилаётган экан, унда тарафларнинг келишувга эришиши учун нима ҳалақит бериши мумкин? Бу ўринда таъкидлаш жоизки, ЎР ФК 354-моддаси 3 ва 4-қисмларининг таҳлили аралаш хусусиятга эга номланмаган шартноманинг тузилишини фақатгина шартноманинг бир тури сифатида ажратиш лозим, деган хулоса қилишга имкон бермайди.

Юқорида баён этилган қонунчиликдаги ноаниқликни ҳисобга олган ҳолда, ЎР ФК 354-моддаси 3-қисмининг биринчи жумласини қуйидаги таҳрирда баён этишни зарур деб ҳисоблаймиз: “ тарафлар, таркибда турли шартномалар таркибий қисмлари мавжуд бўлган, қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан назарда тутилган ҳамда назарда тутилмаган нотипик шартнома тузишлари мумкин”.

Нотипик шартномалар нисбатини аниқлашда шартноманинг шартлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Лекин, қандай ҳолатларда шартнома қоидалари янги ёки номланмаган шартномани шакллантириши ёхуд ҳосил қилишини, яна қандай ҳолатларда - шартнома аввалгидек қолишини аниқлаш масаласи алоҳида мавзу бўлиб, фуқаролик шартноманинг шартлари тўғрисидаги таълимот таҳлиliga бориб тақалади.

Хулоса қилиб айтганда, нотипик (аралаш ва номланмаган) шартномалар таркиби ва мазмуни бўйича қонуний кўрсатмаларнинг мавжуд эмаслиги, бундай шартнома қонун ижодқори томонидан эътироф этилган ёки этилмаганидан қатъий назар, амалиёт улар тўғрисида фикр юритишга ундайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Рузиев Р.Д., Топилдиев В.Р. “Рим фуқаролик ҳуқуқи”. Ўқув қўлланма. “Фалсафа ва ҳуқуқ институти”. –Т., 2005. – Б.24; Рузиев Р.Д., Топилдиев В.Р. “Фуқаролик ҳуқуқи”. Дарслик. “Чўлпон”. –Т., 2011. – Б.456-461; Рузиев Р.Д. “Фуқаролик ҳуқуқий шартномаларни тизимлаштиришнинг илмий-назарий муаммолари”// Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. 2013. №2. –Т. “ТДЮИ”. –Б.80-81; Топилдиев В.Р. “Рим ҳуқуқи”. Дарслик. – Т., “Янги авлод”, 2013. –Б.152; Асқаров Н.И. Номланмаган шартномалар тавсифи, таснифи, ҳуқуқий тартибга солиниши. Илмий монография. – Т., “НАВРЎЗ”, 2017. –164 бет; Романец Ю.В. Система договоров в гражданском праве России. –М.:Юристъ, 2001. –С.68-80.
2. Ойгензихт В.А. Нетипичные договорные отношения в гражданском праве. Душанбе.1984.-С.4-19.
3. Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права. –М.: “Статут”, 2003. –С. 249-255.
4. Гредингер М. Опыт исследования безымянных договоров. –Рига. 1993. –С.97.

О.НарзиевТДЮУ профессори вазифасини бажарувчиси,
юридик фанлари доктори**КАПИТАЛ БОЗОРИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ
ИНДИКАТОРИ СИФАТИДА**

Аннотация: Капитал бозори иқтисодиётнинг “монитори” ва “санитари” сифатида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришга кўшимча инвестицияларни жалб этиш ҳамда корхоналар учун банк кредитларига нисбатан арзон ва қулай бўлган маблағларни “топиш” учун қулай шароит яратади. Мазкур мақолада ҳозирги вақтда МДХ давлатларининг капитал бозорлари бизнесни молиялаштиришнинг ҳақиқий рақобатбардош муқобил манбаси, жамғармалар ва ажратмаларни мобилизация қилишнинг муқобил тизими, корпоратив бошқарув ва компанияларнинг шаффофлигини таъминлашнинг самарали усули, шунингдек, хорижий инвесторларни жалб қилишнинг потенциал усулига айланмаганлигининг ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган. Тадқиқот натижасида бу борадаги ислохотларнинг дастлабки йўналиши сифатида бугунги кунда тарқоқ бўлган норматив ҳужжатларни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда консолидация қилиш орқали инвесторлар учун қулай бўлган ягона ҳуқуқий манбани яратиш лозимлиги асослаб берилди.

Таянч сўзлар: капитал бозори, қимматли қозғолар, корпоратив бошқарув, инвестор, миноритар акциядор.

Аннотация: Являясь «монитором» и «санитаром» экономики, рынок капитала создает благоприятные условия для развития экономики страны, привлекая дополнительные инвестиции в производство, «находя» дешевые и удобные средства для предприятий по сравнению с банковским кредитом. В данной статье исследуются правовые аспекты того, что рынки капитала стран СНГ так и не стали реальным конкурентным источником финансирования бизнеса, системой мобилизации средств и отчислений, эффективным методом обеспечения корпоративного управления и прозрачности компаний, а также потенциальным методом привлечения иностранных инвесторов. В результате исследования обоснована необходимость создания единого правового источника, удобного для инвесторов, путем консолидации действующих нормативных документов на основе международных стандартов в качестве первого направления реформ в этой сфере.

Ключевые слова: рынок капитала, ценные бумаги, корпоративное управление, инвестор, миноритарный акционер.

Abstract: As a "monitor" and "sanitary" of the economy, the capital market creates favorable conditions for the development of the country's economy, attracting additional investments in production, and "finding" funds that are cheap and convenient for enterprises compared to bank loans. This article studies the legal aspects of the fact that the capital markets of the CIS countries have not become a real competitive source of business financing, a system of mobilization of funds and allocations, an effective method of ensuring corporate governance and transparency of companies, as well as a potential method of attracting foreign investors. As a result of the research proposed the necessity to create a single legal source that

is convenient for investors by consolidating the current regulatory acts based on international standards.

Key words: capital market, securities, corporate governance, investor, minority shareholder.

Капитал бозори бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг керакли соҳасига инвестиция сифатида йўналтириш билан бир вақтда корхоналарда корпоратив бошқариш даражасини кўрсатиб турувчи “ойна” вазифасини ҳам бажаради. Шу жиҳатдан кўпгина ҳуқуқшунослар мамлакатнинг корпоратив қонунчилиги айнан фонд бозори билан белгиланади (аксинча эмас) деган фикрни илгари суришади. Корхоналардаги корпоратив бошқарув даражаси, мамлакат иқтисодиётининг қайси соҳасига маблағ жалб этиш ва бу маблағни қаердан олишни кўрсатиб турувчи, бир сўз билан айтганда, мамлакат иқтисодиётининг “монитори” ва “санитари” ҳисобланган капитал бозори мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, ишлаб чиқаришга кўшимча инвестицияларни жалб этиш ҳамда корхоналар учун банк кредитларига нисбатан арзон ва қулай бўлган маблағларни “топиш” учун қулай шароит яратади.

Республикада ишбилармонлик ва бизнес муҳитини янада яхшилаш, капитал бозорининг ҳуқуқий асосларини яратиш, бизнесни молиялаштиришда капитал бозорининг улушини ошириш, аҳолининг бўш маблағларини иқтисодиёт тармоқларига кенг жалб этиш, акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Капитал бозорининг халқаро стандартлари бўйича қараганда Ўзбекистон бугунги кунда капитал бозорининг ривожланганлик даражасини белгилловчи халқаро рейтинглар (MSCI, FTSE Russell, Standard and Poor's) бўйича энг пастки поғонада[1] (pre-frontier market, frontier market, emerging market, developed market) турибди[2]. Соҳа мутахассисларининг фикрича, изчил ва самарали ислохотлар бўлганда дастлабки босқичдан ривожланган босқичгача ўртача 20-25 йил талаб этилади. Бугун Ўзбекистон дунёдаги 26 та энг тез ривожланаётган давлатлардан бири саналади[3]. Бундай ривожланишда ҳозирча капитал бозорининг улуши унчалик сезилмаяпти. Бугунги кунда Ўзбекистонда капитал бозори капиталлашуви мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 6 фоизи атрофида[4]. Ривожланаётган давлатларда бу кўрсаткич 30-60 фоиз атрофида бўлиб, ривожланган давлатларда 100 фоиз ва ундан ҳам ортқни ташкил этади. 2023 йил якунига қадар капитал бозорининг капиталлашувини 45 трлн сўмга етказиш[5] ва 2025 йилга қадар эркин муомаладаги қимматли қозғолар ҳажмини мамлакат ЯИМга нисбатан 10 фоизга етказиш кўзда тутилган. Республикада келгуси беш йилдаги дастурий ҳужжати сифатида қабул қилинган **Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси**да иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 млн. АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш мақсади қўйилган[6]. Мазкур тадқиқот орқали биз мамлакатимизнинг ушбу кўзланган марраларга эришишида, бу борадаги ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда яқиндан кўмак беришни мақсад қилганмиз. Хусусан, капитал бозоридagi муносабатларни тартибга солишга қаратилган

амалдаги ҳуқуқий тизим ўта тарқоқ бўлиб, айрим ҳолларда бир-бирига қарама-қарши бўлган юзга яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан таркиб топганлиги, инвесторлар учун қўлай бўлган ягона ҳуқуқий манбанинг мавжуд эмаслиги, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро норма ва тамойилларга мослаштириш зарурати мазкур ишда кўриб чиқиладиган асосий масалалардан саналади. Соҳадаги ҳуқуқий жиҳатдан тиргакка муҳтож бўлган яна бир энг муҳим масала бу инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг етарли даражада самарали эмаслиги. Инвесторларни ҳимоя қилиш индексининг кучи ўртача 3 та индексни ташкил этади — ошкор қилиш индекси, директорнинг жавобгарлиги индекси ва акциядорлар даъвосининг қўлайлиги индекси[7]. Расмий тан олинган манбалардан тузилган Жаҳон банкининг ривожланиш кўрсаткичлари ҳисоботида кўра, Ўзбекистонда инвесторларни ҳимоя қилиш индексининг мустақамлиги 2016 йилда 5, 7% ни ташкил қилди[9]. Бугунги кунда инвесторларнинг, хусусан акциядорлик жамиятларидаги миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари қай даражада ҳимояланганлиги, жамият томонидан ахборотни ошкор этиш, дивидендларни ўз вақтида тўлаш каби фундаментал мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш долзарб масалалардан бўлиб турибди. Масалан, биргина 2020 йилда аниқланган қонун бузилишлари бўйича ваколатли давлат органи томонидан инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида акциядорлик жамиятларига 201 та кўрсатма берилган, судларга 144 та даъво аризаси киритилган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга 66 та ҳужжат юборилган. Инвесторлардан келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижаларига кўра, 20.3 млрд. сўм дивиденд кўринишидаги пул маблағлари ундириб берилиши таъминланган[10]. Бундан ташқари, ахборот технологиялари тобора ривожланиб бораётган бугунги кунда капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишни рақамлаштирилиши ва ушбу соҳадаги муносабатларнинг ижтимоий тармоқлар ҳамда онлайн платформага ўтаётган турларини[11] илмий-назарий таҳлил қилган ҳолда уларни ҳуқуқий таъминлаш бўйича хулоса тақдим этиш ҳам бугунги кундаги ушбу соҳадаги долзарб масалалардан саналади.

МДХга аъзо давлатларнинг капитал бозорлари, уларнинг янада ривожланиши ва минтақавий ҳамда жаҳон бозорлари билан интеграциялашувига тўсқинлик қилувчи қатор институционал ва ҳуқуқий муаммоларни ўрганганимизда МДХнинг барча мамлакатлари қимматли қоғозлар бозорлари учун бугунги куннинг умумий муаммоси миллий, минтақавий ва жаҳон иқтисодиёти даражасида капитал бозорлари имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлаш механизмининг мавжуд эмаслигини кўрсатди. Хусусан, ҳозирги вақтда МДХ давлатларининг капитал бозорлари бизнесни молиялаштиришнинг ҳақиқий рақобатбардош муқобил манбаси, жамғармалар ва ажратмаларни мобилизация қилишнинг муқобил тизими, корпоратив бошқарув ва компанияларнинг шаффофлигини таъминлашнинг самарали усули, шунингдек, хорижий инвесторларни жалб қилишнинг потенциал усулига айланмади.

Бунинг қатор сабаблари бўлиб, қуйида уларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталамиз. Капитал бозори ва корпоратив бошқарув тизимининг ривожланишига тўсиқ бўлиб турган муҳим омиллардан

бири бу акциядорлик жамиятларида давлат мулкнинг доминантлигидир. Капитал бозорининг ривожланиши хусусий мулкдорларга кўпроқ давлат активларини IPO ва SPO йўли билан тақлиф қилиш орқали хусусийлаштириш жараёнига ёрдам бериши мумкин, бу эса, масалан, мажбурий маълумотларни ошкор қилиш ва самарали корпоратив бошқарув тизимлари орқали давлат корхоналарининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини оширишга олиб келиши мумкин. Шунга кўра бозор иқтисодиётининг асоси сифатида давлат активларини янада хусусийлаштириш ва хусусий мулк доирасини кенгайтириш, монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш ва реал рақобат муҳитини рағбатлантириш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш капитал бозорини, айниқса, иккиламчи бозорни жадал ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Бу масалада биз давлат корхоналарининг капитал бозоридаги иштироки масаласи таҳлил қилиниб, унда Ўзбекистон ва тадқиқотда ўрганилган МДХ мамлакатларида давлатнинг капитал бозоридаги иштирокчилик ролини инкор этиб бўлмаслиги, бу борада асосий эътиборни давлат корхоналари ва хусусий корхоналар фаолиятини тартибга солишда адолатлилик ва тенглик тамойилига риоя этилиши лозимлиги асослаб берилди. Бунда давлат корхоналаридаги корпоратив бошқарувнинг шаффофлиги ва рақобатдаги бетарафлик (Competitive neutrality) ни таъминлаш муҳим ўрин эгаллашини аниқладик.

Капитал бозори ва корпоратив бошқарув тизимининг ривожланишига тўсиқ бўлиб турган яна бир муҳим омил — бу акциядорлар, айниқса миноритар акциядорлар ҳуқуқларининг таъминланиши, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида суд тизимининг ўрнидир. Капитал бозоридаги шаффофлик, ҳисобдорлик ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишни рағбатлантириш эмитентлар ўртасида самарали корпоратив бошқарушни ривожлантиришга хизмат қилади. Шунга кўра тадқиқотимиз натижасида қимматли қоғозларни чиқариш ва муомалада бўлишини, инвестицияларни кенг жалб этиш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутувчи Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш зарурати асослаб берилди. Инвесторлар базасини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, молиявий саводхонликни яхшилаш орқали қимматли қоғозларга бўлган талабни ошириш, эмитентлар сонини кўпайтириш ва янги молиявий инструментлар орқали қимматли қоғозлар тақлифини кенгайтириш, қонунчилик ва назорат тизимини такомиллаштириш, капитал бозори инфратузилмасини яхшилаш ва капитал бозорини мувофиқлаштирувчи органнинг институционал салоҳиятини мустақамлаш Концепциянинг асосий йўналишлари этиб белгилаб берилди.

Ўзбекистонда капитал бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий тизими капитал бозори ва корпоратив бошқарув тизимининг ривожланишига тўсиқ бўлиб турган яна бир муҳим омил саналади. Бу борадаги ислохотларнинг дастлабки йўналиши сифатида бугунги кунда тарқоқ бўлган норматив ҳужжатларни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда консолидация қилиш орқали инвесторлар учун қўлай бўлган ягона ҳуқуқий манбани яратиш лозимлиги

асослаб берилди. Бунда асосан капитал бозори тўғрисидаги янги қонун қабул қилиш зарурати ва мазкур қонунда акс эттирилиши лозим бўлган асосий қоидалар белгилаб берилди. Ўзбекистонда капитал бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий тизими таҳлили доирасида бу борадаги ислохотларнинг иккинчи йўналиши сифатида регуляторнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгиланган алоҳида қонун қабул қилиниши капитал бозори унда фаолият юритувчи эмитентларнинг корпоратив бошқарувини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Капитал бозорининг ривожланганлик даражалари бўйича батафсил маълумот учун қаранг: <https://www.nasdaq.com/articles/what-difference-between-developed-emerging-and-frontier-market-2012-05-11>
2. DCM Investor Report, 2022. **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки.**
3. Karen Ward, "The World in 2050," Quantifying the shift in the global economy. HSBC (2011): 2–3.
4. 2021 йил 17 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда "Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда молия бозорининг роли: ҳуқуқий ва институционал тўсиқлар" мавзусида халқаро конференцияда Сенат раиси Т.Норбоевнинг нутқидан. Манба: https://uza.uz/uz/posts/kapital-bozoridagi-vaziyat-mavzhud-muammolar-va-ularning-echimi_249659
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207 сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5371091>
6. Капитал бозорини ривожлантириш бўйича парламентда ташкил этилган семинар ахбороти. Батафсил қаранг: <https://kun.uz/news/2020/12/25/ozbekistonda-kapital-bozori-kapitalashuvi-yaimning-1-foiziga-teng>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/pdfs/5841063>
8. Маълумотлар корпоратив адвокатларнинг сўривдан олинган бўлиб, қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, компания қонунлари ва суд далиллари қоидаларига асосланади. Манба: Жаҳон банки, Бизнес юритиш лойиҳаси <http://www.doingbusiness.org/ExploreTopics/ProtectingInvestors/>
9. Индекс 0 дан (инвесторларнинг ҳимояси йўқ) дан 10 гача (инвесторларнинг ҳимояси юқори). Ўзбекистон – Инвесторларни ҳимоя қилиш индексининг мустақамлиги – ҳақиқий рақамлар, тарихий маълумотлар, прогнозлар ва прогнозлар Жаҳон банкидан 2022 йил февралда олинган. Батафсил маълумот учун қаранг: <https://tradingeconomics.com/uzbekistan/strength-of-investor-protection-index-0-to-10-wb-data.html>
10. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2021 йил 3-февралдаги мажлиси маълумотларидан. Батафсил қаранг: <https://parliament.gov.uz/uz/events/chamber/33535/>
11. Samir Das, Digital transformation in Securities and capital markets. <https://www.wipro.com/capital-markets/digital-transformation-in-securities-and-capital-markets/>

В.Эргашев

Тошкент давлат юридик университети профессори

С. Бегматова

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби таянч докторанти

МЕДИАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация: Яраштириш процедураларини ривожлантириш низоларни ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш ва бузилган субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг устувор йўналишларидан биридир. Ушбу мақола доирасида иқтисодий низоларни муқобил ҳал қилишнинг самарали воситаларидан бири сифатида медиациянинг ҳуқуқий табиати ўрганилди, медиациянинг асосий тамойиллари тизими қиёсий ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил этилди, шунингдек қонунчиликни янада ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: суд, медиация, низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари, медиация принциплари, медиатор, медиатив келишув.

Аннотация: Развитие примирительных процедур является одним из приоритетных направлений совершенствования механизмов разрешения споров и защиты нарушенных субъективных прав. В данной статье исследуется провавая природа медиации как одного из эффективных инструментов альтернативного разрешения экономических споров, анализируется система основных принципов медиации сравнительно-правовом контексте, а также разработаны предложения по дальнейшему развитию законодательства.

Ключевые слова: суд, медиация, альтернативные способы разрешения конфликта, принципы медиации, медиатор, медиативное соглашение.

Abstract: The development of conciliation procedures is one of the priority areas for improving dispute resolution mechanisms and the protection of violated subjective rights. This article examines the legal nature of mediation as one of the effective tools for alternative settlement of economic disputes, analyzes the system of basic principles of mediation in a comparative legal context, and also develops proposals for further development of legislation.

Keywords: court, mediation, alternative methods of conflict resolution, principles of mediation, mediator, mediation agreement.

Медиация лотинча "medius" сўздан олинган бўлиб, икки хил фикрловчилар ёки тарафлар ўртасидаги ўрталикни эгаллаш, муқобил йўлни кўрсатиш, ўз навбатида холис ва адолатли бўлиш маъносини билдиради[1. р.6.]. Умумий жиҳатдан олганда медиация институтини тарафлар ўртасидаги низони музокаралар олиб бориш йўли орқали холис (нейтрал) воситачи орқали, ўзаро фойдали келишувга эришиш жараёни деб тушуниш мумкин.

Х.Мелер медиация тушунчасига тарафларнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда таъриф бериб, низоларни ҳал қилиш бўйича буйруқ бериш ваколатига эга бўлмаган, тарафларнинг манфаатларига асосланган умумий қарор қабул қилувчи холис учинчи шахс иштироки ёрдамида низоларни судгача ихтиёрий ҳал қилиш таомили деб таъриф беради[2. -С.142.]. Н.Александр ушбу ёндашувни қўллаб-қувватлаган

ҳолда медиация тушунчасига медиация икки ва ундан ортиқ низолашувчи шахслар ўртасида уларнинг эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда музокараларни олиб боришга кўмаклашувчи ҳолис учинчи шахснинг кўмак бериш жараёни эканлигини таъкидлайди[3. р.2].

Ш.Гайдаенконинг фикрича медиация бу – икки ва бир қанча шахслар ўртасида мустақил ва манфаатдор бўлмаган воситачи сифатида иштирок этувчи учинчи шахс иштирокида, судга мурожаат қилишни олдини олиш мақсадида музокаралар олиб бориш ҳамда унинг натижаси юзасидан келишилган қарорга эришиш орқали низони ҳал қилишга кўмаклашиш жараёнидир[4. -С. 434].

Бундан ташқари, Испания ҳуқуқий таълимоти намоёндаларидан бири Р.Э. де лас Эрас, медиацияга медиатор кўмаги ёрдамида амалга ошириладиган, низони ҳал қилишнинг ихтиёрий таомили деб таъриф беради[5. р.6]. Э.Моралес эса медиацияга низони махфий тарзда ҳал қилиш таомили эканлиги, томонларга низони ихтиёрий тартибда ҳал қилишга кўмаклашувчи, махсус билимга эга, низо томонларига нисбатан ҳолис бўлган, низо бўйича қарор қабул қилиниши юзасидан давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлмаган учинчи шахс иштирокида низони ихтиёрий тартибда ҳал қилишга кўмаклашувчи жараён эканлигини таъкидлайди[6. р.80].

Низоларни муқобил ҳал қилиш бўйича Австралия Миллий маслаҳат Кенгаши “Низоларни ҳал қилиш бўйича атамалар (терминлар)” номли нашрида медиацияга қуйидагича таъриф берган: “Медиация – низодаги тарафларнинг низоларни ҳал қилиш бўйича мутахассис (медиатор) ёрдамида низоли масалани аниқлаш, низони ҳал қилиш юзасидан **танлов**ларни ишлаб чиқиш, муқобил ечимларни излаш ва келишувга эришишга уриниш жараёнидир” [8]. Мазкур концепцияга кўра, медиатор низонинг мазмуни ёки уни ҳал қилиш натижасига нисбатан маслаҳат берувчи ёки ҳал қилувчи ўринга эга бўлмасада, медиация жараёнининг аниқлаши ва жараён юзасидан маслаҳатлар бериши мумкин.

АҚШ Медиация тўғрисидаги ягона қонунда медиацияга қуйидагича таъриф берилган: Медиация – низо предметига нисбатан ихтиёрий келишувга эришишда медиаторнинг тарафлар ўртасида мулоқот ва музокаралар олиб боришга кўмаклашиш жараёнидир[9]. Ушбу концепцияга кўра ҳам медиаторнинг кўмаклашувчи шахс эканлиги тўғрисидаги умумий қоида ўрин олган.

Австрия Фуқаролик ишлари бўйича медиация тўғрисидаги қонуни 1-моддасига кўра, медиация – малакали ҳолис воситачининг тан олинган тамойиллардан фойдаланган ҳолда низо тарафлари ўртасида уларга ўзаро ёрдам бериш ва ўзаро келишувга эришиш мақсадида тизимли равишда қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи ихтиёрий жараёнидир[10].

Ш.М.Масадиков медиацияга томонлар ўртасидаги низони ўзаро мақбул келишувга эришишда кўмаклашувчи ва қарор қабул қилишда ҳуқуқга эга бўлмаган ҳолис медиатор ёрдамида низони ҳал қилиш усули деб таъриф беради[11. -С. 24.]

Қайд этилганлар таърифлардан фарқли ўлароқ, У.Бернам воситачилик хусусий музокаралар олиб бориш жараёнларига ўхшаш эканлигини эътироф этган ҳолда уни беғараз шахс ёки воситачи ёрдамида келишувга эришиш жараёни эканлиги, унда воситачи

низони мустақил ҳал этмаслиги, балки томонлар ўртасида олиб бориладиган музокаралар жараёнида иштирок этувчи, келишувга эришиши учун кўмаклашувчи учинчи томон сифатида иштирок этишига урғу беради[7. -С.422-423.] Яъни У.Бернам медиаторнинг учинчи томон сифатида тан олиб, ушбу таърифда унинг бу мақомини янада мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июль куни қабул қилинган “Медиация тўғрисида”ги Қонунга кўра, медиация бу келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор, яъни медиацияни амалга ошириш учун тарафлар томонидан жалб этиладиган шахс кўмагида ҳал қилиш усулидир[12].

Юқорида қайд этилган таърифлар таҳлили асосида медиациянинг қуйидаги белгиларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, низоларни муқобил ҳал қилишнинг медиация таомили ихтиёрий жараён бўлиб, мазкур ҳолатда медиатор низо юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди;

Иккинчидан, медиацияда авваламбор тарафларнинг манфаатлари устун мавқега эга бўлиб, барча масалалар уларнинг манфаатлари асосига қурилади;

Учинчидан, медиациядан кўзланган мақсад низо тарафлари учун ўзаро мақбул бўлган манфаатли келишувга эришиш ҳисобланади.

Шундай экан, юқорида медиация тушунчасига келтирилган таърифларни умумлаштириб, медиация воситачи-медиатор иштирокида олиб бориладиган, вужудга келган низо тарафларига низони тинч йўл билан ҳал қилишда фақатгина кўмаклашувчи шахс эканлиги тўғрисидаги тушунчани шакллантириш мумкин.

Қайд этилган таърифлар ва уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф томонидан медиация тушунчасига қуйидагича ахлит таърифни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Медиация – тегишли ҳуқуқий муносабат тарафлари ўртасида вужудга келган низо юзасидан ўзаро мақбул келишувга эришиш мақсадида профессионал ёки непрофессионал асосда фаолият олиб боровчи мустақил ва ҳолис медиатор кўмагидан фойдаланган ҳолда тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилигини назарда тутувчи махфийлик, ихтиёрийлик тамойиллари асосида медиатив келишувга эришиш жараёнидир.

Мазкур таърифнинг характерловчи белгиси шундаки, унда ушбу жараён нафақат низо томонлари ва медиатор ўртасида вужудга келиши балки профессионал ва непрофессионал медиатор мақомига эга медиатор иштирокида амалга оширилиш таъкидланмоқда. Медиаторнинг фаолияти профессионал ва непрофессионал асосда амалга оширилиши “Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 12-моддасида белгилаб ўтилган медиаторга доир энг муҳим талаблардан бири ҳисобланади. Қонунга кўра профессионал асосдаги медиатор фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс, непрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини эса, ийгирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини

бажаришга розилик берган шахс амалга ошириши мумкин[12]. Шунингдек, таърифда Қонунда қайд этилган асосий тамойиллар: медиаторнинг мустақиллиги ва ҳолислиги, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқчилигини назарда тутувчи махфийлик, ихтиёрийлик тамойиллари ҳам ўз аксини топган бўлиб, бу медиация тушунчасига берилган таърифнинг ҳуқуқий моҳияти ва ижтимоий мақсади бир қатор ҳуқуқий ҳодисаларда авваламбор унинг принципларида намоён бўлганлигини англатади.

Ҳуқуқнинг моҳияти ва ижтимоий мақсади бир қатор ҳуқуқий ҳодисаларда авваламбор унинг принциплари ва функцияларида намоён бўлади. К.И.Байтеннинг фикрича ҳуқуқ тамойиллари бу – ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва амал қилиши учун маънавий ва ташкилий асосни ташкил этувчи дастлабки ғояларни белгилловчи қоидалар ва муносабатлар мажмуидир[13. -С.123.]. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, ҳуқуқ тамойиллари бевосита қонуннинг моҳияти билан эмас балки қаерда ва қандай пайдо бўлгани ҳеч кимга маълум бўлмаган ғоялар, қоидалар ва муносабатларни белгилловчи ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва фаолияти билан боғлиқ деган ҳулосага келиш мумкин.

Медиация низоларнинг ҳал қилиш таомили сифатида қайси соҳада қўлланилишидан қатъий назар ўзининг асосий тамойилларига эга. Ушбу тамойиллар медиация тартибини қўллашни назарда тутувчи халқаро ҳужжатлар, медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, шунингдек медиацияни таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали ушбу соҳага оид доктринал ишланмалар асосида ишлаб чиқилган. Умуман олганда принциплар медиациянинг келгусидаги ривожланишини белгилаб беради, унинг бошқа низоларни муқобил ҳал қилиш институтларига нисбатан индивидуаллашиши, медиацияни ташкиллаштириш ва уни олиб борилишини белгилайди ҳамда медиация таомилининг ҳуқуқий тартибга солинишининг ўзига хос хусусиятларини намоён этади.

Медиация тамойилларини тадқиқ этиш медиатив келишувга эришиш тартибида низоларни тартибга солишга қаратилган янги ижтимоий муносабатларнинг кашф этишда алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ, барча давлатларда ҳам медиация тамойиллари бир хил мазмундаги ва миқдордаги тамойилларга эга эмас. Жумладан, “Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида медиациянинг махфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқчилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва ҳолислиги принциплари асосида амалга оширилишини назарда тутди[12].

“Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ишонччилик, танлаш ва битим тузиш эркинлиги, томонларнинг хоҳиш иродаси ифодаси, томонларнинг процессуал жиҳатдан тенглиги, уларнинг низони ҳал қилиш ва тартибга солишда ёрдам кўрсатиши, норасмийлик, томонларнинг бевосита иштироки, шахсга, муносабатларни сақлашга йўналтирилганлиги, ижодкорлик, келажакка йўналтирилганлик, воситачининг етакчилиги, шунингдек, медиаторнинг медиация таомилини олиб борилиши фаолияти натижаси юзасидан келтирилган зарар учун жавобгарлиги тамойилларининг ўз аксини топмаганлиги медиация тамойилларининг етарли даражада ифода этилмаганлиги “Медиация тўғрисида”ги Қонундаги ҳуқуқий ноаниқликлар сони билан боғлиқ. Бироқ, мазкур Қонуннинг ўзига хос

хусусиятларидан бири шундан иборатки, унда медиация тамойилларининг моҳиятини очиб беришга бағишланган алоҳида моддалар мавжуд бўлиб, ҳар бир тоамойилнинг мазмун-моҳияти алоҳида моддалар шаклида ёритиб берилган.

Махсус адабиётларда медиациянинг ишонччилик, танлаш ва битим тузиш эркинлиги, томонларнинг хоҳиш иродаси ифодаси, махфийлик, ихтиёрийлик, томонларнинг процессуал жиҳатдан тенглиги, уларнинг низони ҳал қилиш ва тартибга солишда ёрдам кўрсатиши, норасмийлик, томонларнинг бевосита иштироки, шахсга, муносабатларни сақлашга йўналтирилганлиги, ижодкорлик, келажакка йўналтирилганлик, воситачининг етакчилиги каби бир қанча тамойилларини ҳам учратиш мумкин.

Медиация тамойилларини унинг функционал мақсадига кўра икки гуруҳга тизимлаштириш мумкин:

1. Ташкилий тамойиллар – медиация таомилини ташкил этиш хусусиятларини ва унинг иштирокчиларининг мақомини тавсифловчи тамойиллар (томонларнинг ихтиёрийлиги ва медиаторнинг ҳолислиги тамойиллари).

2. Процессуал тамойиллар. Медиацияни ўтказиш тартибини тавсифловчи тамойиллар (махфийлик, ўзаро ҳамкорлик, мустақиллик ва томонларнинг тенглиги тамойиллари).

Медиациянинг асосий тамойилларига ихтиёрийлик, медиаторга нисбатан ишонч, медиатор (воситачи)нинг ҳолислиги, махфийлик, норасмийлик, медиация жараёни субъектларининг тенг ҳуқуқчилиги, ҳамкорлик, мустақиллик, беғаразлик тамойиллари тааллуқлидир.

Ихтиёрийлик тамойилига кўра яраштирув таомилини бошлаш ва уни ўтказиш, медиатив келишув тузиш ва уни ижро этиш томонларнинг мутлақо ихтиёрийлиги асосида амалга оширилади. Ушбу тамойил нафақат томонларга нисбатан балки медиаторга нисбатан ҳам амал қилади. Томонлар медиатив келишувни ихтиёрийлик асосида тузадилар. Медиатив келишувни тузишга мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Медиаторнинг мустақиллиги ва ҳолислиги тамойили медиаторнинг фаолиятига ҳар қандай шаклдаги аралашувни хусусан маънавий-руҳий ва ёки бошқача тарздаги босим ўтказишга йўл қўйилмаслигида намоён бўлади. Шунингдек, мустақиллик тамойили медиаторнинг мустақиллиги, унинг низо томонларига бўйсунмаслигини ҳам англатади. Мазкур тамойил МДҲ давлатлари қонунчилигида ўз аксини топган бўлиб, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги Қонунига кўра медиатор мустақилдир ва медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиаторнинг фаолиятига бирор-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди. Медиатор ҳолис бўлиши, медиация тартиб-таомилини тарафларнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириши ва медиацияда уларнинг тенг иштирокини таъминлаши, тарафларга ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиши керак. Медиаторнинг мустақиллиги ва ҳолислигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у медиация тартиб-таомилини амалга оширишдан воз кечиши керак [12].

Махфийлик тамойили медиация таомилини ўтказиш давомида олинган маълумотларни ошкор қилмасликни назарда тутиб, ўз навбатида медиация

таомили томонларининг обрў-эътиборни сақлаб қолиш имконини беради. Қонунга асосан медиация иштирокчилари медиация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни уларни тақдим этган медиация тарафининг, унинг ҳуқуқий ворисининг ёки вакилининг ёзма розилигисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

Медиация иштирокчилари ўзларига медиация жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолатлар ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас, шунингдек улардан медиацияга тааллуқли ахборотни талаб қилиб олиш мумкин эмас, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно[12]. Медиатор томонлардан бири томонидан келиб тушган маълумотни унинг розилигисиз медиация таомилининг бошқа бир томонига фош этиши мумкин эмас.

Медиация томонларининг тенг ҳуқуқчилиги таомили медиация томонларининг (субъектларининг) медиация таомили ўтказиш бўйича мурожаат қилиш, унда иштирок этишни рад этиш, маълумотларни ошкор қилиш, келишувга эришишга кўмаклашувчи медиаторни танлашда тенг ҳуқуқларга эга эканлигини назарда тутса, медиация субъектларининг ҳамкорлиги таомили низо томонларининг бир-бирлари билан рақобат қилмаслиги, яраштириш жараёнларида қарама-қаршилиқларга йўл қўймаслик, ўзаро ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилиш каби ҳаракатларни амалга оширишни кўзда тутди. “Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 9-моддасида мазкур таомиллар бирлаштирилиб, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги принциплари деб ном олган. Унга кўра, медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиатор мустақилдир. Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиаторнинг фаолиятига бирор-бир тарзда аралашилмашига йўл қўйилмайди.

Медиатор холис бўлиши, медиация тартиб-таомилини тарафларнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириши ва медиацияда уларнинг тенг иштирокини таъминлаши, тарафларга ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиши керак. Медиаторнинг мустақиллиги ва холислигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у медиация тартиб-таомилини амалга оширишдан воз кечиши керак[12].

Кўплаб адабиётларда медиациянинг норасмийлиги таомили асосий таомиллардан бири сифатида эътироф этилиб, унга кўра медиация таомили унинг натижага эришиши (медиатив келишув тузиш ёки тузмаслик) медиация томонларига ҳеч қандай мажбурият юктамаслиги, қатий режалаштирилган таомилга амал қилинмаслиги билан ифодалаш мумкин. Гарчи “Медиация тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида норасмийлик таомили медиациянинг асосий таомиллари қаторида қайд этилмаган бўлса-да, унинг мазмунидан медиация томонлари онгли равишда томонлар манфаатига мос келувчи, медиатор томонидан тақлиф этилган келишув усулларини қўллаш ёки қўлламасликни ҳал қиладилар ва бундан ўзаро келишувга эришиш учун олдиндан белгилаб қўйилган қатий қоида ёки кўрсатмалар мавжуд эмас.

Бизнинг фикримизча юқорида келтириб ўтилган, миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган медиация таомиллари умумий маънода медиация таомилларининг тўлиқ шаклланган мукамал

гуруҳини ташкил этмайди. Медиация институти қўлланилиши самарадорлигини янада ошириш мақсадида медиация институтининг турли хорижий давлатларнинг норматив ҳуқуқий ҳужжатларида акс эттирилган таомиллари, хусусан,

Швейцария, АҚШ, Қозоғистон, Украина давлатлари мавжуд медиация институтини ҳуқуқий тартибга солувчи таомиллар жумладан норасмийлик ва медиаторнинг медиация таомилини олиб борилиши фаолияти натижаси юзасидан келтирилган зарар учун жавобгарлиги таомиллари билан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки медиация жараёни махфийлик таомили асосида амалга оширилиб, унга кўра медиация томонлари медиация жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда ўзларига маълум бўлган ёки маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмасликларни лозим. Демак, унинг ошкор қилиниши маълум бир ҳуқуқий оқибат келтириб чиқариши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. Шу сабабли бундай ҳаракат ўзи билан бирга муайян жавобгарликни келтириб чиқаради. Медиаторнинг жавобгарлиги таомилини миллий қонунчиликда акс эттирилиши низони самарали ва сифатли тартибга солиш хусусан одил судловни самарадорлигининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги фикрни қонунчиликда янада мустаҳкамлашини таъминлаш, унинг ҳуқуқий самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида”ги Қонунини Медиаторнинг жавобгарлигини белгилловчи алоҳида 132-модда билан тўлдириш тақлиф этилади.

“Медиатив келишув бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда медиатор қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликкаа тортилади. Медиатор тарафлар олдида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижасида етказилган зарар учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Медиатор касбий одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилмаган тақдирда, ўзи аъзо бўлган медиаторлар уюшмасининг устави ёки низомида белгиланган жавобгарликка тортилади.”

Мақолада медиация институтининг концептуал асослари, унга олимлар томонидан берилган таърифлар ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида шакллантирилган муаллифлик таърифи ва унинг назарий асослари таҳлил қилинди. Хусусан, хориж ва миллий олимлар томонидан медиация тушунчасига берилган таърифлар ва унинг муаллифлик таърифидан фарқли жиҳатлари муҳокама қилинди. Маълумки медиация таомиллар тизими асосида қўлланилади. Шу сабабли, медиация институти таомиллари турли минтақаларнинг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари мисолида миллий қонунчиликда акс эттирилган медиация таомиллари умумий-ҳуқуқий таҳлил қилиниб, медиация институтини ҳуқуқий тартибга солувчи таомиллар умумлаштирилди. Бундан ташқари миллий қонунчилик мисолида медиация институти таомилларининг мазмун-моҳияти очиб берилди. Шунингдек, миллий қонунчилигимиздаги медиация институти янада такомиллаштирилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Медиация тўғрисида” ги қонунини медиациянинг норасмийлик, медиаторнинг медиация таомилини олиб борилиши фаолияти натижаси юзасидан келтирилган зарар учун жавобгарлиги таомиллари билан тўлдириш тақлифи илгри сурилди.

Хулоса қилиб айтганда медиация тамойиллари медиация таомили таянадиган муҳим асосларни ташиқ этиди. Айнан ушбу тамойиллар унинг низоларни ҳал қилишнинг бошқа муқобил усуллари билан фарқ қилувчи хусусиятларидан бири ҳисобланади. Медиация тамойилларига қатъий риоя қилиш медиациянинг ҳуқуқий институт ва низоларни ҳал қилиш усули сифатида фаолият кўрсатишининг дастлабки ва энг муҳим шarti ҳисобланади. Медиация тамойилларига риоя қилиш зарурати уларнинг миллий қонун ҳужжатларида меъёрий-ҳуқуқий даражада мустақамланишини тақозо этиди. Медиаторнинг фаолияти мустақиллик, холислик, махфийлик ва низо тарафларининг тенг ҳуқуқчилиги, медиация жараёнининг норасмийлиги, медиаторнинг медиация таомилини олиб борилиши фаолияти натижаси юзасидан келтирилган зарар учун жавобгарлиги каби функционал тамойиллар билан белгиланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Медиация в нотариальной практике (Алтернативные способы разрешение конфликтов)/Петер Фар (и др.); отв.редакторы К.Грефин фон Шлиффен и Б.Вегманн;(пер. с нем. С.Трушников). -М.:Волтерс Клувер, 2005. -С.3.
2. Техника ведения переговоров нотариусами: прак.пособие/ отв.ред. Роберт Вальц; (пер.с нем. С.Трушников). -М.: Волтерс Клувер, 2005. -С.142.
3. N.Alexander' Global Trends in Mediation: Riding the Thr Wave ' in N.Alexander (ed.), Global Trends in Mediation (Netherlands:Kluwer Law International BV, 2006), p.2.
4. Гайдаенко Шер Н.И. Альтернативные способы разрешения споров и бизнес // Новое в гражданском законодательстве: баланс публичных и частных интересов: материалы для VII Ежегодных научных чтений памяти профессора С.Н. Братуся / отв. ред. Н.Г. Доронина. М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве РФ; Юриспруденция. 2012. С. 434.
5. De las Heras R.H. Op. cit. p.6.
6. Morales E.C. Op. cit. p. 80.
7. Бернам У. Правовая система США. 3-й выпуск. М.: Новая юстиция, 2006. С. 422 - 423.
8. National Alternative Dispute Resolution Advisory Council (NADRAC), Dispute Resopution Terms. 2003.p. <http://www.nadrac.gov.au/agd/www/Disputeresolution-home.nsf/Page/RWPA>
9. Ст.2 (1) UniformMediation Act (2001).
10. Zivilrechts-mediations-Gesets 2003, ZivMediatG, BGBI I 29/2003.
11. Ш.М.Масадиқов.Сущность медиации и проблемы ее правового регулирования в Республике Узбекистан: Диссертация..канд.юрид.наук. -Ташкент, 2008. -С. 24.
12. "Медиация тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни <https://lex.uz/docs/3805227>
13. Байтин М. И. Сущность права (современное нормативное правопонимание на грани двух веков). Саратов, 2001. С. 123.
14. Kemicha F. The Approach to Mediation in the Arab World // Conference on Mediation (March 29, 1996, Geneva, Switzerland) <http://www.wipo.int/amc/en/events/conferences/1996/kemicha.html>).

М.Чориев

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Фуқаровий ҳуқуқий фанлар кафедраси бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор.

Ш.Норбоев

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил ишланувчиси

АУТСОРСИНГ ШАРТНОМАСИНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мақолада аутсорсинг шартномасининг муҳим шартлари, хусусан, предмети, кўрсатиладиган хизмат сифати, шартнома муддати ҳамда тарафларнинг ташаббускорлиги асосида киритиладиган шартлар илмий адабиётлар ва амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш асосида ёритилган. Номланмаган шартномалардан бири ҳисобланган ҳамда миллий амалиётимизда кенг қўлланилаётган аутсорсинг шартномасининг муҳим шартлари илмий-назарий тавсифланиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

Таянч сўзлар: Аутсорсинг, аутсорсер, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, шартнома, шартном шартлари, муҳим шартлар, шартнома предмети (нарсаси), шартнома тарафлари, ҳуқуқ ва мажбурият, хизмат сифати.

Аннотация: В данной статье на основании анализа научных литератур и действующего законодательства раскрываются существенные условия договора аутсорсинга, такие как предмет, качество оказываемых услуг, сроки договора и иницируемые условия сторонами. Произведена научно-теоретическая классификация и выявлены свойства существенных условий договора аутсорсинга, являющегося одним из непоименованных договоров и широко применяющегося в национальной практике.

Ключевые слова: Аутсорсинг, аутсорсер, услуга за вознаграждение, договор, условия договора, существенные условия, предмет (вещь) договора, стороны договора, права и обязанности, качество услуги.

Abstract: This article, based on the analysis of scientific literature and current legislation, reveals the essential terms of the outsourcing contract, such as the subject, the quality of services provided, the terms of the contract and the conditions initiated by the parties. A scientific and theoretical classification was made and the properties of the essential terms of the outsourcing contract, which is one of the unnamed contracts and is widely used in national practice, were revealed.

Key words: Outsourcing, outsourcer, service for a fee, contract, terms of the contract, important terms, subject (thing) of the contract, parties to the contract, rights and obligations, quality of service.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг такомиллашуви ва интеграциялашуви, тадбиркорликнинг муттасил ва кенг қамровли ривож шартномалар сонининг ошишига, уларнинг аъъанавий шакл-шамойили, мазмун-моҳияти, баъзан тузилмасидаги ўзгаришларга, мураккаблашувига сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу ўз-ўзидан қонунчиликда назарда тутилган ёки назарда тутилмаган бир нечта шартномалар белгиларини ўзида жамлаган шартномаларнинг

тузилишига олиб келиб, фуқаролик муомаласида янги, номланмаган ва аралаш шартномалар юзага келмоқда.

Шундай шартномалардан бири аутсорсинг шартномасидир. Аутсорсинг шартномасининг келиб чиқиши хорижий бўлиб, у буюртмачи ташкилотнинг муайян функцияларини аниқ бир фаолият бўйича юқори малакага эга бўлган ташқи ижрочига топширилишини назарда тутувчи икки томонлама битим сифатида тушунилади. Демак, мазкур шартноманинг шартлари ҳам шундан келиб чиқади.

Миллий амалиётимизда ушбу шартномалар нисбатан яқин вақтдан буён тузила бошланди, шу билан бирга улар одатда малакали ходимлар билан таъминлаш шартномаси сифатида эътироф этилди.

Ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг мазмунини унинг барча шартлари йиғиндиси ташкил этади. ЎР ФК 364-моддаси 1-қисмига мувофиқ, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади.[1]

Шартнома шартлари муҳим, одатдаги ва тасодифий шартларга бўлинади. Шартноманинг нарсаи тўғрисидаги шартлар қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек, тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олинishi зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади.[2]

Бугунги кунда аутсорсинг шартномаси муҳим шартларнинг аниқ рўйхати кўрсатиб берилмаган. Бироқ, амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш натижасида аутсорсинг шартномасининг муҳим шартларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Биринчи навбатда, қонун ҳужжатининг (ЎР ФК 364-моддаси 2-қисми) тўғридан-тўғри кўрсатмасига биноан бундай муҳим шартлардан бири шартнома предмети (нарсаси) тўғрисидаги шарт ҳисобланади. Шартномада унинг предмети (нарсаси) тўғрисидаги шарт мавжуд бўлмаса ёки тарафлар шартнома предмети (нарсаси) тўғрисида келишувга эришолмаган бўлса шартнома тузилмаган деб ҳисобланади.

Моҳияти бўйича, шартнома предмети – бу битим тарафлари кўзлайдиган асосий мақсаддир. Шартномани кейинчалик бажариш предмет қанчалик аниқ ва тўлиқ ифодаланганлигига боғлиқ. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўплами бевосита унинг предметиға боғлиқ.[3] Аутсорсинг шартномаси ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқи назариясида аутсорсинг шартномасининг предмети тушунчасига нисбатан ягона фикр шаклланмаган.

И.С.Шиткина аутсорсинг шартномасининг предмети деганда бир ташкилот томонидан зарур малака ва ихтисосликка эга бўлган мутахассисларни иккинчи бир ташкилотга унинг манфаатлари учун муайян функцияларни бажариш учун топширилишини тушунади. Унинг фикрига кўра, аутсорсинг шартномасини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасидан фарқлаш лозим. Чунки, дейди у, ходимларни тақдим қилувчи ташкилот қандайдир (масалан, бошқарув, ишлаб чиқариш, қурилиш, ахборот коммуникация ва бошқа соҳалардаги) хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олмайди, балки унинг ягона мажбурияти малака ва ихтисосликка қўйилган талабларга жавоб берадиган

муайян сондаги ходимларни тақдим этиш ҳисобланади.[4]

Г.А.Корнийчук аутсорсинг шартномасининг предмети масаласини бироз бошқача ҳал қилган. Унинг фикрига кўра, аутсорсинг шартномасининг предмети компаниянинг ўзи учун хос бўлмаган фаолият турини профессионал-компанияга топширишидан, бошқа ташкилот томонидан одатда ташкилотнинг асосий фаолиятига кирмайдиган, аммо бизнеснинг тўлиқ ишлаши учун зарур бўлган баъзи вазифалари, бизнес функциялари ёки бизнес жараёнларини бажаришдан иборат.[5]

Л.В.Санникованинг таъкидлашича, ходимларни тақдим этиш бўйича мажбуриятнинг объектини фойдаланувчининг муайян ихтисосликдаги ходимга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган ҳарқатлар ташкил этади.[6]

Т.Ю.Коршувановнинг таъкидлашича, пудрат шартлари бўйича ишларни бажаришда меҳнат шакллари жудаям хилма-хилдир. Хусусан, бундай шартнома ҳақида компания ихтисослиги бўлмаган ҳар қандай функциясини ўзининг профессионал ходимлари томонидан ушбу функцияни бажарадиган ташқи компанияга ўтказганда гапиришимиз мумкин. Масалан, бу функциялар биноларни тозалаш, хавфсизлигини таъминлаш, IT қўллаб-қувватлаш бўлиши мумкин. Ушбу функцияларни бажаришга жалб қилинган компания ўз устав ва фаолият мақсадига кўра бундай хизматларни кўрсатадиган ихтисослашган ташкилот бўлиб ҳисобланади. Халқаро амалиётда ҳам бундай фаолият аутсорсинг деб номланади.[7]

Бу ҳолатда икки ташкилот ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилади. Ходимлар хизмат кўрсатувчи ташкилот штатида бўлади ва хизматларни қабул қилувчи (буюртмачи) ташкилотда ўз меҳнат фаолиятини (бинони тозалаш, уни қўриқлаш, унга компьютер тармоғини ўрнатиш ва таъминлаш хизматларини) амалга оширади. Ходимлар томонидан меҳнат фаолиятини амалга оширишининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар хизмат кўрсатувчи ташкилот штати ҳисобида бўлишса ҳам, амалда бошқа ташкилотда иш бажаришади ҳамда унинг талабларига ва махсус қоидаларига амал қилишади.

Махсус адабиётлар ва мутахассисларнинг қарашларида юқоридаги фикрларни тасдиқловчи қарашларни учратиш мумкин. Хусусан, уларга кўра аутсорсинг шартномасининг предмети ташкилотнинг бир ёки бир неча функциялари (масалан, дастурий таъминлаш, кадрлар билан ишлаш ва бошқалар) бўйича хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Бунда фақат бир шарт бўлади, яъни ташкилотнинг штатида хизмат кўрсатилаётган соҳа бўйича ўз мутахассислари мавжуд бўлмайди ва мазкур функциялар тўлиқ аутсорсерга топширилади.[8]

Аутсорсинг шартномасининг предмети ҳақида гапирар эканмиз, шуни инобатга олиш лозимки, кўпчилик ҳолатларда мазкур шартнома ўз ичига ЎР ФК 37 ва 38-боби нормалари билан тартибга солинадиган пудрат шартномаси ва ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси элементларини олади. Шу билан биргаликда, у ўз ичига ЎР ФКда назарда тутилган ва назарда тутилмаган шартномаларнинг элементларини ҳам ўз ичига олиши мумкин (масалан, меҳнат шартномасининг элементларини).

Кўриб чиқилаётган шартноманинг ушбу хусусиятларини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, аутсорсинг шартномасининг предмети

мажмуавий (комплекс) мазмунга эга бўлиб, қоидага кўра, бу маълум функцияларни ёки муайян фаолият (ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш, ишлаб чиқаришни бошқариш ёки мижознинг товарларини ишлаб чиқариш ва (ёки) сотиш билан боғлиқ бошқа вазифаларни бажариш)ни амалга ошириш учун талаб қилинадиган малака талабларига жавоб берадиган аутсорсер-ташкilot ходимларини тақдим этишни ўз ичига олади.

Аутсорсинг шартномасининг яна бир хусусияти шундаки, мажбуриятга эга бўлган шахснинг хатти-ҳаракатлари аутсорсинг ходимларининг фаолияти (ҳаракатлари), уларнинг касбий сифатлари (махсус маълумот, фаолият натижадорлиги, иш тажрибаси ва бошқалар.) билан индивидуаллаштирилади.

Шу асосда, аутсорсинг шартномаси бўйича кўрсатиладиган хизматлар аутсорсер-ташкilotнинг малакали ходимлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар бўлиб, улар буюртмачининг ишлаб чиқариш жараёнидаги, ишлаб чиқаришни бошқаришидаги ёки мижознинг товарларини ишлаб чиқариш ва (ёки) сотиш билан боғлиқ бошқа вазифаларини бажаришдаги эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади.

Бизнинг фикримизча, аутсорсинг шартномасининг яна бир муҳим шarti шартнома бўйича тақдим этиладиган хизматлар сифати тўғрисидаги шарт ҳисобланади.

ЎР ФК 38-бобида мустаҳкамланган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг норматив-ҳуқуқий моделида хизмат сифатини баҳолаш мезонлари тўғрисида ҳеч қандай кўрсатма мавжуд эмас. Хизматнинг сифатини аниқлаш доирасида пудрат тўғрисидаги (ЎР ФК 647-моддаси 1-қисми) нормаларни субсидиар қўллаш асосида айтиш мумкинки, хизмат сифати шартнома шартларига жавоб бериши лозим. Бироқ, шартномада хизмат сифати тўғрисидаги шарт мавжуд бўлмаса ёки тўлиқ бўлмаса одатда тегишли турдаги хизматларга қўйиладиган талабларга мос келиши керак.

Адабиётларда хизмат сифатини баҳолаш ижрочи фаолиятининг натижасини эмас, балки хизматни кўрсатиш жараёнининг хусусиятларини ва уни истеъмол қилиш (хизмат кўрсатиш) шартларини назарда тутувчи ёндашувлар устунлик қилади.

Масалан, Ю.В.Романец фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган хизматлар сифатини баҳолашнинг қуйидаги хусусиятларини қайд этади: Хизматларнинг аксарияти ижрочининг ўзидан ташқари ифодаланган ва ажралиб турадиган натижага эришишни кўзламайди. Шунинг учун “бундай хизматларнинг сифат мезонлари уларни тақдим этиш жараёнига йўналтирилиши керак. Акс ҳолда, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича кўрсатиладиган хизматларни ишларни бажаришга қаратилган бошқа шартномалардан фарқлаш имкони бўлмайди”. [9]

Муаллиф адолатли равишда таъкидлаганидек, хизмат кўрсатувчи фаолиятининг натижадорлиги ва “тахмин қилинадиган” натижанинг бошланиши ўртасидаги объектив қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда хизмат самардорлиги (сифати) муаммосини ҳал қилиш мумкин. Ижобий натижа юзага келиши ижрочининг ҳаракатларига боғлиқ бўлиб, сабабий натижалар бир-бирига яқин бўлиши керак. Бизнинг фикримизча, Ю.В.Романецнинг фикрига қўшилса бўлади. Чунки, хизмат сифатини баҳолашни фақат ижрочининг фаолияти натижасининг фойдали

хусусиятлари билан чеклаш мумкин эмас. Хизмат кўрсатиладиган мижоз томонидан хизмат кўрсатилгандан сўнг дарҳол бирон бир имтиёз ёки афзалликларга эга бўлиши хизмат сифатини белгилашнинг ишончли мезони бўлиши мумкин эмас.

Амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил қиладиган бўлсак, хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларни моделлаштириш бироз бошқача шаклда бўлса-да қўлланилаётганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан тасдиқланган хизматларни тақдим этишнинг деярли барча қоидалари ижрочига мижозни хизмат турлари, уларни тақдим этиш тартиби, муддатлари, қўшимча хизмат турлари тўғрисида энг тўлиқ дастлабки маълумотлар билан таништириш, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган камчиликлар тўғрисида огоҳлантириш мажбуриятини юқлайди. Бу маълум даражада мижознинг талабларини қандайдир даражада расмийлаштиришини таъминлайди.

Қонун чиқарувчи анъанавий равишда хизматлар сифатини таъминлашнинг бошқа усулларига устунлик беради. Хусусан, хизматлар кўрсатиш тартибини батафсил тартибга солиш, фаолиятнинг турли стандартларини ўрнатиш, лицензиялаш ва сертификатлаштириш.[10] Ҳаттоки судлар ҳам хизмат кўрсатишда қандайдир ижобий натижага эришишни эмас, балки хизматларнинг сифатини муайян фаолият стандартларига мувофиқлиги нуқтаи назардан баҳолашга мойил, айниқса тегишли хизмат кўрсатиш фаолияти стандартлаштирилган бўлса.

Аутсорсинг шартномаси бўйича кўрсатиладиган хизматларга хос бўлган қуйидаги хусусиятларни санаб ўтиш мумкин:

1. Аутсорсер ходимларининг юқори малакали хизмат кўрсатиши;

2. Ишлаб чиқариш жараёнида мижознинг муайян функцияларини амалга ошириш ёки мижознинг товарларини ишлаб чиқариш ва (ёки) сотиш билан боғлиқ бошқа вазифаларини бажаришда мижознинг эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида хизмат қилиш қобилияти;

3. Фойдани кўпайтириш, стратегик режалаштириш масалаларини амалга ошириш ва ҳоказоларда ифодаланган натижаларнинг номоддийлиги;

4. Хизматлар сифати шартнома мажбуриятларини бажариш жараёнида аутсорсер-ташкilotни бутун фаолиятининг жамоавий хусусиятини ифодалайди, шунинг учун хизматлар сифати аутсорсер-ташкilotнинг малакали компетентлиги орқали аниқланади.

Аутсорсинг шартномаси ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади, яъни аутсорсер шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажаргани учун иккинчи тарафдан ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу билан бирга, аутсорсинг шартномасида кўрсатиладиган хизмат учун баҳонинг белгиланмаслиги уни тузилмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келмайди, чунки шартномада баҳо тўғрисидаги шарт мавжуд бўлмаса кўрсатиладиган хизмат баҳоси ЎР ФКнинг умумий қоидаларига мувофиқ аниқланиши керак. Бундай умумий қоидалар ЎР ФК 356-моддаси 3-қисмида назарда тутилган бўлиб, унга кўра ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада баҳо назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган баҳо

бўйича ҳақ тўланиши керак [11]. Ушбу шартнома аралаш шартнома бўлиб, ЎР ФК 37-боби нормалари билан тартибга солинадиган пудрат шартномасининг элементларини ҳам ўзида мужассамлаштиргани учун унга нисбатан ЎР ФК 636-моддаси қоидалари қўлланилади ва шартнома баҳоси шу асосда белгиланади.

Аутсорсинг шартномасини яна бир муҳим шarti – бу шартномани бажариш муддати ҳисобланади. Аутсорсинг шартномасининг ушбу шarti бўйича ҳам пудрат тўғрисидаги қоидалар амал қилиши керак. ЎР ФК 635-моддасига мувофиқ, “Пудрат шартномасида ишни бажаришнинг бошланғич ва охири муддатлари кўрсатилади. Тарафлар ўртасидаги келишувга мувофиқ, шартномада ишнинг айрим босқичларини тугаллаш муддатлари (оралиқ муддатлар) ҳам назарда тутилиши мумкин. Пудрат шартномасида кўрсатилган ишни бажаришнинг бошланғич, охири ва оралиқ муддатлари шартномада назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўзгартирилиши мумкин”. [12]

Аутсорсинг шартномаларини қўллаш амалиётида кўпинча бошланғич ва якуний муддатлар кўрсатилади. Бироқ, шартномада белгиланган бошланиш ва тугаш муддатлари мажбуриятларни бажариш муддати эмас, балки аутсорсинг шартномаси бўйича аутсорсер-ташкilot томонидан мажбуриятларини доимий равишда бажариш даври бўлиб ҳисобланади.

Бир қатор тадқиқотчилар ҳамкорликнинг дастлабки босқичларида аутсорсинг шартномаси бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда фойдасиз муносабатларни тўхтатиш имкониятини таъминлаш учун қисқа муддатли шартнома тузиш кераклигини таъкидлашади. [13]

Бироқ, аутсорсинг шартномасини узоқ муддатли амал қилиши унинг ўзига хос хусусияти эканлигини олдиндан билган ҳолда шартнома тарафлари учун умумий қоидаларда бир томонлама бош ториш ҳуқуқи фақат қонун ёки томонларнинг келишуви асосида белгиланганлигини ҳисобга олиш лозим. Хусусан, ЎР ФК 382-моддаси 4-қисмига мувофиқ, бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёҳуд тарафларнинг келишувида бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади. [14]

Аутсорсинг шартномасининг ўзига хос хусусияти шундаки, аутсорсер-ташкilot томонидан мажбуриятларни нотўғри бажарилиши оқибатида буюртмачи катта зарар кўриш хавфи юқори бўлади. Шу сабабли ҳам аутсорсинг шартномасига таваккалчиликни ва зарарни суғурталаш ёки аутсорсинг шартномаси бўйича жавобгарликни суғурталаш шартини муҳим шарт сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир.

Аутсорсинг шартномасининг бошқа муҳим шартларига келсак, бундай шартлар тарафлардан бирининг талаби билан киритилиб ўзаро келишилган шартлар ҳисобланади. Адабиётларда бундай шартлар ташаббускорлик шартлари деб аталади. Аутсорсинг шартномасидаги бундай шартларнинг таркиби ва сони тарафларнинг ташаббускорлигига ҳамда аутсорсер томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, аутсорсинг шартномасининг муҳим шартларини унинг предмети, кўрсатиладиган хизмат сифати тўғрисидаги шарт, шартнома муддати, ташаббускорлик шартлари ташкил этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/111189#155621>
2. Fuqarolik va oila huquqi. Darslik / R.J.Ro'ziyev, V.R.Topildiyev, M.Sh.Choriyev. -Toshkent, O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2022. 323-бет.
3. https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlar/shartno_ma_tuzamiz_nimaga_etibor_qaratish_lozim
4. Шиткина И. Договор предоставления персонала: что это такое? // Хозяйство и право. - 2014. - № 1. - С. 98-100.
5. Корнийчук Г.А. Прием и увольнение работников: подбор и оценка персонала, оформление трудовых отношений. - М.: «Омега-Л», 2007. --С. 37.
6. Санникова Л.В. Обязательства об оказании услуг в российском гражданском праве. -М.: Вольтерс Клувер. 2007. -С. 99.
7. Коршунова Т.Ю. Правовое регулирование отношений, связанных с направлением работников для выполнения работ в других организациях (заемный труд) // Трудовое право. 2005. № 6. -С. 17.
8. <https://daryo.uz/k/2017/09/13/biznesda-autsorsingdan-foydalaning/>; Ефимова С., Пешкова Т., Коник Н., Рытик С. Аутсорсинг. -М.: ООО «Журнал «Управление персоналом», 2006. -С. 49.
9. Романец Ю.В. Система договоров в гражданском праве России. - М.: Юристъ, 2004. С. 399-400.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни 3-боби / <https://lex.uz/docs/5307886#5308330>
11. <https://lex.uz/docs/111189#155450>
12. <https://lex.uz/docs/180552#188667>
13. Ещенко И.А. Договор аутсорсинга в гражданском праве: Дисс. ... кан. юрид. наук. -М., 2009. -С. 126.
14. <https://lex.uz/docs/111189#155450>

Х.Сайдвалиева

“Оила ва хотин-қизлар” илмий тадқиқот институти
бўлим бошлиғи,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада муаллиф оила институтини мустақамлаш борасидаги амалга оширилаётган давлат сиёсати, оилавий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларни тартибга солиш методологиясига оид масалаларни таҳлил қилади. Оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари борасидаги цивилист олимларнинг фикрлари таҳлил этилиб, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан фарқлари кўрсатиб берилади. Муаллиф томонидан оилавий ҳуқуқий муносабатларни шарномавий-ҳуқуқий тартибга солиш асосларига оид таклифлар келтирилади.

Таянч сўзлар: оилавий муносабатлар, ҳуқуқ, мажбурият, ўзаро ишонч, мулкий муносабатлар, шахсий номулкий муносабатлар, тартибга солиш, шартнома, қонун, норма, оила аъзолари, субъект, объект, оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи.

Аннотация: В статье автор анализирует вопросы, связанные с реализуемой государственной политикой по укреплению института семьи, особенностями семейных отношений, а также методологией их регулирования. Анализируются мнения ученых-цивилистов об особенностях семейных правоотношений и показываются их отличия от гражданских правоотношений. Автором вносятся предложения по основам договорно-правового регулирования семейных правоотношений.

Ключевые слова: семейные отношения, право, обязательство, взаимное доверие, имущественные отношения, личные неимущественные отношения, регулирование, договор, закон, норма, члены семьи, субъект, объект, семейное право, гражданское право.

Abstract: In the article, the author analyzes issues related to the state policy being implemented to strengthen the institution of the family, the peculiarities of family relations, as well as the methodology of their regulation. The opinions of civil scientists on the peculiarities of family legal relations are analyzed and their differences from civil legal relations are shown. The author makes proposals on the basics of regulatory legal regulation of family legal relations.

Keywords: family relations, law, obligation, mutual trust, property relations, personal non-property relations, regulation, contract, law, norm, family members, subject, object, family law, civil law.

Мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган кенг камровли ижтимоий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини оила манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг жамиятдаги муҳим ижтимоий институт ва баркамол авлодни тарбиялаш ўчоғи сифатида мустақамлаш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-тарбиявий асосларини қўллаб-қувватлашга, репродуктив саломатликни асраш борасидаги тизимли ишлар ташкил этмоқда. Оила эркак ва аёл ўртасидаги расмий никоҳга асосланган, ота-она ва фарзандлар

ўртасидаги муносабатлардан ташкил топган, жамиятнинг ахлоқий меъёрлари ва қоидалари қўллаб-қувватланадиган, инсоният маданиятини келажак авлодга етказиб берадиган ва уни ривожлантирадиган бирламчи ижтимоий гуруҳ ҳисобланади.

Бугунга келиб оила институти ва гендер тенглигига эришиш борасида янги тизим жорий қилиниб, оилалар билан ишлаш механизмлари такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартда «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-81-сон Фармони [8] ҳамда шу куни «Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-146-сон қарори [9] имзоланиб, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, оила институтини мустақамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Шунингдек, давлат раҳбарининг 2022 йил 7 мартдаги «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-87-сон Фармони [10] билан 2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур ҳамда 2022-2023 йилларда дастурни амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаси қабул қилиниб, унда оила институтини мустақамлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш, демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустақамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш каби 20 га яқин чора-тадбирлар белгилаб берилди. Албатта мазкур чора-тадбирлар орасида оила қонунчилигини такомиллаштириш ҳам алоҳида аҳамиятлидир.

Маълумки, оилавий муносабатлар ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ушбу муносабатлар ишонч ва ҳурмат, ўзаро меҳр муҳаббат асосига қурилганлиги, улар ижтимоий ҳаётнинг турли нормалари: жумладан, ҳуқуқ нормалари, ахлоқ нормалари, урф-одат, диний қоидалар билан тартибга солиниб келиниши билан ажралиб туради. Зеро, оила қонунчилиги оилавий муносабатларни тартибга солишда оилани мустақамлаш, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуриш, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймаслик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўқинликсиз амалга ошириши ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш кабиларни ўз олдида вазифа қилиб белгилайди.

Назарияда оила ҳуқуқининг алоҳида мустақил тармоғи эканлиги борасида олимлар ўртасида ўзаро баҳслар кузатилади, ушбу баҳсларда оилавий муносабатларни тартибга солишда оила ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқи нормаларининг ўзаро нисбати ҳамда фарқларига аҳамият бериб ўтилади. Бу борада иккита ёндашувни кузатиш мумкин [4]. Биринчи гуруҳ олимлар оила ҳуқуқининг мустақил ҳуқуқ соҳаси эканлигига

эътироз билдириб, улар уни фуқаролик ҳуқуқининг тармоқ ости соҳаси деб тан оладилар, улар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ва оилавий ҳуқуқий муносабатлар бир хил хусусиятга эгаллиги ва айни доирада эканлигини айтиб ўтадилар. Мулкий ва шахсий номулкий муносабатлар субъектларнинг тенглиги, фуқаролик ҳуқуқига характерли бўлган императив ва диспозитив методларни асос сифатида келтиришади (О.С.Иоффе, М.В. Антольская, А.П. Сергеев). Бошқа тадқиқотчилар эса оила ҳуқуқини мустақиллигини исботлашга ҳаракат қиладилар ва ҳимоя қиладилар.

Оила ҳуқуқи биринчи навбатда номулкий муносабатларни тартибга солади ва кейинги ўринда эса, улар асосида вужудга келувчи мулкий муносабатларни тартибга солади. Оила ҳуқуқи никоҳ ва қариндошлик билан боғланган фуқаролик ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Севги, никоҳ, ҳурмат, шахсий эркинлик ва болалар тарбияси—оилавий муносабатлардаги номулкий алоқаларнинг категорияларидир. Оила ҳуқуқи мулкий муносабатлар билан билвосита боғлиқ бўлиб, оилавий муносабатларни вужудга келишида биринчи навбатда шахсий номулкий муносабатлар ўрин эгаллайди. Улар ўз навбати бўйича моддий аҳамият касб этмайди. Оила ҳуқуқида мулкий муносабатлар шахсий номулкий муносабатлардан алоҳида ҳолда кўриб чиқилмайди. Фуқаролик ҳуқуқи мулкий муносабатларни тартибга солади, бундай муносабатларга иштирокчининг шахси билан боғлиқ ҳолат муҳим саналмайди. Фуқаролик ва оила ҳуқуқи ўртасидаги фарқ ушбу муносабатларнинг субъектив таркиби бўйича таснифида намоён бўлади. Оилавий ҳуқуқий муносабатларда юридик шахслар иштирок эта олмайдилар. Фуқаролик муносабатларида асосий шакл бу шартнома ҳисобланади [5].

Эр-хотин ўртасидаги шахсий муносабатлар, мулкий муносабатларга нисбатан кенгроқ ва оила турмуш доирасида катта роль ўйнайди. Оилавий муносабатлар ҳақида гапирганда фактик оилавий муносабатлар ва оилавий ҳуқуқий муносабатлар ўртасидаги фарқни ҳам кўрсатиб ўтиш ўринлидир, чунки оилавий муносабатларнинг барчаси ҳам ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинмайди. Мисол учун, оила аъзолари ўртасидаги ахлоқий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинмайди, чунки улар шахсий характерга эга. Оилавий муносабатлар тушунчаси оилавий ҳуқуқий муносабатлар тушунчасидан анча кенг [2].

Оилавий муносабатларнинг оилавий ҳуқуқий муносабатлардан кенглигини уларнинг давом этувчи характерда эканлиги, текинга ҳақ эвазига эмас эканлиги, оилавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келиши учун алоҳида юридик фактлар юзага келиши талаб этилади, хусусан, туғулиш, никоҳни тузиш ва бекор қилиш, фарзандликка олиш кабилар.

Оилавий ҳуқуқий муносабатлар шахсий характерга эгаллиги уларни ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш муҳимлигини кўрсатади. Шу нуқтани назардан қуйидаги хусусиятлар уларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан фарқини намоён қилади:

биринчидан, оилавий муносабатлар субъект таркиби билан ўзига хосдир [6]. Ушбу муносабатларда юридик шахслар, давлат субъект сифатида иштирок этмайди, фақат жимоний шахслар иштирок этадилар. Булар эр-хотин, ота-она, фарзандлар, бува, буви, набира ва бошқа қариндошлар тутинган ота-она. Улар биологик қариндошлик ва юридик жиҳатдан боғланган

қонунда белгиланган мажбуриятлар билан ўзаро боғланган. Фуқаролик муносабатларида исталган шахслар субъект бўла олади.

иккинчидан, оилавий муносабатларни ўзига хос хусусиятидан яна бири уларнинг ишонч асосида қурилганидир. Ишонч асосида қурилганлик хусусиятини И.Александров[1] оилавий муносабатларнинг наслни давом эттиришлик, болаларни тарбиялаш, оила аъзоларининг муҳим ижтимоий номулкий манфаатларини таъминлаган ҳолда эр ва хотин, ота-она ва болалар, бошқа қариндошларнинг ўзаро мажбурият ва ҳуқуқларини назарда тутилишини таъкидлаб ўтади.

учинчидан, оилавий муносабатларнинг шахсий характердалиги ҳамда уларнинг мулкий муносабатларга нисбатан устувор эканлиги. Шахсий муносабатлар мулкий муносабатларни юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун асос ҳисобланади. Шахсий оилавий муносабатларнинг мазмунини мулкий муносабатларни мазмуни белгилайди.

тўртинчидан, мулкий муносабатлар ҳам шахсий характер касб этиши мумкин, вакилликни чеклашиши ва ҳуқуқий ворисликни йўл қўйилмаслигида намоён бўлади. Оилавий муносабатларда тенглик даражаси ҳам аҳамиятга эга.

бешинчидан, оилавий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро бир-бирига яқинлиги. Бу оила ҳуқуқининг ахлоқий нуқтаи назардан асосланган бўлишлигини, ахлоқий категориялар оила қонунчилигида мустаҳкамлашини ҳамда шахснинг ахлоқий характеристикаси ва вазият суд томонидан оилавий масалаларни ҳал қилишда муҳим ўрин эгаллаши билан намоён бўлади. Мисол учун, севи ҳиссининг йўқолиши ажримга сабаб бўлади, она ҳулқ атворининг нотўғрилиги фарзандни отага олиб берилишига сабаб бўлади, бола асраб олган шахс томонидан номақбул ҳатти-ҳаракатлар содир бўлса, фарзандликка олиш тўғрисидаги шартномани бекор бўлишига сабаб бўлади.

олтинчидан, барча оилавий ҳуқуқий муносабатлар, жумладан шартнома асосида вужудга келганлари ҳам “давом этувчи” хусусиятга эгадир. Айрим оилавий ҳуқуқий муносабатлар юридик фактларнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Баъзилар шартнома муддатига алимент муносабатлари муаян ёшга тўлиши баъзилари оила қонунчилигида белгиланган муддатга кўра, юридик фактлар уларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бекор бўлиши, билан фарқланади. Оилавий муносабатлар қариндошлик, никоҳ, маъмурий суд актлари ва шартномавий муносабатлардан ҳам ташкил топади, фуқаролик муносабатлари эса, шартнома асосида вужудга келади. Ф.Отахўжаев[7] оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг давомийлилик хусусиятига алоҳида тўхталиб ўтиб, бу хусусият ҳуқуқий муносабатнинг мақсадлари билан белгиланишини таъкидлайди. Никоҳ тузишдан мақсад оила қуриш бўлиб, у эр-хотиннинг бутун умри давомида бирга яшашга мўлжалланади. Ота-оналик ҳуқуқий муносабати болаларнинг тарбияси ва таъминотига қаратилади. Оилавий ҳуқуқий муносабатлар муддатсиз бўлади. Эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳдан ажралош ҳолатини ҳисобга олмаганда бир умр давом этади. Айни пайтда шундай оилавий ҳуқуқий муносабатлар ҳам мавжудки, улар маълум муддат билан чекланади, бироқ белгиланган давргача албатта давом этади. Масалан, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбиялаш

мажбуриятлари фарзанд 18 ёшга тўлгунига қадар давом этади.

еттинчидан, оилавий муносабатларнинг мазмунини никоҳ, оила, ҳомийлик ва васийлик борасидаги ҳуқуқ ва мажбурият ташкил қилади, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар ташкил этади.

саккизинчидан, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар юридик жиҳатдан тенг, мулкий характердаги ташкилий жиҳатдан белгилаб қўйилган субъектлар ўртасидаги алоқа тушунилади. Улар мол-мулк, ишлар, хизматлар ва номоддий неъматлар юзасидан вужудга келади, фуқаролик ҳуқуқи нормаларига асосланган. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни вужудга келишига ҳаракатлар, ҳодисалар кўринишидаги юридик фактлар асоси бўлади[3]. Цивилистлар таърифига кўра, оилавий муносабатлар асосида жисмоний эҳтиёжлар ва ахлоқий хислар мужассам, фуқаролик муносабатларида эса хўжалик эҳтиёжлари мавжуд.

Демак, оилавий муносабатлар катта гуруҳдаги доимий такомиллашиб боровчи хусусиятга эга бўлган муносабатлар ҳисобланади, оилавий ҳуқуқий муносабатлар эса, оила ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган оилавий муносабатларнинг айрим гуруҳлари ҳисобланади. Оила қонунчилиги доирасида тартибга солинадиган муносабатларни икки тоифага ажратамиз: шахсий номулк муносабатлар ва мулк муносабатлар. Шахсий номулк муносабатларни тартибга солиш имконининг чегараланганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 4-бобида эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилади. Мазкур бобда эр ва хотиннинг шахсий номулк ҳуқуқлари сифатида оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги, эр ва хотиннинг фамилия танлаш ҳуқуқи, эр-хотиннинг болалар тарбияси ва оила турмуши масалаларини ҳал қилиши, эр ва хотиннинг машғулот тури, касб ва турар жой танлаш ҳуқуқлари каби ҳуқуқлари белгиланган. Юридик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, олимлар томонидан мулк муносабатларни тартибга солишга оид масалалар кўпроқ таҳлил қилиниб ўрганилган, шахсий номулк муносабатларни тартибга солиш қонунчилиқда ҳам тор доирада берилган бундан ташқари уларни барчасини қонун нормаси билан тартибга солиш имконияти йўқлиги аниқ. Бу жиҳатдан олиб қараганда, қонуншунос оилавий муносабатларни тартибга солишнинг шартномавий усулидан фойдаланишга имконият яратади. Бугунги кунга келиб, *оилавий-ҳуқуқий шартнома* оила аъзоларининг қонун нормаси билан тартибга солиш имконияти бўлмаган жиҳатларни, тарафларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олишларига имкон яратади ҳамда оилавий муносабатларни тартибга солишнинг ўзга хос механизми саналади. Оилавий ҳуқуқий шартномалар фуқаролик ҳуқуқий шартномалардан ўзининг субъектлар доираси, шакли, шартномани тузиш принциплари ва бажарилиши ҳамда жавобгарлиги нуқтаи назардан фарқланади. Оилавий ҳуқуқий шартномаларни фақат оила аъзоларининг ўзларигина туза оладилар, яъни бу борада шартнома субъектлари сони ҳамда шартнома тарафи сифатида ўзга шахсларни танлаш имконияти чегараланганлигини кузатиш мумкин.

Оила қонунчилигини таҳлилида бугунги кунда оилавий ҳуқуқий шартномаларнинг қуйидаги турлари

белгилаб берилганлигини кўриш мумкин. Мулк муносабатларни тартибга солишга қаратилган шартномалар сирасига, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш (27-модда), никоҳ шартномаси (29-модда), ота-она ва вояга етмаган болалар умумий мол-мулкни вужудга келтириш тўғрисида келишув (92-модда), алимент тўлаш тўғрисидаги келишув (100, 118-моддалар, 17-боб)лар киради. Шахсий номулк муносабатларни тартибга солувчи шартномалар сифатида эса, ота-онанинг келишувига биноан болага исм, ота исми бериш (69, 208-моддалар), ота-онанинг келишувига биноан ота-она алоҳида яшаганда болаларнинг қаерда яшаш жойини белгилаш (75-модда), ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота(она)нинг ота-оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида келишув (76-модда), болаларни оилага тарбияга олиш тўғрисидаги келишув (195-модда) белгиланган.

Амалиёт таҳлилларга кўра, никоҳ шартномаси 2017 йилда 126 та, 2018 йилда 219 та, 2019 йилда 423 та, 2020 йилда 1004 та ва 2021 йилда 2749 та тузилганлиги алимент тўлаш ҳақида келишув 2021 йилда 77 тани ташкил қилган. Бундан айтиб ўтишимиз мумкин, шартномалар тузиш ҳам кейинги давр ичида ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Умумий никоҳ сонига нисбатан тузилган никоҳ шартномаларининг улушига аҳамият қаратадиган бўлса, 2017 йилда жами 306 197 та никоҳ расмийлаштирилган бўлса, шу йили тузилган никоҳ шартномаси 00, 4% ташкил этган, 2021 йилда 305 211 та никоҳ расмийлаш-тирилган бўлиб, уларнинг 2749 таси никоҳ шартномаси тузганлигини ва бу фоизда 0, 9 ни ташкил этган.

Шу ўринда фуқаролар томонидан оилавий муносабатларни шартнома орқали тартибга солиш усулидан деярли оз фойдаланилаётганлигини, шунингдек, бу борада қонунчиликда ҳам бир қатор ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлаш ўринли. Мисол учун, никоҳ шартномаси билан фақат мулк муносабатлар тартибга солинади. Мазкур шартномани тузиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида у орқали шартномавий муносабатларни ҳам тартибга солиш имкониятини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бундай амалиёт АҚШ ва Европа давлатларида мавжуд бўлиб, уларда эр-хотин ўртасида никоҳ шартномасини тузиш ҳолатлари кўплай учрайди. АҚШда (27 штатда қабул қилинган) “Никоҳгача ва никоҳ давридаги никоҳ шартномалари тўғрисида”ги Ягона қонунида шахсий номулк муносабатларни тартибга солиш ўз аксини топган. Беларусь давлатининг Никоҳ ва оила кодексининг 13-моддасида шахсий номулк муносабатлар ва мулк муносабатларни тартибга солиши белгиланган. Шахсий номулк муносабатларни киритиш, шартнома тарафларига оилавий муносабатларни шартнома орқали тартибга солишда эркинликни яратади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, оилавий муносабатларни шартномавий ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда оила ҳуқуқида оилавий-ҳуқуқий шартнома институти такомиллаштиришда эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатлар қуйидагилар ҳисоблаймиз:

биринчидан, оила ҳуқуқи методологиясида оилавий ҳуқуқий шартномалар асосида вужудга келувчи мажбуриятларни бажаришни таъминлаш ва оилавий шартномавий жавобгарликка оид масалаларни ишлаб чиқиш;

иккинчидан, оилавий-ҳуқуқий шартномаларни қўллаш кўламини кенгайтириш, айниқса шахсий

номулкий муносабатларни тартибга солувчи шартномаларни тузиш имконини кенгайтириш.

учинчидан, оила аъзоларининг ўз ҳуқуқларини шартнома орқали амалга ошириш ва таъминлаш имкониятлари ҳақидаги ҳуқуқий маданиятини ошириш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, оилавий муносабатлар ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги сабабли ҳамма вақт ҳам қонун нормаси билан тартибга солинмаслиги мумкин, ана шундай тоифадаги муносабатлар сирасига шахсий номулкий муносабатлар киради. Оила ҳуқуқида оилавий ҳуқуқий шартномалар институтини такомиллаштириш зарурати мавжуд, зеро бугунги кунда оила аъзолари томонидан тузиладиган шартномалар барчаси ўзига хосликка эгадир, уларни таснифлаш ҳамда ҳар бири алоҳида тадқиқот объектилигини инобатга олган тарзда ўрганиш ва тадқиқ қилиш, фуқароларнинг мазкур шартномаларни расмийлаштириш амалиётини хусусан, фуқароларнинг шартнома орқали ўз муносабатларини тартибга солиш бўйича фикрларини ўрганиш ўрганиш, социологик тадқиқотлар ўтказиш ҳам муҳим саналади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Александров И.Ф. Правовое регулирование семейных отношений: соотношение семейного и гражданского права. Автореф...дис.канд.юр.наук. Самара 2004. 7-с.

2. Елисеева Г.В. Правовые основы регулирования семейных отношений в РФ.// Вестник Сибирского института бизнеса и информационных технологий. 2014 № 3 (11) 42- с.

3. Константинова Ю.В. «Семейное и гражданские правоотношения: сравнительно-правовой аспект» Вестник московского университета МВД России» № 8, 2009. 101-105 стр.

4. Кокова Д.А. Содержание семейных правоотношений. Дисс.канд.юр.наук. Москва. 2017. 173 с.

5. Кудрявцева Л.В. Мосная Е.И. Проблема соотношения гражданского и семейного права // Аграрное и земельное право. 2021 й.№ 3 (195) 68- с.

6. Лушников А.М. Лушников М.В. Тарусина Н.Н. Договоры в сфере семьи, труда и социального обеспечения(цивилистическое исследование) Учебное пособие. Ярославль 2008. 35-40 бет.

7. Отахўжаев Ф. М. Ўзбекистон Республикаси никоҳ тўғрисидаги қонунларининг ривожланиши ва уларни такомиллаштириш муаммолари. Дисс.юр.ф.доктори. Тошкент 2000, 136-137- б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-81-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/5884143>

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-146-сон Қарори // <https://lex.uz/docs/5884084>

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-87-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/5899498>

Д.Имамалиева

преподаватель кафедры Международное частное право Ташкентского государственного юридического университета

РАЗЛИЧНЫЕ ПОДХОДЫ К ПОНИМАНИЮ ТЕРМИНА ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА

Аннотация: Ушбу мақолада шахсни жавобгарликка тортиш муддатининг билан иш юритишни рад этиш ёки тугатиш билан боғлиқ процессуал муаммолари ва мазкур масалаларнинг ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатлари тадқиқ этилган. Тадқиқотда жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблашнинг қонунчилик қамраб олмаган томонлари ва ушбу муносабатларда моддий зарарни қоплаш билан боғлиқ процессуал муаммолар ёритилган. Тадқиқот ишида илғор хорижий тажриба, илмий-назарий қарашлар ва тергов ҳамда суд амалиёти ўрганилган, бунинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон Республикаси, Жиноят-процессуал кодексига ва бошқа қонун ҳамда қонуности ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: жавобгарликка тортиш муддати, узоққа чўзилган жиноят, давомли жиноят, жиноят ишини тугатиш, рад этиш, моддий зарар, айбланувчи, гумон қилинувчининг вафоти, терговга қадар текширув, жиноят иши.

Аннотация: В данной статье исследуются процессуальные проблемы, связанные с отказом или прекращением производства по делу со сроком ответственности физического лица, и аспекты правового регулирования этих вопросов. В исследовании рассматривались аспекты незаконодательного охвата расчета сроков ответственности и процедурные проблемы, связанные с возмещением материального ущерба в этих отношениях. В исследовательской работе был изучен передовой зарубежный опыт, научно-теоретические взгляды и следственная и судебная практика, в результате чего были разработаны предложения и рекомендации по внесению соответствующих изменений и дополнений в уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан и другие законодательные акты.

Ключевые слова: срок привлечения к ответственности, затянувшееся преступление, длящееся преступление, прекращение уголовного дела, отказ, материальный ущерб, обвиняемый, смерть подозреваемого, досудебное расследование, уголовное дело.

Abstract: This article examines the procedural problems associated with the refusal or termination of proceedings in a case with a period of responsibility of an individual, and aspects of legal regulation of these issues. The study examined aspects of non-legislative coverage of the calculation of liability periods and procedural problems related to the compensation of material damage in these relations. In the research work, advanced foreign experience, scientific and theoretical views and investigative and judicial practice were studied, as a result of which proposals and recommendations were developed for making appropriate amendments and additions to the Criminal

Procedure Code of the Republic of Uzbekistan and other legislative acts.

Keywords: term of prosecution, protracted crime, continuing crime, termination of criminal case, refusal, material damage, accused, death of suspect, pre-trial investigation, criminal case.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда чуқур ижтимоий ислохотлар амалга оширилиши даврида, шахсга нисбатан иш юриштириш рад этиш ёки тугатиш йўли билан жавобгарликдан озод қилиш борасидаги ҳуқуқий меъёрларни такомиллаштириш, соҳага оид жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасини амалиётга жорий этиш, шунингдек, одил судловнинг негизи бўлган жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва суриштирув ва дастлабки тергов процессини ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим саналади.

Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёев, “Одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётидан воз кечиш вақти келди. Шу нуқтаи назардан, фаолиятимиз, биринчи навбатда, айбдор шахсни жавобгарликка тортиб, унга «судланган» деган тамғани босишга эмас, аксинча, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасига қаратилиши зарур” [1, 52-6] деб таъкидлайдилар.

Дарҳақиқат давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, шахсларда қонунларга итоат руҳини шакллантиришда, адолатлилик, жавобгарликнинг муқаррарлиги ва энг муҳими инсонпарварлик тамойиллари муҳим саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонида етти устувор йўналишдан бири бўлган, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш йўналишида “Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш” кўрсатиб ўтилган [2]. Мазкур масалалар Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат мақомини мустаҳкамлаш, мамлакатимиздаги ҳар бир шахснинг хусусан, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-бандида назарда тутилган шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, жиноят иши тугатилиши ёки иш қўзғатилиши рад этилиши мумкин. Мазкур рад қилишни ташкил қилувчи асоснинг амалиётда қўллаш лозим бўлган баъзи бир мавҳум жиҳатлари мавжуд. Қуйида мазкур ҳолатларга тўхталиб ўтамиз.

Хусусан, қонунчиликда иштирокчиликда содир этилган, узоққа чўзилган ва давомли жиноятлар бўйича жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблашни аниқ меъзонлари белгилаб қўйилмаганлиги амалиётда баъзи мавҳумликларни келтириб чиқаради. Чунончи, иштирокчиликда содир этилган, узоққа чўзилган ва давомли жиноятларнинг асосий қисми иқтисодий турдаги ёки мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятлар ташкил қилади. Ушбу турдаги жиноятчилик статистикаси ҳам содир этилган жиноятлар орасида мазкур турдаги жиноятларнинг кенг тарқалганлигини асослайди ва шу сабабли жавобгарликка тортиш муддатларини

ҳисоблаш ва етказилган моддий зарарни ундириш билан боғлиқ масалалар муҳим саналади.

М.Х.Рустамбаевнинг фикрига кўра, жиноий жавобгарликка тортиш муддати – жиноят содир этилган пайтдан бошлаб то ҳукмнинг қонуний кучга кирган пайтигача қонунда ўрнатилган муддатларнинг тугаши, шундан сўнг жиноятни содир этган шахс, тегишли шартлар мавжудлигида жиноий жавобгарликдан озод қилиниши лозим [3, 162-6].

М.Х.Рустамбаев яна “Жиноий жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблаш иштирокчилар ўртасида роллар тақсимланганда қийинчилик туғдиради. Жиноят кодекси 28-моддасига кўра иштирокчиликда содир этилган жиноятларда бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчилар иштирок этади. Бажарувчи жиноятнинг объектив томонини бажарган вақтидан бошлаб жавобгар ҳисобланади. ... Ташкилотчи жиноят қонунига кўра, экцесс бажарувчини истисно этганда иштирокчилар томонидан содир этилган барча жиноятлар учун жавобгар бўлади.... Далолатчини жиноий жавобгарликка тортиш муддати, у томонидан далолатчилик ҳаракати амалга оширилган вақтдан бошлаб ҳисобланади. ... Иштирокчиликда содир этилган жиноятларда ёрдамчи ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, унинг жисмоний ёрдамчилик қилганида (жиноят содир этиш учун қурол етказиб бериш) жавобгарликка тортиш муддати охириги ҳаркат содир этилган вақтдан ҳисобланади.

Узоққа чўзилган жиноятларда жиноий жавобгарликка тортиш муддати жиноятнинг фактик жиҳатдан тугаганлигини белгиловчи ҳолат (айбдорнинг айбини бўйнига олиши ёки унинг ушланиши)нинг юзага келиши билан бошланади. ... Давомли жиноятларда жиноий жавобгарликка тортиш муддати айбдорнинг ягона қасди асосида содир этилган охириги жиноий ҳаракатнинг тугаши билан ўтишни бошлайди” [4, 436-443-6] деб ҳисоблайди.

М.Х.Рустамбаевнинг фикрлари ўринли, умуман жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблашда ва ушбу муносабат билан боғлиқ ҳуқуқ нормаларида моддий ва процессуал жиҳатларни комплекс ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш муҳим саналади, сабаби процессуал нормалар моддий нормаларни хаётга тадбиқ этилишини таъминлайди ва шундагина ўз натижасини беради деган фикрдамыз. Чунончи, жавобгарликка тортиш муддатларини ўтганлиги асоси билан иш юриштириш рад этиш ва тугатишда моддий зарарни ўрни қоплаш билан боғлиқ масалаларни процессуал нормалар ўзида қамраб олмаган.

З.С.Зариповнинг фикрига кўра “Узоққа чўзилган жиноятларга нисбатан муддат ўтиши уларнинг айбдорнинг ташаббуси бўйича тўхтатилган пайтидан ёки унинг иродасига қарши уларнинг тўхтатиб қўйилиши пайтидан бошлаб, давомли жиноятларга нисбатан эса, давомли жиноятни ташкил қилувчи қилмишлардан охириги жиноий хатти-ҳаракатни содир этган вақтдан бошлаб ҳисобланади. Иккита ҳаракатдан ташкил топган жиноятларни содир этишда, жазо муддати ўтиши охириги жиноий ҳаракат содир этилган кундан ҳисобланади” [5, 385-389-6]. Мазкур фикрларда ҳам айнан муддатларни ўтишини ҳисоблашда узоққа чўзилган жиноятларда айбдорнинг жиноий ҳаракати тўхтатилган пайтидан, давомли жиноятларда охириги жиноий ҳаракат содир этилган вақтдан ҳисобланиши жиноий ҳуқуқий нуқтаи назардан тўғри бўлиши билдирилган.

ЖКнинг 64-моддаси 2-қисмида “Жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланади.” дея белгилаб қўйилган. Мазкур нормадаги “жиноят содир этилган кун” жумласининг ҳуқуқий шарҳида олимлар куйидагича фикр билдирадilar.

Т.Р.Кучкаровнинг “жиноят содир этилган кун деб, жамоат учун хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилган пайт ҳисобланади”[5, 385-389-б] дейди.

Хорижий олимлардан О.Амарсайхан ҳам юқоридаги каби олимларнинг фикрлари билан ўхшаш фикрларни билдириб, узоққа чўзилган ва давомли жиноятларда жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблаш муҳим эканлигини ва шу билан бирга бошқа жиноятлар ўхшамайдиган жиноят ҳақида хабар бермаслик жиноятини жавобгарликка тортиш муддатини ҳисоблашда субъектнинг амалда ҲМҚОга хабар бериш имконияти бўлган кундан бошлаб ҳисобланиши лозимлигини билдирган [6, 107-113-б].

В.Д.Борисова ҳам юқорида келтирилган таърифларни қонунчиликда мустаҳкамлаш лозимлигини билдириб, жавобгарликка тортиш муддатлари тергов ва суд жараёнларининг чўзилиб кетаётганлиги сабабли жавобгарликка тортиш муддатларини дифференциал муддатларини узайтириш лозимлигини билдирган [7, 109-115-б].

Юқоридаги ҳолатларда жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблашнинг меъзонлари, ҳамда моддий зарарни ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалаларни қонунчилик билан мустаҳкамлашни лозим эканлигини амалиётчи ходимлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижалари ҳам тасдиқлади[8].

Шунингдек, амалдаги ЖКнинг 64-моддаси 4-қисмида агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс белгиланган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилиши белгилаб қўйилган бўлиб, бу борада олимлар қонуннинг мазкур шартини жиноят ва жиноят процессуал қонун вазифаларини бажарилмай қолишига олиб келишини билдирганлар[9, 68-б].

Бу борада хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилигида турли хил муносабат белгилаб қўйилган, жумладан Россия Федерацияси ЖКнинг 78-моддаси 2-қисмида шахс оғирлик даражасидан қатъий назар янги жиноят содир этса ҳар бир жиноят учун муддатлар алоҳида ҳисобланади[10]. Беларусь Республикаси ЖКнинг 83-моддаси учинчи қисмида шахснинг жиноятнинг тоифасидан қатъий назар қасддан янги жиноят содир этиши билан муддатнинг ўтиши узилади, бундай ҳолда муддат янги содир этилган кундан бошлаб ҳар бир жиноят учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади белгиланган[11]. Украина ЖКнинг 49-моддаси учинчи қисмида шахс ўрта оғирликдаги, оғир ёки ўта оғир янги жиноят содир этса, муддат узилади ҳамда янги жиноят содир этилган кундан бошлаб муддат ҳисобланади, бундай ҳолда ҳар бир жиноят учун муддат алоҳида ҳисобланади, яъни бунда фақат шахс қайта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган тақдирда муддатлар узилмайди[12].

Бугунги кунда амалдаги ЖКга мувофиқ, муддатларнинг ўтиши куйидаги ҳолатларда узилмайди: – шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганидан кейин қасддан янги жиноят содир этса; – шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганидан кейин эҳтиётсизлик

орқасида янги жиноят содир этса; – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганидан кейин эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этса. Бундай ҳолатларда муддатларнинг ўтиши ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади ва бир-бирига таъсир кўрсатмайди.

Бу борада олимлар шахс ЖКда белгиланган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этиши шахснинг ижтимоий хавфлиги йўқолмаганлигини ва шу тўғрисида оғирлик даражасидан қатъий назар ЖКда белгиланган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этганда муддатнинг ўтиши узилиши лозимлигини қонунчиликка киритиш таклифини илгари сурган[13, 331-338-б].

Юқоридаги назарий-ҳуқуқий муаммоларни ташқари жиноят иши бўйича ёки терговга қадар текширув ҳужжатлари бўйича қабул қилинган қарорларда моддий зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатлар процессуал тартиби ҳал этилмаганлиги кузатишимиз мумкин.

Б.Муродовнинг фикрига кўра бугунги кунда суриштирувчи ва терговчилар ўртасида жавобгарликка тортишнинг муддатлари ўтганлиги сабабли жиноят ишларини тугатишда айбланувчи тариқасида жалб этилиши лозим бўлган шахсларнинг аниқланмаган ҳолларда ЖПКнинг 367-моддаси 3-қисми ва айбланувчи аниқ бўлганда шу билан бирга жавобгарликка тортиш муддати ўтган ҳолларда ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1-бандига асосан жиноят ишлари тугатилаётганлиги сабабли процессуал қонунчилик талаблари бузилаётганлигини билдириб, 84-модданинг 1-қисми 1-бандига 2 та асосни киритиш лозимлигини яъни: 1) айбланувчи сифатида жалб этилган шахснинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган бўлса; 2) қонунда белгиланган муддатда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган бўлса дея ўзгартиришни таклиф этган[9, 64-б].

Б.Муродовнинг фикрларига қўшилган ҳолда шуни эътироф этиш лозимки, бугунги кунда амалиётда тугатилаётган жиноят ишларининг асосий қисми айбланувчи тариқасида жалб этилиши лозим бўлган шахс аниқланмаган ишлар бўйича жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтиб кетганлиги асоси билан тугатилмоқда. Бироқ шу билан бирга терговга қадар текширув ҳужжатлари натижасига кўра ва айбланувчи шахси аниқ бўлган жиноят ишлари юзасидан иш юритуви рад этилаётган ва тугатилаётган ҳолларда мазкур иш бўйича моддий зарарни қоплаш билан боғлиқ масалалар қонунчиликда назарда тутилмаганлиги давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказмоқда. Шу сабабли Б.Муродовнинг фикрларига қўшимча қилган ҳолда, “айбланувчи сифатида жалб этилган шахснинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган бўлса” асосига қўшимча равишда етказилган моддий зарар ўрни қопланиши лозимлиги мазкур асосни қўллашнинг зарурий шартини сифатида белгилаш лозим деган фикрдамиз.

ЖПКнинг 295-моддасида Мол-мулк хатланганлигини бекор қилиш асослари нормасида “Оқлов ҳукми қонуний кучга кирганда, жиноят иши тугатилганда, шунингдек фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ҳамда фуқаровий даъвони қаноатлантириш юзасидан кўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда мол-мулкнинг хатланганлиги бекор қилинади.”[14] дея белгилаб қўйилганлиги амалиётда мазкур

муносабатларда баъзи муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Жумладан, суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳукмининг фуқаровий даъвога ва бошқа мулкрий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни хатлаши шарт, бироқ жиноят иши тугатилган ҳолларда фуқаровий даъво ёки моддий зарар ундирилишидан қатъий назар мазкур хатлов бекор қилиниши лозим бўлади. Хусусан, Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси иш юритувида «NAVOI CORPORATION» МЧЖнинг таъсисчисига нисбатан ЖКнинг 228-моддаси билан Чилонзор тумани прокуратураси томонидан кўзғатилган 32/19-1227-сонли жиноят иши 2019 йил 12 апрелда кўзғатилган бўлиб, орадан 3 йил ўтган бўлса-да, ҳалигача ҳеч қандай якуний қарор қабул қилинмаган. Хужжат сохталаштириш ҳолатининг ўзи 2006 йилда содир этилгани (16 йил ўтган) учун терговчилар томонидан жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги асоси билан жиноят иши бир неча бор тугатилган. Шунингдек, прокуратура органлари томонидан жиноят ишини тугатиш бўйича қарор бекор қилиниб, бир неча бор қайта тикланган. 2021 йил 28 январ куни терговчи томонидан ЖПК 290-моддаси асос қилиниб, компанияга тегишли мол-мулк хатланган. Бироқ «NAVOI CORPORATION» МЧЖ мол-мулклари хатлангандан буён жиноят иши 2 марта тугатилган бўлса-да, хатлов ҳалигача олиб ташланмаган[15].

Юқоридаги жиноят иши бўйича қуйидаги ҳулосага келишимиз мумкин бўлади, **биринчидан**, жиноят ишини тугатиш учун етарли асослар мавжуд бўлсада, давлат ва жамият манфаатларига моддий зарар етказилганлиги сабабли ўрни қопланиши лозим бўлган мазкур зарар ундирилмаган, ундириш воситаси сифатида қўлланилиши лозим бўлган нормада (ЖПК 290-м) эса жиноят ишини тугатиш билан боғлиқ ҳолларда хатловни бекор қилиш лозимлигини белгилувчи норма мавжуд (ЖПК 295-м)лиги сабабли жиноят иши бўйича моддий зарарни ундиришда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Иккинчидан, жиноят ишини тугатиш асоси сифатида белгиланган жавобгарликка тортишнинг муддати ўтганлиги асоси билан параллел равишда моддий зарар ўрни қопланиши лозимлиги мажбурияти белгиланмаганлиги сабабли суд-тергов амалиётида тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Учинчидан, қонунда жиноят ишини тугатиш ва қайта бошлаш чегараси белгиланмаган, яъни юқоридаги жиноят иши бўйича жами 7 мартаба жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва ушбу қарорлар прокуратура томонидан бекор қилиниб қўшимча тергов учун юборилган. Шунинг учун жиноят иши кўзғатилганидан кейин у абадий тергов қилиниши мумкин, бундан фақат фуқаролар ва юридик шахслар жабр кўради, деган ҳулосага келиш мумкин.

Тўртинчидан, мазкур жиноят ишида юридик шахснинг манфаатларини химоя қилаётган томоннинг фикрига кўра, мол-мулк хатлангани натижасида компания бир йилдан бери ўзига тегишли мол-мулкларни тасарруф этолмаяпти. Бу эса компанияга зарар келтираётганлигини билдиришмоқда [15].

20.04.2021 йилдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 13-сонли Қарориди Шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи

амнистия актига зид равишда ёки жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтганидан сўнг жиноят иши кўзғатилган ҳолларда, ҳукм, гарчи унда маҳкум жазодан озод қилинган бўлса-да, бекор қилиниб, иш тугатилиши кераклиги белгилаб қўйилган[16].

Олий суд Пленумининг Қарорининг мазкур бандида ҳам жавобгарликка тортиш муддатининг ўтганлиги ҳолатида кўзғатилган жиноят ишлари бўйича хатто жазо тайинланмаган ҳолларда ҳам ҳукм бекор қилиниши ва жиноят иши тугатилиши лозимлиги белгиланган. Шундай бўлсада, Пленум қарори моддий зарарни қоплаш билан боғлиқ масалалар кўзда тутилмаганлиги ҳамда қарорининг ушбу банди ЖПК талабларига зид эканлигини англашимиз мумкин, жумладан, ЖПКнинг 84-моддаси 2-қисмида агар айбланувчи, судланувчи талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкинлиги, бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилиши белгилаб қўйилган.

Юқоридагиларга кўра моддий норма саналган жиноят кодексига жавобгарликка тортиш муддатларининг ҳисоблаш асосларини, моддий зарарни бартараф этиш мажбуриятини, процессуал қоидаларга эса жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтганлиги асосини икки турга бўлиш ва унда моддий зарарни бартараф этиш бўйича аниқ мажбуриятларни механизмларини белгилашни таклиф этамиз.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддаси еттинчи қисми:

Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар ушбу Кодекснинг 150 - 157-моддаларида, 158-моддасининг биринчи қисмида, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 160, 161 ва 244²-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган **ёки етказилган моддий зарар ўрнини қопламаган шахсларга** нисбатан қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-84-моддалари иш юритишни истисно қилувчи ҳолатлар назарда тутилганлиги сабабли нормани яхлитлаштириш ва номини қуйидагича белгилаш бўйича таклифлар муқаддам эълон қилинган мақолаларда ўз аксини топган эди.

83-модда. Жиноятга оид ишларни юритишни рад этиш ва тугатиш асослари.

Жиноятга оид ишлар қуйидаги ҳолларда рад этилиши ёки тугатилиши лозим, агар:

7) айбланувчи сифатида жалб этилган шахснинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган бўлса, башарти етказилган моддий зарар ўрни қопланган бўлса;

8) қонунда белгиланган муддатда айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган бўлса;

Шу билан бирга юқорида тахлил этилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 295-моддасига қуйидаги қўшимчаларни киритишни таклиф этамиз.

295-модда. Мол-мулк хатланганлигини бекор қилиш. Оқлов ҳукми қонуий кучга кирганда, шунингдек фуқаровий даъвогар ўз даъвосидан воз кечганда ҳамда фуқаровий даъвоғи қаноатлантириш юзасидан кўрилган чораларга сабаб бўлган асослар бартараф этилган бошқа ҳолларда ва жиноят иши тугатилганда, башарти айбланувчи сифатида жалб этилган шахс етказилган моддий зарар ўрнини қопланган бўлса мол-мулкнинг хатланганлиги бекор қилинади. Бунда гаров

реестридан мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги ёзув чиқариб ташланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз // Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш - халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маъруза.. – Т., "Ўзбекистон" 2017., 52 б.
2. "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Тошкент ш., 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон.
3. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 2. Жазо ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 162 бет
4. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) Олий ўқув юртлири учун дарслик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти Тошкент – "ILM ZIYO" – 2006 436-443-бетлар
5. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Тошкент – 2012. 385-389 бетлар
6. Амарсайхан О. Срок давности привлечения к ответственности лиц, совершивших преступления, некоторые вопросы его правового регулирования // Вестник Сибирского юридического института МВД России – № 4 (37) - (2019), Б. 107-113
7. Борисова В.Д. Проблемы срок давности уголовного преследования в условиях современной провакципительной практики // Вестник Нижегородского университета им. Н.И.Лобачевского – № 2 - (2017), с. 109-115
8. Тадқиқот иши доирасида олиб борилган суриштирувчи, терговчи, амалиётчи ва ҳуқуқшунослардан иборат респондентлар жамоаси ўртасидаги сўров натижалари
9. Муродов Б. Б. Жиноят ишини тугатиш: назария ва амалиёт. Монография. Тошкент – 2015. 64, 68-бетлар
10. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 N 63-ФЗ
11. Уголовный Кодекс Республики Беларусь 275-3 от 9.07.1999 г.
12. Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III
13. Маликов С.В. Исчисление срока давности освобождения от уголовной ответственности // Актуальные проблемы Российского права – № 1 - (2009), С. 331-338
14. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460> мурожаат санаси 01.03.2022 йил
15. Турсунбоев Т. Ишламайдиған қонунлар билан адолатли жамият қуриб бўлмади ёхуд адвокатларга осон эмаслиги ҳақида узун ҳикоя. // Темур Турсунбоев. <https://kun.uz/news/2022/03/26/>
16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 20.04.2021 йилдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги 13-сонли Қарори.

Н.Абдуллаев

Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси

ФИРИБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада муаллиф фирибгарлик тушунчаси ва унинг белгиларини таҳлил этган. Шунингдек, мақолада жиноят қонунидаги фирибгарлик тавсифи унинг таърифи сифатида ишлатилиб келиниши ва ЖКнинг 168-моддаси диспозицияси қуйидагича акс эттирилгани: яъни, «Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суистеъмом қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулқиға бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш», деб берилганлиги ҳамда бу борада олимларнинг фикр ва мулоҳазалари таҳлили ўз ифодасини топган. Мақолада ушбу таърифнинг универсал хусусият касб этиши тергов ва суд органлари учун қилмишни квалификация қилишда жуда қулай ҳисоблансада, жиноятчи шахси, унинг фирибгарлик содир этиши сабаблари, усулларининг турларга ажратилмаслиги фирибгарлик жиноятчилигининг статистикасини юқорилигича қолишига сабаб бўлиши ҳам очиб берилган.

Таянч сўзлар: фирибгарлик, алдов, ишончни суистеъмом қилиш, ҳуқуқбузарлик, ўзганинг мулки, мулкдор, жиноят, жазо, сабаблар.

Аннотация: В данной статье автор проанализировал понятие мошенничества и его признаки. Также в статье в качестве его определения используется характеристика мошенничества в уголовном законе, а диспозиция статьи 168 УК РФ отражена следующим образом: то есть «Мошенничество, то есть получение чужого имущества или права к чужому имуществу путем обмана или злоупотребления доверием», и в этом выражен анализ мнений и мнений ученых. В статье, хотя универсальность этого определения считается весьма удобной для следственных и судебных органов при квалификациии деяния, также раскрывается тот факт, что личность преступника, причины и способы совершения мошенничества не разделены. на виды является причиной высокой статистики мошеннических преступлений.

Ключевые слова: мошенничество, обман, злоупотребление доверием, деликт, чужое имущество, собственник, преступление, наказание, основания.

Abstract: In this article, the author analyzed the concept of fraud and its signs. Also, in the article, the description of fraud in the criminal law is used as its definition, and the disposition of Article 168 of the Criminal Code is reflected as follows: that is, "Fraud, i.e., obtaining someone else's property or the right to someone else's property by means of deception or abuse of trust, " and this the analysis of the opinions and opinions of scientists has been expressed.

In the article, while the universality of this definition is considered very convenient for investigation and judicial authorities in the qualification of the act, it is also revealed that the fact that the identity of the criminal, the reasons and methods of committing fraud are not divided into types is the reason for the high statistics of fraud crimes.

Keywords: fraud, deception, breach of trust, tort,

property of another, owner, crime, punishment, reasons.

Мамлакатимизда сўнги йилларда жиноят ҳуқуқида шахс ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этишга асосланган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу, авваламбор, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишга қаратилган фаолияти негизида фуқароларнинг иззат-нафси, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи, шахсий эркинлиги ва мол-мулкни ҳимоя қилиш каби масалаларни ҳал этиш билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонидан келиб чиқиб, «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг 16-мақсади жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш»[1]дан иборат бўлиб, бу ҳам ўз навбатида фирибгарликка қарши курашиш масалаларига бағишлангандир.

Мулкни фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилишнинг анча кўп тарқалганлиги ва унинг жамиятга кўп миқдорда зарар етказиши, унинг олдини олиш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳозирги кунда фирибгарликнинг умумий динамикаси, унинг кўринишлари кўпайиб бораётганлиги ҳам мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Ундан ташқари, ҳаёт кечириш учун зарур маблағларни одамларни алдаш йўли билан топаётган шахс фақат жиноятчи сифатида хавфли бўлмай, унинг қилмиши туфайли давлатга, одамларга моддий зарар етказилиши билан бир қаторда, фирибгарлик оқибатлари аҳолига, айниқса ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Фирибгарлик мулкка тажовуз қилишнинг бир туридир. Фирибгарлик шароитга мослашувчан бўлиб, турли кўринишларда намоён бўлади. Шу сабабли, фирибгарликка қарши кураш тизимли тартибда амалга оширилиши лозим[2].

Фирибгарлик учун жиноят кодексига жавобгарлик ўрнатилган бўлиб, жиноят қонунидаги фирибгарлик тавсифи унинг таърифи сифатида ишлатилиб келинади. ЖКнинг 168-моддаси диспозицияси қуйидагича акс эттирилган: «Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш». Ушбу таърифнинг универсал хусусият касб этиши тергов ва суд органлари учун қилмишни квалификация қилишда жуда қулай ҳисоблансада, жиноятчи шахси, унинг фирибгарлик содир этиши сабаблари, усулларининг турларга ажратилмаслиги фирибгарлик жиноятчилигининг статистикасини юқорилигича қолишига сабаб бўлмоқда.

Фирибгарлик жинояти замирида ҳам мулк ва мулквий ҳуқуқ ётади. Жавобгарлик мулкига ёки мулквий ҳуқуққа алдов ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишдан иборатдир.

Фирибгарлик – Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки мулквий ҳуқуқни қўлга киритишдир[3].

Фирибгарлик тушунчасига турли адабиётларда ёндашув турлича бўлиб, асосий ёндашув жиноятнинг

объектив томони, яъни мулкка тажовуз қилишнинг усули билан изоҳланган. Фирибгарлик тушунчасига изоҳ беришда луғавий, теологик, жиноят ҳуқуқий (доктринал) ва хорижий давлатлар қонунчилиги асосида ёндашувдан келиб чиқишни лозим топдик.

Илмий адабиётларда фирибгарлик тушунчаларига турлича таърифлар берилган. Фирибгарлик тушунчасига илк доктринал таърифни Н.С.Тансев томонидан берилган бўлиб, у «фирибгарлик – шахс томонидан ўзганинг мулкни алдов йўли билан ўзлаштириш бўлиб, фирибгарлик мақсади шунда ифодаланадики, жабрланувчида фирибгар мулкни эгаллашга, ўзига фойдали шартларда битим тузишга ҳуқуқий асосга эга деган фикрда бўлади»[4] деган.

Н.Борзенков шундай дейди: «фирибгарларга бепарволик, пала-партишлик, анқовлик қўл келади, яъни мазкур жиноятни содир этилиши кўп жиҳатдан жабланувчиларнинг ўз феъл атворларига боғлиқдир. Улар кўпгина ноқонуний бойлик орттириш ёки белгиланган меъёрларга ва қоидаларга хилоф тарзда бирор қулайлик, моддий ашёга эга бўлиш мақсадида шубҳали битимларни тузадилар»[5].

Қ.Абдурасулова «...фирибгарлик бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқлари, бу жиноят таркибининг тўла ёритилмаганидир» деб фикр билдириб, «фирибгарлик – бу бировнинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш йўли билан эгаллашдир» деб таъриф берганлар[6].

М.Ҳ.Рустамбоев эса, «фирибгарлик алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзгани мулкни ёки ўзганинг мулквий ҳуқуқини эгаллашдан иборат»[7], деб таъриф беради.

Л.Д.Гаухман[8] фирибгарлик тушунчасини «ўзгалар мулкни алдаш йўли билан талон-тарож этиш, яъни бошқа шахс мулкни айбдор ёки учинчи шахс фойдасига ўзлаштирилиши» билан боғлайди.

Юқорида келтирилган фирибгарлик таърифлари қисқа ва лўнда шаклда келтирилган бўлиб, бугунги кунда ҳам ушбу таърифлар ўз долзарблигини йўқотмаган. 2017 йил 11 октябрдаги Олий суд Пленуми тушунтиришларида фирибгарликка кенгайтирилган таъриф бериш зарурати мавжудлигини билдиради.

Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда эгалланишида, шунингдек мулк ёки мулквий ҳуқуқ текин қўлга киритилишида ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият яратиб беради[9].

Шунингдек, бугунги кунда Жиноят кодексининг 168-моддасида келтирилган фирибгарликнинг таърифи универсал характер касб этиб, ушбу таърифни ижтимоий хавфли қилмишларга нисбатан тадбиқ этилганида қатор тушунмовчиликлар, нормалар рақобати вужудга келмоқда. Ушбу тушунмовчиликларни жойларда турлича ёндашув бўлиб, афсуски айрим ҳолатларда қилмиш нотўғри квалификация қилиниши, жиноятни фуқаролик ҳуқуқий муносабатни жиноят билан алмаштириш ёки фуқаролик ҳуқуқий муносабатни жиноят билан алмаштирилиши ҳолати кузатилмоқда.

«Фирибгарлик» – алдамчилик, ҳийлагарлик маъноларини билдиради[10]. Фирибгарлик салбий бўёқдорликка эга тушунча бўлиб, шахсга нисбатан ёмон тавсиф берилганида ишлатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорига берилишича, Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият беради.

Жиноятчиларнинг ноқонуний бойлик орттириш усуллари орасиди фирибгарлик алоҳида ўрин эгаллайди. Бу жиноятнинг латенлиги юқори экалигини таъкидлаш зарур. Мазкур мавзу бўйича номзодлик ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилган Н.Борзенков шундай дейди: «фирибгарларга бепарволик, пала-партишлик, анқовлик қўл келади, яъни мазкур жиноятни содир этилиши кўп жиҳатдан жабланувчиларнинг ўз феъл атворларига боғлиқдир. Улар кўпгина ноқонуний бойлик орттириш ёки белгиланган меъёрларга ва қоидаларга хилоф тарзда бирор қулайлик, моддий ашёга эга бўлиш мақсадида шубҳали битимларни тузадилар»[11].

Фирибгарлик жиноятларида жиноятдан жабр кўрган шахслар фирибгарлар таъсирига ўзларининг ишонувчанлиги, қонунни яхши билмаслиги ва энг асосийси, ўз мақсадларига ноқонуний йўллар билан тезроқ эришишни хоҳлаганликлари учун тушиб қоладилар. Улар ўзларининг алданганликларини кейинроқ англаб етадилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишдан олдин бир неча бор фирибгарга кўнғироқ қиладилар, уй ёки иш жойига бориб, у билан мулоқот қиладилар, фирибгарнинг ваъдалари пуч эканлиги, бажарилмаслиги, унга берилган моддий бойликлари қайтарилмаслигини тушунганларидан кейингина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қиладилар. Тегишли идораларга кеч мурожаат этиш уни очиш ва у бўйича терговга қадар текширув ўтказишга салбий таъсир кўрсатади[12].

Р.А.Собиров таъкидлаганидек, «фирибгарлик билан алдашда ҳамиша унга жавобан ўзини қандай тутишга эътибор қаратилади, яъни алдаётганда асосан, фақат чалғитиш учун ҳаракат қилинмайди, балки алданаётган шахснинг ўзини маълум ҳолатда тутишга кўндиришга ҳаракат қилинади»[13]. Демак, юқорида келтирилган фикрлардан қисқача хулоса қиладиган бўлсак, фирибгарлик жиноятини содир этишда нафақат жабрланувчини чалғитади, балки унга руҳий таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам ўшбу жиноят бошқа талон-торож қилиш жиноятларидан жамият ва давлага катта хавф туғдиради.

Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади. Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколати, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида

кўрсатиши) тааллуқли бўлиши мумкин. Фирибгарликда жабрланувчини янглиштиришга қаратилган қасддан содир этиладиган ҳаракатлар жумласига, масалан, битим ёки тўлов предмети сохталаштириш, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўйнаш чоғида алдов усулларини қўллаш ва ҳ.к. киради.

Фирибгарликда ишончни суистеъмол қилиш деганда, айбдорнинг мулкдор, мулкнинг бошқа эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бошқа шахслар билан ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозим. Ишончга турли ҳолатлар, масалан, айбдор шахснинг хизмат мавқеи ёки унинг жабрланувчи билан шахсий ёки қариндош-уруғлик муносабатлари сабаб бўлиши мумкин[14].

Бугунги кун амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг янги кўринишлари пайдо бўлмоқдаки, бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ушбу қилмишларга жинойий ҳуқуқий баҳо беришда бир қанча муаммоларга дуч келишмоқда[15].

Масалан, интернет тармоқлари ва ижтимоий сайтлар орқали тарқатилаётган соғлиғи оғирлашиб даволанишга муҳтож бўлган беъморларга ёрдам сўраб, уларни чет давлатларга даволатиб келиш учун пластик карточкаларига пул ўтказиб беришни сўраб мурожаат қилинган ҳолатларга дуч келиш одатий ҳолга айланиб қолди. Баъзи одамлар бунга ишониб интернет сайтларида кўрсатилган пластик карталарга пул ўтказиб бермоқдалар. Лекин кўп ҳолларда бу пуллар бошқа, беъморга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган шахсларнинг чўнтақларига тушаётганлигини кўпчилигимиз билмаймиз. Юқорида келтирилган ҳолатларнинг олдини олиш учун қонун чиқарувчи томонидан бундай шахсларга нисбатан қонуний таъсир чораси ишлаб чиқилиши ва уни амалиётда қўллаш кўникмасини шакллантириш талаб этилади.

Фирибгарликнинг ижтимоий хавфлилиги мулкнинг турли шаклларида тажовуз қилиниши билан белгиланади. Мулкка қарши қаратилган бошқа жиноятлар (ўғирлик, талончилик, босқинчилик, товламачилик, ўзлаштириш, ишончни суистеъмол қилиш йўли билан мулкни талон-торож қилиш каби) орасида фирибгарлик жинояти анча мураккабдир. Унинг ижтимоий хавфлилиги тажовузнинг нимага зарар етказганлиги ёки зарар етказиши мумкинлиги билан белгиланади. Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарликда, шу жиноят таркибини ўз ичига олган ҳаракатларни бошқа ноқонуний қилмишлардан фарқлаш қийин. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бу жиноятнинг содир этилишида кўп ҳолларда жабрланувчиларнинг ўзлари ҳам фаол рол ўйнайдилар. Улар фирибгарликнинг жинойий-ҳуқуқий оқибатидан кўрқиб, жиноятнинг фош этилиши учун ҳаракат қилмайдилар. Жиноят тўғрисида тегишли жойларга хабар қилмайдилар.

Фирибгарликнинг ижтимоий хавфлилиги яна ушбу жиноятнинг Республикамизда анча кўп тарқалганлигида ҳам намоён бўлади. Хусусан, фирибгарлик – бу ўзгалар мулкни талон-торож қилиш мақсадида алдаб, ишончни суистеъмол қилиб ёхуд чалғитувчи ёлғон маълумотлар ва усулларни қўллаган ҳолда айбдорга мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни ўз ихтиёри билан топшириши, хизматлар кўрсатиши ва битимлар тузиши, зиммасига мажбуриятлар олиш ёки мажбуриятлардан озод этишда ифодаланадиган жабрланувчига ёки учинчи шахс манфаатларига зарар

етказишдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилишнинг олдини олиш бўйича мақсадли комплекс дастур ишлаб чиқиш; ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилишга қарши курашга доир хорижий тажрибани ўрганиш, ички ишлар идоралари ходимларини хорижда тажриба орттиришини ташкил этиш; фуқаролар ва ташкилотларни кенг тарқалган фирибгарлик усуллари ҳамда фирибгарликдан химояланиш чоралари ҳақида хабардор қилиш; тегишли хизматларни фирибгарликни аниқлаш, таснифлаш ва олдини олишга алоқадор ахборот технологиялари билан таъминлаш; фирибгарликлар билан курашни ташкиллаштиришга доир жиноят-ҳуқуқий, процессуал ва бошқа ахборотни тизимлаштириш; фирибгарликка қарши курашда ички ишлар идораларининг нодавлат кўриқлаш тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш каби вазифаларни амалга ошириш лозимдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/>
2. Фирибгарлик жиноятларини очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: Амалий-услубий қўлланма / Б. Э. Закиров, Я. А.Абдулхаков, Ж. С. Мухтаров ва бошқ.; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори Д. М.Миразов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б.9.
3. Ақобиров С.Ф., Алиқулов Т.А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II. З.М.Маъруфов таҳрири остида. Москва, «Рус тили» нашриёти 1981. – Б.301.; Юридик энсклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т.: “Шарқ”. 2001.
4. Таганцев Н.С. Уложение о наказаниях уголовных и исполнительных 1885. СПб, 1906. – С.867.
5. Мошенничество в России – М. 1996 – С.49.
6. Абдурасулова Қ.П. Фирибгарликнинг жиноят ҳуқуқий муаммолари. Юрид.фан.номзоди...дисс. – Тошкент: 1996. – Б. 46.
7. Rustambayev M.X. O'zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 4. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar. Ekologiya sohasidagi jinoyatlar. Hokimiyat, boshqaruv va jamoat birlashmalari organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar. Darslik. 2-nashr, to'ldirilgan va qayta ishlangan – Т.: O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – Б. 62.
8. Уголовное право. Особенная часть. Учебник. / Под ред. Л.Д.Гаухмана, С.В.Максимова. – М.: Эксмо, 2005. – С.155.
9. Алтиев.Р. Фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020.
10. Ақобиров С.Ф., Алиқулов Т.А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II. З.М.Маъруфов таҳрири остида. Москва, «Рус тили» нашриёти 1981. – Б.301.
11. Мошенничество в России. – М. 1996 – С.49.
12. Фирибгарлик жиноятларини очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: Амалий-услубий қўлланма / Б. Э.

Закиров, Я. А.Абдулхаков, Ж.С.Мухтаров ва бошқалар; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори Д.М.Миразов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б.11.

13. Р.А.Собиров. Обман как средства совершинная преступления. Омск. 1980 – С.13.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35–сонли қарори. <https://www.lex.uz/ru/docs/3399888?otherlang=1>.

15. Фирибгарлик жиноятларини очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: Амалий-услубий қўлланма / Б.Э.Закиров, Я. А.Абдулхаков, Ж.С.Мухтаров ва бошқалар; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори Д.М.Миразов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б.11.

С.Машарифов

Тошкент давлат юридик университети мустақил изла-
нувчиси, Хоразм вилояти юридик техникуми декани

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА АЙБ ШАКЛЛАРИНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада жиноят таркибининг муҳим белгиси ҳисобланадиган субъектив томони ва унинг зарурий белгиси айб ва унинг қасд шакли жиноий ҳуқуқий таҳлил қилинади. Айб ва унинг шакли бўлган қасд ва унинг турлари бўлган эгри ва тўғри қасднинг жиноий ҳуқуқий аҳамиятига атрофлича тўхталинган. Бундан ташқари қасднинг бошқа шакллари ҳам келтириб ўтилган. Шу билан бир қаторда жиноят кодексининг айрим моддаларини таҳлил қилиб унинг такомиллаштириш ва ноаниқликларни бартараф қилиш бўйича ҳам асосли таклифлар берилган. Мақола кенг илмий жиноят ҳуқуқий мулоҳазаларга эга ва унда келтирилган хулосалар ўринли ва келажақда жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Таянч сўзлар: субъективлик, субъектив томон, таркиб, айб, қасд, эгри қасд, тўғри қасд, айб шакллари, таҳлил, квалификация.

Аннотация: В данной статье в уголовном праве анализируются субъективная сторона, которая считается важным признаком состава преступления, и его необходимый признак, вина и форма ее умысла. Подробно рассмотрены состав преступления и его форма умысла и его виды, уголовно-правовое значение злого и правильного умысла. Кроме того, упоминаются и другие формы умысла. Кроме того, были проанализированы некоторые статьи УК РФ и внесены обоснованные предложения по его совершенствованию и устранению неясностей. Статья имеет обширные научные уголовно-правовые размышления, а изложенные в ней выводы являются целесообразными и служат совершенствованию уголовного законодательства в будущем.

Ключевые слова: субъективность, субъективная сторона, содержание, вина, умысел, злой умысел, правильный умысел, формы вины, анализ, квалификация.

Abstract: In this article, the subjective side, which is considered an important feature of the crime structure, and its necessary feature, guilt and its form of intent, are analyzed in criminal law. The crime and its form of intent and its types, the criminal legal significance of wrong and right intent, are discussed in detail. In addition, other forms of intention are mentioned. In addition, some articles of the criminal code were analyzed and reasonable proposals were made for its improvement and elimination of ambiguities. The article has extensive scientific criminal legal considerations, and the conclusions presented in it are appropriate and serve to improve criminal legislation in the future.

Keywords: subjectivity, subjective side, content, guilt, intention, wrong intention, right intention, forms of guilt, analysis, qualification.

Жиноят таркиби жиноятнинг асосини ташкил қилувчи қисмлар йиғиндиси дидир. Жиноят таркиби элементлари аввало доимо бир-бирни тақозо қилади. Жиноят таркиби элементи ҳисобланган субъектив

томон, жиноятнинг ички томон белгисини ифодалайди. Субъектив томон ўз навбатида айб, мотив, мақсадни ўз ичига олади. Жиноят қонунчилигида субъектив томоннинг айб тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Айб ҳам ўз навбатида қасд ва эҳтиёсизлик орқали содир этилган жиноятларни ифодалайди. Субъектив томонда айб марказий ўринни эгаллайди ва биз шу сабабдан айб тушунчасини таҳлил қиламиз. Айб, жиноят содир қилган шахснинг ўзи содир қилган ижтимоий хавфли қилмишига ва аунинг оқибатларига нисбатан ички руҳий ҳолатини ифодалайди. Бунда ушбу ҳолатдан келиб чиқиб айб муайян шаклларга бўлинади ва улар муайян ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Айб шаклини тўғри аниқлаш албатта қилмишнинг квалификациясига ҳам жазо тайинлашга ҳам таъсир кўрсатади. Шу сабабли айб шаклини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Айбнинг шакли ЖК Махсус қисми моддасининг диспозициясида кўрсатилади ёки диспозициянинг мазмунига қараб аниқланади. Кўпгина махсус қисм моддаларда айб шакли жиноятнинг мақсадига қараб аниқланади.

Масалан, талончилик, ўғрилик ва ҳоказолар қонунда ҳаракатнинг хусусиятига қараб аниқланади. Масалан, номусга тегиш, тухмат, ҳақорат, қилиш, пора олиш ва ҳоказолар.

Жиноят қасддан ёки эҳтиёсизликдан содир қилиниши мумкин бўлган жиноятларда ўша норма диспозициясида, албатта, қасддан ёки эҳтиёсизликдан содир қилиниши кўрсатилади. Барча қасддан ва эҳтиёсизликдан содир этилган жиноятларнинг умумий белгиларини ўз ичига олган айб шаклларининг таърифлари кодекснинг умумий қисмига киритилиши ва шу билан махсус қисмнинг алоҳида таркиби таърифларини соддалаштириши мумкин.

Айбнинг муайян шаклда намоён бўлиши бу қонун чиқарувчи тамонидан яратилган эмас, балки у ифодаланган тушунчадир. Қасд ва эҳтиёсизлик орқасидан жиноят содир этиш ўзаро жиноий руҳий жиҳатдан ўзаро фарқ қилади албатта. Бу борада Б.С.Утевскийнинг фикрига қўшилиб бўлмайди: “Ният ва бепарволик инсоннинг барча ҳаракатларига хос бўлган, жиноий ва эришиб бўлмайдиган руҳий ҳодисадир [1.45]. Жиноий тажовузнинг хусусияти ва шахснинг ўзи содир этган қилмишига бўлган муносабатининг баъзи даражаларида намоён бўлганидек, ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш қасддан ёки эҳтиёсизлик орқасидан содир этилади. Айбнинг турлича шаклланиши аввало шахснинг қилмишга бўлган муносабатидан келиб чиқади. Жиноят субъектининг руҳий ҳолатида юз берадиган тафаккурий ва иродавий жараёнларнинг жадаллиги асосидаги айб шаклларга бўлинади. Булар қасд шаклидаги айб ва эҳтиёсизлик шаклидаги айбдир [2.56].

Юридик адабиётларда келтирилган мулоҳазалардан айб шаклининг аҳамиятини қуйидагиларда ифодалашимиз мумкин:

— *биринчидан — айб шакли жиноий қилмишдан жиноят ҳисобланмайдиган қилмишнинг фарқини аниқлаб етади. Бундай фарқни аниқлаб бериш фақат қасддан содир этиладиган жиноятларда намоён бўлади;*

— *иккинчидан — агарда қонунда содир этилган объект ив белгиларига кўра, ўхшаш бўлган, аммо айб шакли бўйича фарқ қиладиган ижтимоий хавфли*

қилмиш учун жавобгарлик белгиланган бўлса, айб шакли жиноятни квалификация қилишни белгилайди. Жумладан, ЖК 97-моддасидаги қасддан одам ўлдириши билан 102-моддада назарда тутилган эхтиётсизликдан одам ўлдиришни квалификация қилишда аҳамиятга эга. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-модда) ва қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-модда)дан эхтиётсизликдан баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш жиноятларини квалификация қилишнинг асосий шартни ҳисобланади;

— учинчидан — айб шакли кўп ҳолларда қасддан қилинадиган жиноятларга қонунда эхтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларга нисбатан оғирроқ жазо белгилашнинг асоси бўлиб, хизмат қилади;

— тўртинчидан — қасднинг турлари ва эхтиётсизликнинг турлари қилмишни квалификация қилишга таъсир қилмасада, жиноий жавобгарлик ва жазони индивидуаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Қилмишнинг содир этилиши нафақат жабрланувчига балки жамиятга ҳам умумий хавф солади бунда биз П.Бояджиёвнинг “айбнинг ягона тушунчасида қасд ва бепарволикни, жиноий манманлик ва бепарволикни бирлаштирган умумий жиҳати бу содир этилган қилмиш туфайли бузилган ёки хавф остида қолган ижтимоий муносабатларга шахснинг руҳий муносабатидир” [3.83] деб ёзган фикрга қўшилишимиз керак бўлади. Айбнинг шаклларини тахлил қилиш жиноят ҳуқуқи назарисидаянги ёндашув ҳисобланади. Айбнинг қасд шаклида содир қилинадиган жиноятлар суд амалиётида кўриладиган жиноят ишларининг асосий кўпчилигини ташкил қилади. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексига биринчи марта қасднинг турлари алоҳида-алоҳида тушунчаларда берилди.

Айбнинг шакли жиноий жавобгарликни қонун йўли билан табақалаштиришни белгилаб беради. Шу муносабат билан жиноят кодекси доирасида қасддан содир этилсагина жиноий жавобгарлик келиб чиқувчи жиноятлар сафини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади бунда, эхтиётсизлик оқибатида содир қилинадиган қилмишларнинг жиноий тақиқи камайди.

Қасд ёки эхтиётсизликнинг шакллари жиноятларни квалификациясига таъсири муҳим эмас, аммо жиноий жазони одилонлигини ва жазонинг мақсадига эришишини таъминлайди. Қасднинг асосан эгри ва тўғри қасд шакли ЖКда келтирилади. Бунга сабаб асосан қасд шаклининг шахсни ижтимоий хавфлилигини белгилаб беришидир. Жумладан тўғри қасддан содир этилган жиноят эгри қасддан содир этилган жиноятга нисбатан хавфлироқ саналади. Чунки тўғри қасдда шахснинг ҳам тафаккури ҳам иродавий ҳолати жиноят содир қилишга сафарбар қилинади. Бу борада баъзи жиноятлар, жумладан, халқаро жиноятлар доимо қасддан содир этилиши билан тавсифланади [4. 49]. Фақат қасддан содир қилинаган жиноят ҳисобланадиган жиноятлар қонунчилигида ҳам алоҳида ифодаланган. Масалан, ЖКнинг 109-моддасида қасддан баданга енгил шикаст етказиш белгиланган бўлса, 111-моддада эхтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш учун жавобгарлик келтирилган. Бундан кўришимиз мумкинки эхтиётсизлик орқасидан баданга енгил шикаст етказиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди. Бундан ташқари қасднинг шакли

жиноятчининг жиноий обрзини намоён қилиб беради ва у жазони, унинг ўталиш тартибини ҳам белгилаб беради.

ЖҚда аввало шахс, жамият, давлат манфаатларига қарши жиноятлар ўрин олган бўлса, ҳаётга қарши жиноятларда ҳам олдин қасддан содир этилган жиноятлар жой олган. Бунда ҳам биз айб шаклининг аҳамиятини кўришимиз мумкин. Яъни айб шакли жиноят кодекси тузилишига ҳам таъсир кўрсатувчи жиҳатдир. Тўғри қасддан содир этиладиган жиноятларда айбдор шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди, шунингдек оқибатнинг бўлишини истайди. Эгри қасддан содир этиладиган жиноятларда айбдор шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англайди, шу оқибатнинг бўлишига кўзи етади ва бундай оқибатнинг бўлишини бевосита ҳоҳламаса ҳам, аммо унга онгли равишда йўл қўйиб беради. Эгри қасддан содир этиладиган жиноятларда айбдор шахс истаган оқибатнинг бўлишини назарда тутаяди ва йўл қўяди [5. 55]. Шу сабабдан ҳам айб шакли категориясининг аҳамияти ниҳоятда катта.

Биринчидан, айбнинг шакллари ва уларнинг қонунчилик таърифлари айбдорнинг ижтимоий хавфли қилмишларни содир этиш чегараларини кўрсатади.

Субъектларнинг содир этилган қилмишига руҳий муносабатининг турли хил вариантлари, агар улар ушбу таърифлар доирасида бўлса, айбдор деб тан олинishi мумкин [6. 53]. Ҳуқуқий манбаларда қасднинг турли бошқа кўринишлари ҳам учрайди жумладан, қасднинг келиб чиқиш вақтига кўра: олдиндан вужудга келган қасд ёки тўсатдан юз берган қасд. Шахс қилмишининг хусусиятига қараб: аниқ ва муқобил қасд шаклларига бўлинади [7. 41]. Қасд шакли унинг турлари ва қасд даражаси тушунчаси ҳам учрайди баъзи манбаларда. Жумладан М.Ҳ.Рустамбаев айб даражасини қуйидагича тарифлайди: “Айб даражаси жиноят субъектининг жиноят ҳолатларига бўлган муносабатининг шакли ва тартиби мажмуи билан аниқланади ҳамда ижтимоий қилмиш даражаси билан белгиланади. Булар: руҳий муносабат хусусиятлари, жиноятнинг мотив ва мақсади, шахсни характерлайдиган ҳолатларига оид жиноий қасд ва эхтиётсизликнинг келиб чиқишига туртки бўлган сабаб шарт-шароитларидир” [8. 185]. Бунда шахс ўз қасдини онгли равишда номоён қилади ва оқибатни келиб чиқишига ўз қилмишини давом қилдиради. Аксинч ҳаракасизлик оқибатида жиноят содир қилишда шахс ўзининг жиноий оқибатини кўзламасдан оқибат келиб чиқишига сабабчи бўлади, холос.

Қасддан қотилликда жабрланувчининг хатоси баъзан ҳаракатдаги оғиш деб аталадиган нарса билан боғлиқ. Баъзи олимларнинг фикрича, ҳаракатдаги оғиш, унинг мавжудлиги шахсиятдаги хато билан боғлиқ бўлмаса, ўзига хос фактик хатодир;

жиноятчи ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган, аммо жиноятчига боғлиқ бўлмаган бошқа сабаблар мавжудлиги билан, бошқалар, ҳаракатдаги оғиш шахснинг айби эмас деб ҳисоблашади [9. 54]. Шундай экан айб шахснинг индивидуал хусусиятидир.

Уни турли омиллар орқали ҳаракатга келтириш мумкин аммо бу ҳар доим ҳам инобатга олинмайди ва уни айбсизлигини кўрсатмайди. Аммо қилмишнинг айрим жиҳатлари борки улар шахсни жазога сазовор эмаслигини ҳам аниқлаб бериши мумкин. Юқоридаги мулоҳазаларимиздан биз қуйидаги хулосаларни келтирмоқчимиз. Айбнинг қасд шакли ўзининг муайян

шахсга таълуқлилиги ва унга хослиги билан белгиланади. Қасднинг мавжудлиги ва ифодаланиши ва вужудга келиши албатта жиноятчи шахсини тавсифловчи ва қасднинг ижтимоий хавфлилигини изоҳлайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. M.H.Rustambayev. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat huquqiy kursi. 1-Tom. [Criminal Law Course of the Republic of Uzbekistan. Tom 1. M.H. Rustambayev.]. Tashkent, Military-Technical Institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan, 2018, p. 179.
2. M.Usmonaliyev. Jinoyat tarkibi. [Criminal structure]. Tashkent, 2008, p. 56
3. Boyadjiev P. Kim uchenista za vinata v nakazatelnoto pravo. [Boyadzhev P. K'm student for guilt in punishment law]. «Pravna misil». [Right misal]. 1964, p. 83.
4. D.O. Oblakulov, I.A. Mustanov. Xalqaro jinoyat huquqi. [International criminal law]. "Adolat nashriyoti". Tashkent. 2013, p. 49.
5. B.Matmuratov. Jinoyat tarkibi bo'yicha kvalifikatsiya qilish masalalari. [Issues of criminal qualification. B.Matmuratov]. Lesson press. Tashkent, 2019, p. 55.
6. Dage R.S, Qoto D.P. Subektivnaya storona prestupleniya i ee ustanovlenie. [The subjective side of the crime and its establishment]. Izdatelstvo
7. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi [Criminal Code of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent, 2019, art. 7.
8. Voronejskogo universiteta – Voronezh University Press. Voronej, 1974, p. 53.
9. R.Kabulov, A.A.Otajonov, I.A.Sottiyev. Jinoyatlarni kvalifikatsiya qilish. [Qualification of crimes]. - Textbook for higher education institutions of the Ministry of Internal Affairs, Academy of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Tashkent, 2012, p 30.
10. Yakushin V.A. Subektivnoe vmenenie i ego znachenie v ugovnomn prave. [Subjective imputation and its significance in criminal law]. Tolyatti, 1998, p. 54.

Б. Ҳамроқулов

Тошкент давлат юридик университети "Меҳнат ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси, ю.ф.д.

ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА ФУҚАРОЛАРНИ ТАШИШ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН МАЪНАВИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШ

Аннотация: Ушбу мақолада ҳаво йўлларида фуқароларни ғалқаро ташиш натижасида етказилган маънавий зиённи қоплаш масалалари ўрганилган. Унда маънавий зиённи қоплашни миллий қонунчилик билан бирга, бу борадаги халқаро шартномалар талаблари ҳам таҳлил этилган ва ўрганилган.

Таянч сўзлар: маънавий зиён, ташиш, йўловчи, ҳаёт, соғлиқ, тан жароҳати, руҳий сиқилиш, Варшава конвенцияси, Монреаль конвенцияси.

Аннотация: В данной статье исследуются вопросы возмещения морального вреда, причиненного международной перевозкой граждан воздушным транспортом. Анализируются и изучаются требования национального законодательства о компенсации морального вреда, а также международных договоров в этой сфере.

Ключевые слова: моральный вред, перевозка, пассажир, жизнь, здоровье, телесные повреждения, депрессия, Варшавская конвенция, Монреальская конвенция.

Abstract: This article examines the issues of compensation for moral damage caused by international transportation of citizens by air. It analyzes and studies the requirements of national legislation on compensation for moral damage, as well as international agreements in this area.

Keywords: moral damage, transportation, passenger, life, health, bodily injury, depression, Warsaw Convention, Montreal Convention.

Маънавий зиённи қоплашни назарда тутувчи нормаларда, маънавий зиён фуқаронинг соғлиғига зарар етказилиши ёки унинг ўлими натижасида яқин қариндошларининг руҳий сиқилиши билан юзага келиши мумкинлиги назарда тутилган[1]. Йўловчиларни ҳаво транспортида ташишда уларнинг ўлими ёки тан жароҳатларини келтириб чиқариши ҳолатларни охириги пайтларда тез-тез учраб турибди. Биргина 2019 йил май ойида Россиянинг Шереметьева аэропортидаги[2] ёки 2014 йил июлда юз берган Донецкда[3] Амстердамдан Куала-Лумпур шаҳрига учаётган ҳаво кемасининг ҳалокатга учрагани ҳолатларини олиб қарайдиган бўлсак, унда кўплаб фуқаролар турли хил тан жараҳати олишда ёки вафот этишди. Бунинг натижасида фуқароларга нафақат моддий зарар, балки маънавий зиён ҳам етканлиги аниқ. Бу ҳолатлар, ўз навбатида, ташувчи томонидан жабрланувчиларга ва уларнинг яқинларига етказилган маънавий зиённи қоплаб бериш масаласини юзага келтиради.

Маънавий зиён тушунчаси бўйича суд амалиёти ва доктринада[4] қуйидаги нуқтаи назар устувор ҳисобланади, унга кўра, маънавий зиён – бу бирон ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида муайян фуқарога тегишли номоддий неъматларга (ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сир ва ҳқ.)

тажовуз қилинишининг ёки унинг шахсий номоддий ҳуқуқларини (ўз номидан фойдаланиш ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа номоддий ҳуқуқлар) бузилишининг ёки фуқаронинг моддий ҳуқуқларини бузилиши оқибатида руҳий азобланиш ва қайғуришлар билан ифодаланувчи салбий оқибатидир.

Ўзбекистон Республикасида маънавий зиённи қоплашни талаб қилишга асос бўлувчи норма тарихи 1991 йил 14 июнь куни қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунга бориб тақалади. Бугунги кунда маънавий зиённи қоплашга оид асосий нормалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексидаги моддаларда жамланган бўлиб, уларда маънавий зиённи қоплаш имкониятлари белгиланган бўлсада, жабрланувчига етказилган жисмоний ва руҳий азобланишларнинг туси ва хусусияти, оқилоналик ва адолатлилик талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда зарар етказувчининг айби каби мезонларни ҳисобга олиб маънавий зиён миқдорини баҳолаш тартиби амалиётда мураккабликларни келтириб чиқаради. Қонунда маънавий миқдорини баҳолашни бу каби мавҳум тарзда белгиланиши судлар томонидан маънавий зиённи қоплаш масаласига турлича ёндашишни келтириб чиқармоқда. Бу ҳолат ҳаво транспорти воситасида амалга оширилаётган ички ва халқаро ташишларда йўловчиларга етказилган маънавий зиённи қоплаш масаласида ҳам юзага келмоқда.

Халқаро ташишлардаги айрим қоидаларни бирхиллаштириш бўйича 1929 йил Варшава конвенцияси (кейинчалик матнда—Варшава конвенцияси)[5] ва Йўловчиларни ҳаво транспортида халқаро ташишларга тааллуқли айрим қоидаларни бирхиллаштириш тўғрисидаги 1999 йил Монреаль конвенцияси (кейинчалик матнда—Монреаль конвенцияси)[6] ҳаво транспортида халқаро ташишларни мувофиқлаштирувчи асосий ҳуқуқий нормалар ҳисобланади.

Мазкур Конвенцияларда маънавий зиённи қоплаш имкониятлари тўғрисида аниқ кўрсатмалар баён этилмаганлиги сабабли, ҳар бир давлатнинг ички қонунлари ушбу соҳани тартибга солиш устувор аҳамият касб этади. Н.Н.Остроумовнинг таъкидлашича, маънавий зиённи қоплаш масаласи билан боғлиқ ички қонунлар халқаро шартномалардаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши лозим[7].

Йўловчиларни ҳаво транспортида ташишда маънавий зиённи қоплаш масаласи, тегишли халқаро қонун ҳужжатларини қабул қилишга бағишланган конференцияларда қизгин мунозараларни келтириб чиқарган. Варшава конвенциясининг 17-моддасида назарда тутилган талабга кўра ташувчи йўловчининг вафоти, жароҳати ёки бошқа тан жароҳатлари натижасида етказилган зарар учун жавобгар бўлиши кўрсатилган. Монреаль конвенциясида ҳам худди шундай қоида мавжуд. Лекин, Конвенцияларни қўллаш амалиётда моддий зарар билан бир қаторда маънавий зиённи ҳам қоплашиши бўйича ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Фикрлардаги бундай чалкашлик конвенцияларнинг моддаларидаги “*autre lesion corporelle*” (бошқа тан жароҳатлари—франц.) ва “*personal injury*” (шахсий зарар—ингл.) каби ҳолатлар туфайли юзага келган.

“Шахсий зарар” (“*personal injury*”) атамаси Халқаро фуқаролик авиацияси ташкилоти (ИКАО) Юридик қўмитасининг 30-сессиясида[8] кенг муҳокама қилинган

бўлиб, унда аксарият мамлакатларнинг делегациялари, гарчи “шахсий зарар” тушунчаси умумий ҳуқуқ мамлакатларида кенг қўлланилиши мумкин бўлсада, бошқа ҳуқуқий тизимга асосланган мамлакатлар учун умуман мос келмаслиги тўғрисида фикр билдирганлар.

Варшава конвенциясини ўзгартирган, лекин кучга кирмаган 1971 йилги Гватемала протоколида авиаташувчи етказилган тан жароҳатлари учун эмас, балки “шахсий” жароҳатлар учун (инглиз тилидаги матнда “*bodily injury*” атамаси “*personal injury*” атамасига алмаштирилган) жавобгар бўлиши кўзда тутилган[9]. Бундай ўзгартиш бежизга амалга оширилмаган—бунда авиаташувчининг Варшава конвенциясида белгиланган жавобгарлиги, авиаташиш вақтида йўловчи руҳиятига етказиладиган зарарни эътиборга олган ҳолда, янада кенгайтирилиши кўзда тутилган эди. Гватемала протоколи матнидаги “*personal injury*” атамасини аниқ таржима қилиш имкони бўлмаганлиги сабабли, маъно жиҳатидан ёндашилган ва аввалги “тан жароҳатлари” атамасини ўзгартиришсиз қолдирган. Гватемала протоколида турли талқинга учрайдиган атамалар қўлланилганлиги ва бошқа сабабларга кўра муваффақиятсизликка учраган ва 1997 йилдаги овоз бериш жараёнида делегацияларнинг мутлақ кўпчилиги протокол қабул қилинишига қарши чиққанлар[10].

Гватемала протоколининг қабул қилинмаслиги йўловчилар соғлиғига “руҳий” жиҳатдан етказилган зарар қоплашиши масаласини ҳал қилиб бермади, сабаби, кўпчилик мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимида қабул қилинган “тан жароҳатлари” тушунчасига мос келмасди. 1999 йилда Монреаль ўтказилган Дипломатик конференцияда Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси (ИАТА)[11] томонидан маъқулланган Швеция ва Норвегиянинг янги конвенция лойиҳасига зарарнинг “руҳий зарар етказилиши” деб номланган алоҳида турини киритиш таклифи кўриб чиқилди. Авиаташувчининг жавобгарлик кўлами ҳаддан ташқари кенгайиб кетишидан хавотирланган Африка мамлакатларининг кўпчилиги бундай таклифга қарши чиқдилар. “Ўзаро келишувга эришилган бўлсада, ушбу масаланинг консенсусга келишиш қисмида Варшава конвенциясидаги ушбу атаманинг эски таърифи ўзгартирилмади, турли манфаатларни кўзлаган мамлакатлар вакилларида ташкил топган ишчи гуруҳ аъзолари томонидан “тан жароҳати” тушунчасининг умумий маъносига Монреаль конференцияси мақсадлари учун “тан жароҳатлари билан боғлиқ руҳий зарарлар ва йўловчи соғлиғига салбий таъсир кўрсатувчи руҳий зарарлар”[12] тушунчаси киритилди ва ушбу ҳолат Конференция протоколи ҳамда ишчи ҳужжатларида қайд этилди”[13].

Ҳозирги замон ҳуқуқшунослик фанида ҳаво транспортида халқаро ташишлар жараёнида етказилган маънавий зиённи қоплаш масаласи бўйича бир-бирига зид ёндашув ва нуқтаи назарлар мавжуд. Айрим ҳуқуқшуносларнинг фикрига кўра, авиация ҳодисаси натижасида етказилган ҳам жисмоний, ҳам руҳий зарарлар, агар руҳий зарар тегишли харажатларни келтириб чиқарадиган бўлса, бирдек тан олиними лозим. Ундан ташқари, ушбу нуқтаи назарга кўра, исталган маънавий зиён эмас, балки узоқ муддатли руҳий азобланишларни келтириб чиқарган маънавий зиён компенсация қилиниши кўзда тутилган. Узоқ муддат асабийлашиш ва руҳий азобланишларга сабаб бўла олмайдиган вақтинчалик ҳиссиётлар ва

кўрқувлар маънавий зиён сифатида қабул қилинмайди[14].

Бошқа нуктаи назарга кўра, маънавий зиён, агар у халқаро ташиш жараёнида (йўловчилар ҳаво кемасининг бортида бўлганида ёки йўловчиларни ҳаво кемасига ўтқизиш ёхуд тушириш вақтида) етказилган бўлса, уни бартараф қилишга сарфланган харажатлар билан боғлиқ бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, авиаташувчи уни қоплаб бериши керак. Биз ҳам шу қарашни қўллаб қувватлаймиз.

Ҳаво транспортида амалга оширилаётган халқаро ташишлар жараёнида йўловчиларга етказилган маънавий зиённи қоплаш имкониятлари маълум талабларга асосланади. Варшава конвенциясининг 17-моддаси ва Монреаль конвенциясининг 17-моддасига мувофиқ ташувчи фақат йўловчи ҳаётдан кўз юмгани ёки тан жароҳати олиши оқибатида етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Монреаль конвенциясининг 29-моддасига кўра, “амалда етказилган зарарга тааллуқли бўлмаган исталган тўловлар қопланмайди”. Ушбу ҳолатлардан маънавий зиённи қоплаш ҳуқуқи вужудга келиши учун йўловчининг ўлими ёки унга тан жароҳати етказилиши каби ҳодисалар мавжуд бўлиши талаб этилади деган хулоса чиқариш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам халқаро авиаташишларда йўловчиларга етказилган маънавий зарарни қоплаш имкониятлари бўйича чекловлар кўзда тутилмаган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 999-моддасига кўра, ошқича хавф манбаи эгасининг айби қандай бўлишидан қатъи назар етказилган ҳар қандай зарарни қоплашни шарт деб белгиланган. Варшава конвенцияси тизимига кирувчи халқаро ташишларда бундай компенсация фақат ташувчининг айби мавжуд бўлганида ва конвенцияда белгиланган чегараларда тўланади. Монреаль конвенцияси доирасида амалга ошириладиган халқаро ташишларда маънавий зиён ташувчининг айби бўлмаган ҳолатларда ҳам 100000 СДР чегарасидаги миқдорда қоплашни лозим[15].

Бугунги кунда шундай вазиятга юзага келганки, унга кўра, халқаро авиаташиш жараёнида йўловчига етказилган маънавий зиённи қоплаш ёки уни рад этиш масаласи суд томонидан миллий нормалар ва суд амалиётига асосланган ҳолда ҳал қилинади, агар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маънавий зиённи қоплашга йўл қўйиладиган бўлса, у ҳолда тўловлар Вашав ва Монреаль конвенцияларида кўзда тутилган қоидаларга мос равишда амалга оширилади. Варшава конвенциясининг 24-моддаси ва Монреаль конвенциясининг 29-моддасига кўра ташувчига маънавий зиённи қоплаш талаби фақат йўловчининг “ўлими ёки тан жароҳати олгани” исботланганидагина ва ташувчининг ушбу конвенцияларда кўзда тутилган жавобгарлик доирасида қўйилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, ушбу қоидаларга амал қилмаслик маънавий зиённи қоплашга бўлган йўловчиларнинг ҳуқуқлари суъистемол қилинишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган декларация, конвенция ва халқаро шартномаларда, шунингдек мамлакатимиз томонидан имзоланган халқаро миқёсдаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларда фуқароларга етказилган зиённи қоплаш масаласи тартибга солинган. Лекин бу халқаро шартномаларда маънавий зиённи тўғридан тўғри қоплаш масалалари назарда тутилмаган.

Фуқаролик кодексининг 1194-моддасида «Зарар (шу жумладан, маънавий зиён – таъкид тадқиқотчини) етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар зарарни (шу жумладан, маънавий зиён – таъкид тадқиқотчини) ундиришни талаб қилиш учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат юз берган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади» деб белгилаб қўйилган экан халқаро шартномалар бўйича фуқароларга тегишли бўлган ҳуқуқлар бузилиши натижасида, айтишлик Ўзбекистон Республикаси фуқароси ўзига маънавий зиён етказилган деб ҳисобласа, ушбу зиён қайси давлатда етказилганлигидан келиб чиқиб, агар зиён етказилган давлат қонунчилигида маънавий зиённи қоплаш масаласи тартибга солинган бўлса, маънавий зиён кўрган фуқаро айбдордан етказилган маънавий зиённи қоплашни суд тартибида талаб қилиши мумкин.

Агар зиён чет элда етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқ ва бурчлар, агар фуқаролар ёки юридик шахслар айна битта давлатдан бўлсалар, шу давлат ҳуқуқи билан белгиланади.

Шу ўринда мисол тариқасида 1929 йилда Варшавада имзоланган Халқаро ҳаво транспортида ташишларга доир айрим қоидаларни бирхиллаштириш ҳақидаги конвенция ва унга доир протоколларга мурожаат этадиган бўлсак, Конвенциянинг 22-моддасида ташувчининг жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Тўғри, унда моддий жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, маънавий зиён тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Мисол тариқасида қуйидаги ҳолатни кўриб ўтишимиз мумкин, айтишлик, халқаро ҳаво йўлидан фойдаланиш натижасида фуқаронинг соғлиғига зиён етди. Бунинг натижасида фуқаро маънавий азобларни ўз бошидан ўтказди. Бундай ҳолатда ушбу масала қандай ҳал этилади? Конвенцияда маънавий зиённи қоплаш белгиланмаган бўлса ҳам, фикримизча, агар Ўзбекистон Республикаси фуқаросига халқаро ҳаво йўлида йўловчи, багаж ва юк ташиш натижасида маънавий зиён етказилган бўлса, маънавий зиён кўрган фуқаро етказилган маънавий зиённи қоплашни суд тартибида истеъмолчи сифатида талаб қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 26 декабрда ратификация қилинган “Халқаро кўламда йўловчи ва юкларни автомобилларда ташиш тўғрисида”ги[16] Конвенциянинг 7-моддасида ташувчи хизмат вақтида йўловчининг соғлиғига (унинг вафот этиши, оғир тан жароҳат олиши ва йўловчига бошқа тарзда етказилган зиёнлар) ва юкларга (багажнинг тўлиқ ёки қисман йўқолиши натижасида) зарар етказса, етказилган зарарни қоплаш мажбурияти белгиланган. Конвенцияда йўловчига етказилган зиён ҳақида гап борса-да, йўловчи бошидан кечирган руҳий азоблар натижасида етказилган маънавий зиённи қоплаш тўғридан тўғри тартибга солинмаган. Табиийки, йўловчи оғир тан жароҳати олиши натижасида доволаниб тузалгунга қадар ўз бошидан албатта руҳий азобларни кечиради. Агар зиён йўловчининг ташқи кўринишига етказилган (масалан, бир кўлидан ажралган) бўлса, бундай ҳолатда йўловчининг бошидан кечирган руҳий азоблари янада кучлироқ, оғриқли ва аламлироқ бўлади. Конвенцияда ташувчининг «етказилган зиён» учун жавобгарлиги белгиланган, лекин зиённинг айнан қайси тури

етказилганлиги муносабати билан ва қай тартибда ташувчининг жавобгарликка тортилиши масаласи аниқ белгилаб қўйилмаган. Бинобарин бу ерда зиён умумий тартибда берилаётир, шу боис ташувчи йўловчига ташиш натижасида етказилган маънавий зиённи ҳам қоплаб бериши керак. Йўловчи етказилган моддий зарар билан бирга маънавий зиённи қоплашни ҳам талаб қилиши мумкин. Конвенциянинг 9-моддасига асосан зиённинг миқдори Конвенцияга аъзо давлатларнинг миллий қонуни билан аниқланиши белгиланган. Демак, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конвенция тартибга соладиган муносабатларда зиён кўрадиган бўлса, унинг миқдори зиён қайси давлатда етказилган бўлса шу аъзо давлатнинг қонуни билан аниқланади. Масалан, зиён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етказилди, зиён кўрувчи қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъий назар унинг миқдори Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан аниқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси 113-моддасида ташувчи парвоз чоғида йўловчининг ўлими ёки соғлигининг ёмонлашувига олиб келган зарар учун, агар бу зарарнинг олдини олиш учун ташувчи барча зарур чораларни кўрганлигини ёки бундай чораларни кўришининг иложи бўлмаганлигини исботлаб бера олмаса, мулкий жавобгар бўлади.

Агар йўловчининг ўлими ёки соғлигининг ёмонлашуви қайтариб бўлмас куч натижасида содир бўлган бўлса, ташувчи, агар етказилган зарар ёки зарарнинг кўпайиши жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги натижаси эканлигини исботлаб бера олмаса, белгиланганга мувофиқ жавобгар бўлади.

Етказилган зарар ёки зарарнинг кўпайиши жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги натижаси эканлигини ташувчи исботлаб берган бошқа ҳолларда фуқароликка доир қонунчиликнинг умумий меъёрларига мувофиқ зарар учун тўланадиган тоvonнинг миқдори камайтирилиши мумкин ёки зарарни қоплашдан халос этилиши мумкин.

Ташувчи йўловчининг ўлими ёки соғлиғи шикастланганлиги учун етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда фуқаролик қонунчилигида белгиланган тартибда ва миқдорларда қопланишини таъминлаши шарт.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳаво йилида ташиш билан боғлиқ халқаро шартномаларда фуқароларга етказилган маънавий зиённи қоплаш нормаси тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлмасада, лекин уларда белгиланган норма талабларидан келиб чиқиб фуқарога етказилган маънавий зиён ундирилиши керак.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 28.04.2000 й. 7-сон "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги Қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

2. Последние авиакатастрофы: жуткие аварии самолётов последних лет. <https://thebiggest.ru/nauka-i-tehnika/aviakatastrofy.html>

3. Авиакатастрофа Boeing 777 под Донецком (2014) https://ria.ru/event_Krushenie_malajzizjiskogo_Boeing_777_nad_Ukrainoj/

4. Маънавий зарар моҳиятини аниқлаш масаласига куйидаги муаллифлар эътибор қаратганлар:

О.Оқюлов, И.Насриев, К.Рашидов, Б.Ҳамроқулов, Братусь С.Н., Малеин Н.С., Шершеневич Г.Ф., Эрделевский А.М., Ярошенко К.Б. ва бошқалар.

5. Варшавская конвенция 1929 года Об унификации некоторых правил, касающихся международных воздушных перевозок (Гамбургские правила) г. Варшава, 12 октября 1929 года.

https://www.easting.lt/sites/default/files/Варшавская_к_онвенция.pdf

6. Конвенция для унификации некоторых правил международных воздушных перевозок. https://www.vip-class.ru/userfiles/file/biblioteka/Montreal%20Convention_MC99.pdf

7. Остроумов Н.Н. Договор перевозки в международном воздушном сообщении. М.: Статут, 2009. С. 81.

8. ИКАО – Халқаро фуқаролик авиацияси ташкилоти (ICAO - International Civil Aviation Organization). ИКАО 1944 йилда Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси билан фуқаро авиациясининг хавфсизлиги ва самарадорлигини ошириш, унинг ривожланишини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган.

9. The 1971 Protocol of Guatemala City to Further Amend the 1929 Warsaw Convention. <https://core.ac.uk/download/pdf/147639205.pdf>

10. ICAO Doc. 9693-LC/190. P. 18

11. ИАТА - Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси (IATA - International Air Transport Assotiation). ИАТА халқаро нодавлат ташкилот бўлиб, 1919 йилда халқаро ҳаво транспортида иштирок этувчи ташкилотларнинг биргаликдаги ишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган.

12. Остроумов Н.Н. Монреальская конвенция об унификации некоторых правил, касающихся международных воздушных перевозок 1999 г., и ответственность перевозчика за жизнь и здоровье пассажира // Московский журнал международного права. 2004. N 4 (56). С. 130

13. DCW Doc. N 35, 18/5/99. P. 19.

14. Law of damages. P.J.Visser, J.M.Potgieter, L.Steynberg, T.B.Floyd 2003. P.87.

15. Н.Н. Остроумов. Монреальская конвенция о международных воздушных перевозках как составная часть правовой системы России. <https://justicemaker.ru/view-article.php?id=12&art=6874>

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 26.12.1997 й. 552-I-сон "Халқаро кўламда йўловчи ва юкларни автомобилларда ташиш тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш ҳақида"ги Қарори. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси", 1998 й., N 1, 19-модда.

А.Эргашев

Тошкент давлат юридик университети Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА ТРАНСЧЕГАРАВИЙ БАНКРОТЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Аннотация: Мазкур мақолада юридик фанлар тизимида трансчегаравий банкротлик институтининг ҳуқуқий табиатига тўхталиб ўтилади. Шунингдек, ҳозирги кунда давлатлар ўртасида жадаллик билан ривожланаётган ўзаро ҳамкорлик алоқалари борган сари мустаҳкамланиб бормоқда. Бундай жараёнларнинг жадаллашуви халқаро майдонда янгидан янги муносабатларни вужудга келтириб, уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни, уларни назарий асосларини ишлаб чиқиш заруратини вужудга келтирмоқда. Шундай муносабатлардан бири бу трансчегаравий банкротликдир. Трансчегаравий банкротлик категорияси, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий характердаги муносабатларни тартибга солувчи халқаро хусусий ҳуқуқнинг институти сифатида талқин қилиш масаласи юзасидан ҳозирги кунга қадар цивилист олимлар томонидан ягона тўхтамга келинмаган. Шундан келиб чиқиб, бозор муносабатлари шароитида банкротлик институти иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатларига тўхталишдан аввал, давлатнинг иқтисодни тартибга солиш (ёки давлатнинг иқтисодни тартибга солишда иштирок этмаслиги) борасида шу кунга қадар бўлган муаммолар юзасидан бораётган мунозараларни, шунингдек, ўзида банкротлик институтини ифода этувчи иқтисодий муносабатларни айтиб ўтиш лозим. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ушбу муаммо, иқтисодий позицияни барқарорлаштириш, сақлаш борасидаги йўл ва воситаларини топишга оид тортишувларнинг асосини ташкил этидан иборатди.

Таянч сўзлар: трансчегаравий банкротлик, ҳуқуқий табиат, халқаро хусусий ҳуқуқ, халқаро фуқаролик процесси, моддий ва коллизия нормалар, кредитор, қарздор, банкротликни тан олиш.

Аннотация: В данной статье основное внимание уделяется правовой природе института трансграничного банкротства в системе юридических наук. Также в настоящее время укрепляются бурно развивающиеся отношения взаимного сотрудничества между странами. Ускорение таких процессов создает новые отношения на международной арене, создает необходимость их правового регулирования, разработки их теоретических основ. Одним из таких отношений является трансграничное банкротство. Категория трансграничного банкротства как института международного частного права, регулирующего отношения гражданско-правового характера, осложненные иностранным элементом, до сих пор не решена учеными-цивилями. Исходя из этого, прежде чем акцентировать внимание на экономико-правовых аспектах института банкротства в условиях рыночных отношений, необходимо упомянуть о продолжающихся дискуссиях о проблемах государственного регулирования экономики (или неучастия государства в регулирование экономики), а также экономические отношения, представляющие собой институт банкротства. Во многих странах мира эта проблема легла в основу споров о поиске путей и

средств стабилизации и сохранения экономического положения.

Ключевые слова: трансграничное банкротство, правовая природа, международное частное право, международный гражданский процесс, материальные и коллизияльные нормы, кредитор, должник, признание банкротом.

Abstract: In this article it has been discussed the issues of legal nature and aspects of institutes of cross-border bankruptcy in the system of law science. This article focuses on the legal nature of the institution of cross-border bankruptcy in the system of legal sciences. Also, nowadays, rapidly developing mutual cooperation relations between the countries are getting stronger. The acceleration of such processes creates new relations in the international arena, creates the need to regulate them legally, and develop their theoretical foundations. One such relationship is cross-border bankruptcy. The category of cross-border bankruptcy, as an institution of private international law regulating relations of a civil-legal nature complicated by a foreign element, has not yet been resolved by civil scientists. Based on this, before focusing on the economic and legal aspects of the institution of bankruptcy in the context of market relations, it is necessary to mention the ongoing discussions on the problems of the state's regulation of the economy (or the state's lack of participation in the regulation of the economy), as well as the economic relations that represent the institution of bankruptcy. must In many countries of the world, this problem has formed the basis of disputes regarding finding ways and means to stabilize and maintain the economic position.

Keywords: cross-border bankruptcy, legal nature, international private law, international civil procedure, material and conflict norms, creditor, debtor, recognition of bankruptcy.

Ҳозирги кунда давлатлар ўртасида жадаллик билан ривожланаётган ўзаро ҳамкорлик алоқалари борган сари мустаҳкамланиб бормоқда. Бундай жараёнларнинг жадаллашуви халқаро майдонда янгидан янги муносабатларни вужудга келтириб, уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни, уларни назарий асосларини ишлаб чиқиш заруратини вужудга келтирмоқда. Шундай муносабатлардан бири бу трансчегаравий банкротликдир. Трансчегаравий банкротлик категорияси, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий характердаги муносабатларни тартибга солувчи халқаро хусусий ҳуқуқнинг институти сифатида талқин қилиш масаласи юзасидан ҳозирги кунга қадар цивилист олимлар томонидан ягона тўхтамга келинмаган. Шундан келиб чиқиб, бозор муносабатлари шароитида банкротлик институти иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатларига тўхталишдан аввал, давлатнинг иқтисодни тартибга солиш (ёки давлатнинг иқтисодни тартибга солишда иштирок этмаслиги) борасида шу кунга қадар бўлган муаммолар юзасидан бораётган мунозараларни, шунингдек, ўзида банкротлик институтини ифода этувчи иқтисодий муносабатларни айтиб ўтиш лозим. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ушбу муаммо, иқтисодий позицияни барқарорлаштириш, сақлаш борасидаги йўл ва воситаларини топишга оид тортишувларнинг асосини ташкил этиб келмоқда.

Бу тоифадаги ҳуқуқий муносабатларнинг муаммолилиги ҳам доктринал, ҳам мазкур соҳани тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар соҳасида

акс этганлиги ушбу концепцияни ҳозирги кунга қадар долзарб, деган хулосага келиш учун асос бўлади. Шу билан бирга, юқорида кўйилган масалалар юзасидан якуний тўхтама келинмаганлиги унинг тарафдорлари томонидан бирон-бир аниқ бир позициясини шакллантирилишига тўсқинлик қилмоқда. Бундай тугалланмаганлик тасодиф эмас, асосийси фаразларнинг тугалланмаганлик муаммоси ҳуқуқшунослар томонидан унинг табиатига энг мос келадиган ва халқаро муносабатлардаги амалиётга татбиқ этилиши қулай бўлган тартибга солиш механизмини ишлаб чиқиш жараёни ҳанузгача давом этмоқда. Умуман олганда, асосли равишда процессуал фан халқаро банкротликни ҳал қилиш муаммосига катта эътибор бериб келмоқда. Бу мавзу 2007 йилда Сальвадор-да-Байяда (Бразилия) бўлиб ўтган, Процессуал ҳуқуқ бўйича XIII Бутунжаҳон конгрессида ҳам энг асосий масалалардан бири сифатида қайд этилган эди [1, 5-бет].

Аслини олганда, кўриб чиқилаётган вазият чет эл доктринаси умуман тан олинган бўлмаса-да, бироқ “cross-border insolvency” (трансчегаравий банкротлик) тушунчаси ўзлашганлигини эътироф этишади. Бу соҳада, хусусан, “multinational bankruptcy” (кўп миллатли банкротлик) [16, 662-бет], “international insolvency” (халқаро банкротлик) [12, 224-бет], “global insolvency” (глобал ночорлик) [19, 499-бет], “transnational bankruptcy” (трансмиллий банкротлик) [2, 13-бет] ва шу каби тушунчалардан фойдаланилади. Вазиятга нисбатан атамаларни турли эканлигига қарамай, одатда улар ўзида чет эл элементи билан мураккаблашган банкротликни назарда тутди. Қоида тариқасида, чет эл элементи тоифасига хорижий кредиторлар ва қарздорнинг чет элда жойлашган мол-мулклари киради [12, 25-бет]. М.М.Богуславский банкротлик муносабатларини чет эл элементи билан мураккаблашиш жараёнига қўшимча қилиб, “банкротлик жараёни битта шахсга нисбатан бир нечта давлатларда кўзғатилишини” ва “банкротликка оид чиқарилган суд қарори, қарор чиқарилган давлат ташқарисида ҳам ижро этилиши лозимлиги”ни таъкидлаган [2, 544 – 545-бет].

Шу йўсинда, трансчегаравий банкротлик муаммоси куйидаги масалаларга аниқлик киритишни талаб этади:

- аниқ ишнинг қайси давлат юрисдикциясига киришини аниқлаш зарурати;
- қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш;
- очилган банкротлик жараёнининг ҳуқуқий оқибатларини чет давлатда тан олинishi;
- турли давлатлар судларининг банкротлик жараёни юзасидан ҳамкорлиги ва мувофиқлиги;
- чет эл суди қарорини тан олиш ва ижро этишни халқаро механизмнинг трансчегаравий банкротлик масалаларига нисбатан татбиқ этилмаслиги [2, 544 – 545-бет].

Келтирилган масалалардан келиб чиқиб, уларни ечими моддий ва процессуал ҳуқуқ соҳаси билан чамбарчас боғлиқ, деган хулосага келиш мумкин.

Шу ўринда, А.Б.Летинанинг билдирган фикри жуда ўринли ҳисобланиб, унинг фикрича, “банкротликка оид қонунчилик ўзига хос мураккабликка эга бўлиб, ўзида ҳам моддий ҳуқуқ, ҳам процессуал ҳуқуқ нормаларини мужассамлаштирганлиги, уни у ёки бу ҳуқуқ соҳасига тегишли деган ягона хулосани чиқаришни имкони йўқлигини англатади” [7, 43-бет]. Шундай қилиб, “банкротлик деб аталмиш мураккаб объект, ҳуқуқ тизими иститути сифатида, қонунчиликни комплекс

институти сифатида, банкротлик жараёни тизими сифатида бошқарув тартибига эга бўлган ҳуқуқ субъектларининг ўзаро таъсир тизими сифатида қаралиши мумкин [4, 13-бет]”.

Шу билан бир қаторда, “тан олиш керакки, трансчегаравий банкротлик жараёни ва у билан боғлиқ келиб чиқадиган муносабатларнинг ўзига хослиги, ҳақиқатдан ҳам шу тоифадаги ишларни аниқ халқаро хусусий ҳуқуқ тизимидаги ўрнини аниқлашда бўлгани каби ҳуқуқнинг мавжуд соҳаларидаги ўрнини аниқлашда ҳам жуда қийин мураккабликлари вужудга келтиради: мазкур соҳа мавжуд бўлган бирор бир аниқ бўлимни тор қисми ҳисобланадими ёки у моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан боғланган халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўта махсуслаштирилган мустақил институти сифатида шаклланадими?” [1, 4 – 5-бет]. Бу масалада, А.А.Рягузов “миллий рақобат ҳуқуқида бўлган вазият сингари, трансчегаравий банкротлик институти ҳам соҳавий тегишлилигини аниқлашда уни комплекс характерга эга” [10, 62-бет], деган фикрни билдирган. Трансчегаравий банкротлик институтининг комплекс характерга эга эканлигининг моҳияти, мазкур ҳуқуқий муносабатнинг турли ҳуқуқ тармоқларига тегишли бўлган нормалари билан тартибга солиниши билан ифодаланади. Шундай қилиб, ўзида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини ўзида ифодаловчи “банкротлик институтига оид ҳуқуқий муносабатлар предмети доирасининг кенглиги, мантикий жиҳатдан мазкур институти комплекс характерга эга, деган якуний хулосага келиш мумкинлигини англатади” [11, 93-бет].

Шунингдек, бу борадаги А.А.Рягузовнинг фикрича, “Трансчегаравий банкротлик билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган асосий процессуал масалаларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин: биринчидан, ваколатли бўлган давлатнинг судини аниқлаш; иккинчидан, чет элда банкротлик ишига оид ҳужжатларни белгилаш ва уни тан олиш тартиби; учинчидан, банкротликка оид ишларни қўришда давлатларнинг миллий судлари ва бошқарувчилари ҳамкорлигини таъминлаш. Шу билан бир қаторда, процессуал муносабатларга чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир қатор ташкилий-процедуравий масалалар ҳам мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар: бошқарувчининг кредиторлар йиғилишига тайёргарлик кўриш ва ташкил этиш, корхона мол-мулкни аниқлаш, йиғиш (яъни, дебиторлик қарзларни ундириш, учинчи шахслардан мол-мулкни талаб қилиб олиш, қучмас мулкларни расмийлаштириш ва шу кабилар) ва уни сотиш ёки аксинча қорхонани жонлантириш (тиклаш) ишларини олиб боришга оид режалар тузиш ва ҳисоботлар тайёрлаш ва бошқалар [10, 65-бет].

Шундан келиб чиқиб, Т.Н.Нешатаев трансчегаравий банкротликка оид масалаларни халқаро фуқаролик процессига тегишли эканлигини айтиб, мисол тариқасида жараёнларнинг ўзаро алоқадор бўлишини таъкидлайди [9, 578 – 581-бетлар]. Бироқ, “халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида трансчегаравий банкротлик институтининг тегишлилигини аниқлаш юзасидан олиб борилган таҳлил натижаси “ҳал қилиб бўлмас” масалани тор ёки кенг маънода тушунилишига таянади. Халқаро хусусий ҳуқуқ тизимига халқаро фуқаролик процессини киритиш тарафдорлари ва бунга қарши олимларнинг фикрига чуқур баҳо бермасдан, А.А.Рягузов “трансчегаравий банкротликнинг тегишлилиги мазкур институтининг мазмунини фақат процесс масалаларига

мутаносиб бўлмай, аввало, уни тартибга солиш учун моддий ва процессуал ҳуқуқнинг бирлашишини эътибордан четда қолдиришини, яъни трансчегаравий банкротлик жойини бундай аниқлаш, бир томонлама” эканлигини таъкидлайди [10, 66-бет].

Шундай қилиб, “банкротликка доир қонунчилик нормаларининг ўзига хос хусусиятлари трансчегаравий банкротлик институтини қайси ҳуқуқ тизимига киритиш керак деган муаммони келтириб чиқаради: хусусан, халқаро хусусий ҳуқуққа ёки халқаро фуқаролик процессигами? Халқаро хусусий ҳуқуқ тизими ўзида коллизия, моддий ва процессуал нормаларини бир белгига асосан, яъни чет эл ҳуқуқи билан алоқадорлик мавжуд бўлганида ифода этади. Халқаро хусусий ҳуқуқ тизимида халқаро фуқаролик процесси мустақил элемент сифатида намоён бўлади ва бу халқаро хусусий ҳуқуқ тизимига трансчегаравий банкротликни тартибга солувчи моддий-процессуал нормалар йиғиндисини киритиш имконини беради (*cross-border insolvency*) [3, 580 – 581-бетлар]. М.М.Багуславский трансчегаравий банкротлик институтини халқаро фуқаролик процесси доирасида, халқаро хусусий ҳуқуқ институтини сифатида кўриб чиқади [2, 31-бет]. Чет эл элементларига ва халқаро аҳамиятга эга бўлган, шунингдек низоли ишни кўришга қаратилган процессуал ҳуқуқнинг нормалари халқаро фуқаролик процессуал ҳуқуқнинг таркибий қисмини ташкил этади [13, 12-бет], дейиш мумкин.

Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларнинг кенг тарқалган кўринишларда бўлиши, чет эл ҳуқуқи субъектларининг турли давлат фуқаролигига мансуб бўлиши, объектларининг турли давлатлар ҳудудида жойлашган бўлиши, ушбу муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши учун асос бўлган юридик фактларни муайян мамлакат ҳуқуқи орқали баҳолаш, низоларни муайян ҳудудда ва ўз вақтида олдини олиш, бартараф қилиш, ҳал этишни талаб қилади. Халқаро ҳаётда бунга ўхшаш масалаларнинг турлари ҳар хил бўлиши мумкин, уларни бирон бир рўйхат билан чеклаб ҳам бўлмайди, шунинг учун улар муносабатларни турли шароитда, турли равишда мураккаблаштириб юборилиши учун сабаб бўлади. [13, 7-бет]

Шу билан бирга, ғарб мамлакатларидаги халқаро хусусий ҳуқуқ оид асарлар, қоида тариқасида давлатлар ўртасида халқаро-иқтисодий жиҳатдан вужудга келадиган хусусий муносабатларни ривожланишига асосланган ҳолда ёзилган. Ривожланган мамлакатлар трансчегаравий банкротлик институтини у ёки бу ҳуқуқ тармоғига тегишли эканлигини аниқлашнинг турли ёндашувларига асосланганлиги сабабли, давлатнинг мазкур соҳани тартибга солиш борасидаги энг самарали конструктив механизми шаклланади.

“Шунга қарамасдан, ривожланган давлатларнинг халқаро хусусий ҳуқуққа оид амалиёт ва назариясида трансчегаравий банкротликни халқаро хусусий ҳуқуқни тармоғи сифатида тан олинishi юзасидан ҳам яқдиллик мавжуд эмас. Хусусан, мазкур институт Германия, Англия ва Франция давлатларида халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига киритилса, Нидерландияда эса бу институт халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига кирмайди” [1, 4-бет]. Бизнинг фикримизча, мазкур воқелик объектив жиҳатдан мавжуд бўлган муаммони келтириб чиқаради, бу эса, муаммони назарий тушуниш ва ечимини топиш йўллари шакллантиришда уларни нафақат миллий ҳуқуқ

тизимига бўлган самарали таъсирини, балки юридик хусусиятдаги халқаро оқибатларини ҳам эътиборга олиш зарурдир.

Л.П.Ануфриеванинг “Трансчегаравий банкротлик ҳодисаси халқаро хусусий ҳуқуқнинг мустақил институти ҳисобланиб, ўзида моддий-ҳуқуқий ва процессуал хусусиятларни намоён қилади (“алоҳида тоифадаги” институт – *sui generis*)” [1, 5-бет], деган фикри диққатга сазовор. Шундай қилиб, халқаро фуқаролик процессуал ҳуқуқи – бу чет эл элементи билан мураккаблашган ўзига хос фуқаролик ҳуқуқий мунсабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган нормалар йиғиндисидир [5, 16-бет]. Шу боис, “у халқаро хусусий ҳуқуқ муаммоси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб [6, 22-бет]” халқаро фуқаролик процесси муаммосини ўрганиш ва таҳлил қилиш халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида амалга оширилади [8, 19 – 22-бетлар].

Шундай қилиб, моддий-ҳуқуқий нуқтаи назардан, банкротликка оид ҳуқуқий муносабатлар – бу қўзғатилган банкротлик иши юзасидан қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир бўлмай қолган қарздорни мол-мулкдан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ навбат кетма-кетлиги билан ундиришга оид муносабатдир. [11, 27-бет]

Процессуал-ҳуқуқий нуқтаи назардан банкротликка оид ҳуқуқий муносабатлар нафақат моддий-ҳуқуқий жиҳатдан, балки процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан ҳам тартибга солиниши талаб этилади. Процессуал-ҳуқуқий фактлар (ҳўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиниши) фақат процессуал-ҳуқуқий шаклда намоён бўлади [14, 23-бет].

Миллий ҳуқуқ тизимида ишлаб чиқилган доктринал позицияда халқаро хусусий ҳуқуқ алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида ўзига хос ўрин эгаллайди. Унинг мазмуни давлатнинг ички ҳуқуқий нормалари ва коллизия (тўқнашувчи) нормалар билан тартибга солинадиган нормалардан ташкил топади. Ушбу нормалар билан тартибга солинадиган чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик муносабатларидан ва процессуал ҳаракатлардан иборат. [13, 13-бет]

Шундай қилиб, ҳуқуқшунослик тармоғи (фан) сифатида халқаро хусусий ҳуқуқни ўзига хос тузилишини эътиборга олиб, ўзида моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормаларини акс эттирганлиги халқаро хусусий ҳуқуқ тизимига у ёки бу чет эл элементи мавжуд бўлган муносабатларни тартибга солишга қаратилган банкротликка оид нормалари жамланмасини ҳам киритиш имконини беради [7, 81-бет]. Бунинг натижасида, “трансчегаравий банкротлик” (*cross-border insolvency*) билан боғлиқ келиб чиқадиган муносабатлар халқаро хусусий ҳуқуқ доирасига киради ва унинг тартибга солиш объекти ҳисобланади, деган хулосага келиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ануфриева Л.П. Международное частное право: В 3 т. Т. 3. М., 2001.
2. Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. М., 2005.
3. Гетьман-Павлова И.В. Международное частное право: учебник. М.: Эксмо, 2009 г.

4. Дорохина Е.Г. Правовое регулирование управления в системе банкротства // Подготовлен для системы Консультант Плюс. – 2009.

5. Елисеев Н.Г. Гражданское процессуальное право зарубежных стран. Источники, судоустройство, подсудность. М., 2000.

6. Звеков В.П. Международное частное право. Курс лекций. М., 1999.

7. Летин А.Б. Трансграничная несостоятельность как объект науки международного частного права // Государство и право. – 2003. – № 8.

8. Лунц Л.А. Курс международного частного права. Общая часть. М., 1973.

9. Нешатаева Т.Н. Международное частное право и международный гражданский процесс. М., 2004.

10. Рязузов А.А. Правовое регулирование трансграничной несостоятельности: Дис. ...канд. юрид. наук. М., 2008.

11. Свириденко О.М. Институт несостоятельности (банкротства) в науке и практике современной юриспруденции // Закон и право. – 2009. – № 2.

12. Собина Л.Ю. Признание иностранных банкротств в международном частном праве. –М.: Статус, 2012.

13. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. // Ҳ.Р.Раҳмонкулов ва бошқ. /Ҳ.Б.Бобоев, М.Х.Рустамбоев, О.Оқюлов, А.Р.Раҳмановларнинг умумий таҳрири остида. – Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2002 йил.

14. Чиркунова Е.В. Правовая природа производства по делам о несостоятельности (банкротстве) граждан // Правоведение. – 2000. – № 3.

15. «Ученых объединил процесс» // Эж-юрист. – 2007. – № 38 (493).

16. Berger Marc A. Currency Issues in Multinational Business Reorganizations // Brooklyn Journal of International Law. 1995. Vol. 20.

17. Gitlin Richard & Silverman Ronald. International Insolvency and the Maxwell Communication Corporation Case: One Example of Progress in the 1990 s / Private International Law: Commercial Law & Practice Course Handbook Series, 1992.

18. Todd Kraft, Allison Aranson. Transnational Bankruptcies: Section 304 and Beyond. 1993 Colum. Bus. L. Rev.

19. Westbrook Jay Lawrence. Choice of Avoidance Law in Global Insolvencies // Brooklyn Journal of International Law. 1991. Vol. 17.

Э. Инамджанова,

Преподаватель кафедры Международное частное право Ташкентского государственного юридического университета

ГАРАНТИИ И ЗАЩИТА ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Аннотация: в данной статье исследованы вопросы обеспечения прав и гарантий безопасности иностранных инвесторов, реализации инвестиционных договоров в соответствии с переходом на цифровую экономику большинства стран. По итогам исследования обоснована необходимость унификации и совершенствования инвестиционного законодательства Республики Узбекистан в части правового регулирования цифровых активов и защиты иностранных инвестиций.

Ключевые слова: инвестиционные гарантии, риски, правовой режим, цифровые активы, инвестиционный контракт, токен, безопасность, обязательства инвестора, минимальный стандарт.

